

**РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ**

**МИЛЛИЙ МАФКУРА ИЛМИЙ ТАРФИБОТ МАРКАЗИ**

**ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР МАРКАЗИ**

**КУДДУС АЪЗАМОВ  
ШАМСИДДИН ЖУМАЕВ**

**МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ИШИ**

(Маънавият ва маърифат соҳасида ишловчилар учун илмий-  
услубий қўлланма)

**ТОШКЕНТ - 2005**

Аъзамов Куддус, Жумаев Шамсиддин.

Маънавият ва маърифат иши: (Маънавият ва маърифат соҳасида ишловчилар учун илмий-услубий қўлланма)/Қ.Аъзамов, Ш.Жумаев; Масъул муҳаррир Султонмурод Олим; Республика маънавият ва маърифат Кенгаши, Миллӣ мafкуra шимий тарғибот маркази. — Т.: А.Навоӣ номидаги Ўзбекистон Миллӣ кутубхонаси нашриёти, 2005. — 132 б.

I. Муаллифдош.

ББК 87.6 - 71.05

### Масъул муҳаррир - Султонмурод ОЛИМ

Маънавий-маърифий ва мафкуравий тарғибот ишлари ҳеч қачон ҳозиргидек долзарб вазифага айланмаган. Маънавий ислоҳотлар давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлгани, мафкуравий таҳдид ва аҳборот хуружи кучайшб бораётгани, одамлар онги ва қалбини эгаллаш йўлидаги кураш давом этаётгани ҳаётнинг барча жабҳалари, ишлаб чиқарганинг ҳамма соҳалари, аҳолининг ҳар бир қатлами орасида маънавий-маърифий ва мафкуравий тарғиботни янги босқичга кўтариш эҳтиёжини юзага келтирди.

Шунинг учун ҳам маънавий-маърифий ва мафкуравий тарғибот ишлари қандай дастур ва йўналиш, қайси кўрсатма ва қўлланма, қанақа режа асосида, қай савияда, кимлар тарафидан олиб борилаётгани гоят муҳим масала бўлиб туриди.

Ушбу илмий-услубий қўлланма маънавий-маърифий ва мафкуравий тарғибот ишларини ташкил этиш, уюштириш ва мувофиқлаштириш учун асосий манба бўлиб хизмат қиласи.

№ 459-2005

©Алишер Навоӣ номидаги Ўзбекистон  
Миллӣ кутубхонаси

## МУСТАҚИЛЛИК ВА МАЬНАВИЯТ

ХХ асрнинг сўнгти ўн йиллиги бошида дунёни етмиш йил мобайнида таҳликаға солиб келган қизил империя парчаланди, миллионлаб одамлар тафаккури устидан ўрнатилган коммунистик мафкура диктатураси барҳам топди. Бир ярим аср мобайнида мустабид тузум зулми остида эзилган, мислсиз хўрликлар, кулфат ва йўқотишларни бошидан кечирган ўзбек халқи озодликка эриди.

Тарих учун ўта қисқа муддат ичида Президент Ислом Каримов раҳбарлигига янги Ўзбекистон давлати ташкил топди ва жаҳон саҳнасидан ўзига муносиб ўрин эгаилади. Ҳукуқий, демократик ва фуқаролик жамиятининг асослари яратилди. Ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Мамлакатимиз раҳбарининг дунёда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш ҳамда, халқаро терроризмга қарши курашга кўшган ҳиссаси жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак даражада эътироф этилди. Ўзбекистон дунёning турли минтақаларида жойлашган кўплаб мамлакатлар билан ўзаро манфаатдорликка асосланган алоқалар ўрнатди.

Энг муҳими - биз ўзлигимизни англадик, ўзбек деган муборак ном дунёда ўз қадрини топди. Хуллас, мустақиллик йилларида эзгу ва олий мақсад йўлида амалга оширилган улкан ишлар ҳақида ҳар қанча гапирсак озлик қиласди. Тоғнинг маҳобатини олдида туриб эмас, узоқдан яққолроқ кўриш мумкин бўлганидек, бу ишларнинг аҳамияти йиллар ўтган сайин ортиб бораверади ва миннатдор авлодлар, шубҳасиз, уларга муносиб баҳо беради.

Маълумки, халқимиз тарихининг буюклиги, аввало, маънавияти ва маърифатининг юксаклиги билан белгиланади. Мусо ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Абу Наср Форобий, Аҳмад Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Имом Бухорий, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк аждодларимиз инсоният тараққиётига, хусусан, илм-фан, маънавият ва маърифатининг юксалишига улкан ҳисса кўшган. Темурийлар, бобурийлар томонидан яратилган буюк салтанатлар, улар раҳнамолигига барпо этилган муҳташам тарихий обидалар бугун ҳам халқимиз даҳосининг ёрқин намунаси сифатида дунё аҳлини ҳайратта солиб келмоқда.

Забардаст адилларимиз яратган юзлаб бадиий асарлар жағон адабиётининг тенгсиз дурданалари сифатида инсониятнинг маңнавий мулкіті айланған. Ҳуллас, ұзбек халқы маңнавияттін юксакликка күтартған мисолдарнинг чек-чегараси йўқ. Улар ватандошларимизнинг дунёқараси, феъл-автори, тафаккури ва тиіннатида, урф-одатлари, аньналари ва удумларидә ўз ифодасини топған.

Жаннатмонанд юртимизга ёвуз мақсадлар билан келган босқынчилар, мустамлакачилар бундай юксак маңнавият олдида ўзларини ёввойи ҳис қылған ва гүзәл обидаларни ваҳшиттарча вайрон этган, бебаҳо китобларни ўтда ёқсан, илм-фан, маңнавият ва маърифат тараққиётини бүғишта уринган. Улар томонидан минг-минглаб зиёлилар, ёзувлар, санъаткорлар қатагон қилинған, тарихий осори атиқаларимиз, бойликларимиз шафқатсизларча таланған. Бу мудҳиш жараён то Ўзбекистон мустақиллікка эришгүнга қадар давом этди.

Масалан, XX асрнинг 80-йиллари ўрталарида собиқ марказ томонидан ўйлаб чиқылған "пахта иши" баҳонасида минг-минглаб ватандошларимиз ноқопуппій равишида қамоққа олинған, уларнің ірілдөш-үрүтларнің тазімік ұтказылған. Собиқ қызил армия сафида хизмат қылған юзлаб ватандошларимиз фожиали тарзда ҳалок этилған. Оммавий ахборот воситаларида буюк ўзбек миллатини "пахта ўғриси"га чиқармоқчи бўлишган. Тарихда "сўнити қатагон" деб ном олган бу мудҳиш жараён республика ижтимоий ҳаётининг барча соҳалариши қамраб олган. Худди 30-йиллардаги каби, судсиз, сўроқсиз минглаб одамлар қамоққа олинған, миллатлараро низолар ўюштирилған, бегуноҳ ватандошларимизнинг қонлари тўкилған. Юртимизга юзлаб "десантчилар" юборилған ва "ўзбеклар иши" деган миллатимиз шаънига мутлақо мувофиқ бўлмаган тұхматларни тўкишиб, дунёга жар солишган. Ҳалқимизнинг маңнавияти ва миллий қадриятларига қарши кураш аввалгидан ҳам шафқатсизроқ тус олган.

Даҳрийлик жазаваси шу даражага етиб борганки, ўз яқинларининг жанозасига борганлар ҳам таъқиб қилина бошлаган. Биргина мисол. Ўз укасининг жанозасига боргани учун академик С. Йўлдошев Ўзбекистон компартияси 16-plenumiда мұхокама қилинған ва қораланған. "Яқинда бўлиб ўтган дағи маросимига бағишлиларнан жанозада, — деб ёзилади ўша давр ҳукмрон мағкураси нашрларидан бирида, — ВАСНХИЛ

академиги С. Х. Йўлдошев, уч фан доктори, беш фан кандидати қатнашган. Уларнинг кўпчилиги партия аъзолариридир, бу масалада бошланғич партия ташкилоти, Киров район, Тошкент шаҳар партия комитетлари сукут сақлаб турганлиги сиёсий жиҳатдан зарарли ва социал жиҳатдан хатарлидир".

Ўйлаб кўринг: ўз укасининг жанозасида қатнашиш "сиёсий жиҳатдан хатарли" деб баҳоланса-я?! Табиийки, бундай таҳдишлар жамиятдаги таҳлиқани, саросимани янада кучайтирган. Натижада, баъзилар ота-онаси ёки яқинлари оламдан ўтганида жанозага борищдан қўрқиб, зудлик билан касалхонага ётиб олишган ёки "хизмат сафари"га жўнаб қолишган. Бугина эмас. Ҳатто "алла", "ялла" каби сўзлар "Аллоҳ" сўзидан келиб чиқмаганмикан, деган мутглақо асоссиз қарашлар ўртага ташланган. Бу миллий қадриятларимизни, ота-боболаримиз асрлар оша эътиқод қилиб келган муқаддас ислом динини таҳқирлашдан ўзга нарса эмас эди.

Ҳаттоқи, исломдан олдин пайдо бўлган қадимий Наврӯз байрамини нишонлаш ҳам тақиқланган. Унинг ўрнига "Лениннинг ҳаёти ва фаолияти тарғибиға асосланган илғор, совет удумларини жорий этиш"га хизмат қиласиган, миллий хусусиятларимизга зид бўлган соҳта "удум"лар зўравонлик билан киритилган. Рамазон ва Курбон ҳайити кунлари КПСС пропагандистлари худосизликни тарғиб қилишга зўр беришган. Атеистик пропагандани кучайтириш тўғрисида маҳсус дастурлар ишлаб чиқилган. Ҳайит намозларининг олдини олиш учун масжид-мадрасалар атрофиға милиция ходимларидан иборат соқчилар қўйилган. Бутун бошли ҳалқ даҳрийликка, эътиқодсизликка маҳкум этилган эди.

Амал курсисига зулукдек ёпишиб олган, аслида, ҳалқ манфаатини ҳимоя қилиши лозим бўлган "лаббайгўй" мансабдор шахслар уйма-уй юриб, дошқозонларда қайнаётган сумалакларни ағдаришган, қолоқлик ва феодализм сарқити сифатида миллий либосларимиздан воз кечишига, диний маросимларда қатнашмасликка даъват қилишган. КПСС фаоллари "жанговарлик"ка чақирилган қарорлардан бирида шундай таъкидланади: "Идеологик, сиёсий тарбиявий ишни олиб борища партия комитетлари жиддий хатоликлар ва нуқсонларга йўл қўймоқдалар, кўпгина салбий ҳодиса ва жараёнларга принципиал партиявий позицияларда туриб қараб чиқилмаётир, уларнинг моҳияти, асл сабаблари очиб ташланмаётир".

Одамлар турли "туғилған күн"лар, "юбилей"лар баҳонасида фарзандларини минг бир күркүв билан пінқона суннат қилишган. Никоҳлар ҳам масжидда маҳфий тарзда ўқылған. Ўзбек тили шунчаки рўзгорда ахборот алмашадиган восита даражасига тушириб кўйилған эди.

Халқимизнинг бошига ўша пайтда тушган кўргиликларни санаб адодига етиши қийин. Энг аянчлisisи шуки, жаҳон маданияти тараққиётiga улкан ҳисса қўшган, дунёга маърифат улашган жафокаш халқимизни "пахта ўғриси"га чиқаришди. Бир умр заҳмат чекиб, косаси оқармаган оддий деҳқонларни, уларнинг оила аъзоларини, сочига оқ тушган мўътабар онахонларимизни ҳам "пораҳўр" деган "айб" билан қамашган. "Марказ"да ўтирган, "узоқни кўрадиган" раҳбарлар Ўзбекистонга ўзлари юборган "десантчилар"ни халқимизга қарши гиж-гижлаб, уларнинг ўчогига ўт қалаб турган. Бизга "ҳалолликни жорий қишиш" учун юборилған газандалар халқимизни обдан хўрлаган, талаган. Кўз кўриб, қулоқ эшифтмаган, инсон шаънига мос келмайдиган номаъкулчиликлар қилишган, айримлари ўзларини йириқич ҳайвонлардай туттган.

"Юқсан мұкофотлар" итихласда юрган, буриштан нарини кўролмайдиган маҳаллий раҳбарлар Москвадаги "кatta оға"ларга "янада кўпроқ десантчилар юборинг" деб Худонишг зорини қилишган. "Юқори" нима деса, қулоқ қоқмай ижро этишаверган.

Биз мустақилликка эришган пайтда жамият шундай оғир, танассул комига тертилған, халқнинг руҳи чўккан, одамлар эртаниги кунга бўлган ишончилий йўқотган, жиноятчилик авжига мингани, босқинчилик, одам ўлдириш, машина ўғирлаш каби мудҳиши жиноятлар одат тусига кирган эди. Президент Ислом Каримов ўша даврдаги вазиятни қўйидагича изоҳлаган: "Халқнинг урф-одатлари, анъаналари, маданияти обдан оёқости қилинди, она тилининг қўлланиш соҳаси сунъий тарзда чеклаб қўйилди. Ҳатто, шундок ҳам миллий анъаналардан анча олисда бўлган айрим санъат турлари кимларгадир мақбул бўлмай қолди ва уларни янгилашта уришдилар. Ҳатто миллий либос ҳам қораланди. Кези келганда, одамлар миллий анъаналар бўйича тўй қилиш, қариндош-уругларини дағн этишга ҳам чўчиб қолган эдилар".

Ана шундай мураккаб шароитда халқни янги мустақил давлат барпо этишга сафарбар қилиш учун, аввало, унинг маънавиятини, руҳиятини тиклаш лозим эди. Худди шу сабаб

Ўзбекистон раҳбари ўз фаолиятини маънавиятгимизни тиклапшдан бошлади.

Ўттан йиллар давомида тоталитар тузум даврида тақиқланган, миллий тафаккуримиз ва тарихий хотирамизнинг ёрқин ифодаси рамзи бўлган миллий ва диний қадриятларимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримиз, байрамларимиз, қарийб унугтилаёзган буюк аждодларимизнинг муборак номлари ҳаётта қайтди, уларнинг эзгу ишлари эъзоз ва қадр топди. Ташиландиқ жойларга айлантирилиб, вайронга бўлган минглаб масжиду мадрасалар, муқаддас қадамжолар таъмиранди. Ман қилинган китоблар чоп этилди. Тарихимиз тўғрисидаги асл ҳақиқат рўёбга чиқди. Ўзимизга савол бериб кўрайлик: буларсиз биз киммиз? Ҳаётимизни уларсиз тасаввур эта оламизми? Бу саволларга инсоф билан, тўғри жавоб берга олсаккина масаланинг туб моҳиятига етишимиз мумкин.

Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 1989 йилиёқ ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Миллий қадриятларимиз тиклана борди. Жумладан, 1991 йил 12 февраляда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республикада "Наврӯз" умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ҳақида"ти Фармони эълон қилинган. Унда "асрлар давомида шаклланган урф-одатлар ва удумларни эъзозлаш мақсадида "Наврӯз" байрамини кенг нишонлаш юзасидан чоратадбиirlар" белпиланган. Байрам муносабати билан совет даврида қамоқقا олинган бир қатор ватандошларимиз Президент фармойишига биноан афв этилган. Мана шундан бошлаб "Наврӯз" том маънодаги халқ байрамига айланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан 1991 йил 16 апрель Рамазон ҳайити кунига тўғри келганилиги муносабати билан дам олиш куни деб эълон қилинган эди. Халқимизнинг хоҳиши ва иродаси ифодаланган бу тарихий Фармонни барча мўмин мусулмонлар катта шоду хуррамлик билан кутиб олишган. Айнан шу санадан бошлаб юртимизда Рамазон ва Курбон ҳайитлари байрам қилиб келинмоқда.

Фақат мустақиллик шарофати билангина минглаб юртдошларимиз ҳаж ибодатларини эмин-эркин адо этиш ҳуқуқига эга бўлди. Совет даврида муқаддас ҳаж сафарига йилига бир-икки киши борган бўлса, ҳозирги кунда келиб йилига 4 мингдан ортиқ ватандошларимиз ҳажга бориб келмоқдалар.

Диний меросимиз сарчашмалари бўлган Куръони карим ва

ҳадиси шарифлар ўзбек тилига таржима қилиниб, кўп минг нусхада бир неча марта нашр қилинди. Ҳалқимиз бу мероснинг чинакам соҳибига айланди.

Бу борада Президентимиз Ислом Каримов шундай деган эди: "Одамзоднинг ризқ-насибаси фақат нонгина эмас. Жумҳурият ҳудудида ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши, илгари тақиқлаб қўйилган урфодатлар ва анъаналарнинг тикланниши, ҳалқ эъзозлаган "Наврӯз" байрамининг қайта туғилиши, шу куннинг дам олиш куни деб эълон қилингани, Ўзбекистондан хизматта чакирилаётган йигитлар қурилиш қисмларидағи ҳарбий хизмати тартибининг ўзгартирилиши ва бошқа кўп тадбирлар инсонга ғамхўрлик, ҳалққа иззат-икромнинг мужассам бўлишидир. Буларнинг ҳаммаси, бирорлар беҳуда уқтиришга уринаёттанидек, ҳалққа хушомад эмас, балки бизнинг принципиал йўлимиздир, биз бу йўлни келажакда ҳам изчилилк билан амалга ошираверамиз".

Шундай қилиб, тарих учун бир сониядек бўлган бу даврда Ўзбекистон асрларга татиғуллик тараққиёт ва маънавий юксалиши йўлини босиб ўтди. Ҳалқимизнинг асрлар мобайнида мисқоллаб тўплаган бебаҳо маънавий меросини тикланаш ва одамларни уйдан баҳрамаанд қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Буюк аҳододларимизнинг таваллуд тўйлари, қадимий шаҳарларимиз ва "Авесто", "Алномиши" каби буюк асарларимизнинг юбилейлари ўтказилди. Буларнинг аҳамияти шимада?

Булар туфайли, биринчи навбатда, биз ўзлигимизни англадик, ўтганларнинг руҳи шод, кўнгил мулкимиз обод бўлди. Шаҳар ва қишлоқлар, мадрасаю масжидлар қайта тикланди, қанчадан-қанча китоблар чоп этилди. Иккинчидан, маънавиятимиз орқали миллатимиз қадри, шаъну шавкати тикланди. Булар ҳаммаси мамлакатимиз келажаги бўлган ёш авлод учун ватанпарварлик ва фидойилик, элим деб, юртим деб ёниб яшашнинг, миллат истиқболи учун қайгуришининг ёрқин ифодаси бўлиб қолади. Бунга шубҳа йўқ.

Юртимиизда бошланган ана шундай эзгу жараёнларни ислоҳотларнинг устувор йўналишига айлантириш мақсадида 1994 йил 23 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази ташкил этилди. Бу давлатчилигимиз тарихида авваллари кузатилмаган ҳодиса ҳисобланади. Мазкур Фармонда миллтий тафаккурни ривожлантириш, маънавият ва

маърифатни янада камол топтиришга кўмаклашиш ниятида "Тафаккур" журналини чоп этиш ҳам белгилаб қўйилган.

Шундан кейин жойларда маънавият ва маърифат ишларига эътибор янада кучайди, вилоятларда Марказ бўлимлари, маҳсус тарғиботчилар гурухлари ташкил этилди. Минглаб учрашув, мулоқот, давра сұхбатлари уюштирилди, юзлаб мақолалар, илмий рисолалар чоп этилди. Буларнинг барчаси жамиятдаги соғлом кучлар — юксак истеъодод ва тафаккур соҳибларининг ақлий салоҳиятини Ватан истиқболи сари йўналтириш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, одамларнинг маънавий камолотиши юксалтириш, аждодларимиз томонидан асрлар мобайнида яратилган бебаҳо маданий меросимиз, миллий қадриятларимизни тиклашга, энг асосийси, ўзлигимизни англашга катта таъсир кўрсатди, халқимизнинг буюк яратувчаник даҳосини рӯёбга чиқаришга хизмат қилиди. Муҳими, жамият тараққиётининг асосий омилларидан бири — соғлом маънавий-маърифий муҳит яратилиши.

"Тафаккур" журналиниң таъсис этилиши, ҳам шубҳасиз, ижтимоий ҳаётимизнинг муҳим воқеасига айланди. Ўтган йиллар мобайнида журналда мустақил тараққиётимиз кўпқиррали жараёнининг мазмун ва моҳиятини таҳлил қилишга қаратилган кўплаб салмоқли мақолалар чоп этилди. Хулас, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан таъсис этилган мазкур журнал жамиятимизда ўзига муносиб ўрин эгаллади.

Тарихдан маълумки, барча давлатларда ҳам тараққиёт, аввалимбор, инсонларнинг маънавий камолоти билан белгиланади, мутараққий давлат фақат юксак маънавият заминидагина вужудга келади. Шунинг учун ҳам маънавий ислоҳотларни янада жадаллаштириш, халқимизни озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек улуғ мақсадга сафарбар этиш, уларнинг имкон ва салоҳиятини бирлаштириш, аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида 1999 йил 3 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика Маънавият ва маърифат Кенгашини қўллаб-кувватлап тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Унда "мамлакат ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш жараёнида аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириб борища юксак маънавият ва маърифатли, миллий ва умуминсоний қадриятларни чукур эгаллаган, демократик тамойиллар ҳамда фуқаролик жамияти асосларини ҳар томонлама ўзлаштирган,

шахсий ва умуммиллий манфаатларини ўзаро уйғун кўра оладиган эркин шахе ва онгли авлодни тарбиялаш" Кенгашининг асосий вазифаси сифатида белгилаб кўйилди.

Кенгаш ўз атрофига 60 га яқин ташкилотни бирлаштириб, уларнинг маънавий-маърифий ва мағкуравий тарғибот йўналишидаги фаолиятларини мувофиқлаштириб келмоқда. Кенгашининг фаолияти бевосигта ўсиб келаётган янги авлодни миллий истиқлол руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда том маънодаги фидойилик ва ватанинварварлик мұхитипи яратиш, ватандошларимизни бүнёдкорлик ишларига сафарбар этиш, уларни ёт ғоялардан ҳимоя қилиш каби эзгу мақсадларга йўналтирилган.

Кенгаш жамоатчилликка дунёда бугунги кунда содир бўлаётган воқеалар, мавжуд зиддиятлар, мустақиллик ва миллий қадриятларимизга, бетакор урғ-одатларимизга таҳдид солаётган оқимлар ва таъсирлар, жумладан, халқаро терроризмнинг асл моҳиятини очиб беришда алоҳида фаоллик кўрсатмоқда.

Маълумки, ҳозирги даврда турли мағкура ва таълимотлар ўртасидаги зиддиятлар тобора кучайиб, инсон онги ён тафаккурини зибтэтини қуроли тутқиашувларга олиб бормоқда. Жумладан, халқаро терроризм ва ақидапарастликинг бошқа кўрпнишлари асrimiz вабоси сифатида кўплаб бегуноҳ одамларнинг ҳәтига зомин бўлмоқда. Фаҳш, жангарилик, зўравоилик, миллий маҳдудлик, информацион хуружлар ёшлиаримиз онгига тажовуз қўлмоқда. Улардан кўзланган асосий мақсад — ғайриинсоний тубанишкни тарғиб қўлиш, миллий қадриятларимизни обрўсизлантиришдир. Ана шундай глобал таҳдииларни бартараф этиш, қадриятларимизни асраб-авайлаш, глобаллашув жараёнида ўзлизгимизни асраб қолишни тўла таъминлаш ҳам Кенгашининг асосий вазифаси ҳисобланади. Уни амалга ошириш учун жамиятимиздаги барча соглом кучларни бирлаштиришимиз керак. Зеро, бугун халқларнинг тақдири жангтоҳларда эмас, балки мағкуравий, маънавий-маърифий кураш майдонларида ҳал бўлмоқда.

Бевосига Кенгаш тузилиши муносабати билан барча Олий ва ўрта маҳсус ҳамда Халқ таълими вазирларлари тизимидаги маънавият ишлари бўйича проректор ва директор ўришбосари лавозимлари жорий қилинди. Улар ёшлиаримизни фидойилик, миллий ва умумбашарий қадриятларга содиклик руҳида тарбиялашга салмоқли ҳисса кўшмоқда.

Тараққий эттан жамиятни фақат юксак маънавиятли фуқаролар барпо этиши мумкинлиги ҳаммамизга яхши аён. Айнан шунинг учун ҳам мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан олий ўкув юртларида "Маънавият күнлари" жорий қилинди. Биз улардан самарали фойдаланмоғимиз лозим. Бунинг учун эса эски, сийқаси чиққан, қуруқ маърузабозликдан воз кечиб, янги замонавий усулларни жорий этишимиз зарур. Бадиий воситаларга кўпроқ эътибор беришимиз керак. Юксак бадиий савияда ёзилган асар, маҳорат билан саҳналаштирилган спектакль ёки суратта олинган фильмлар инсоннинг қалбини ларзага солиш, уни эзгу мақсадларга чорлаш, маънавий юксакликка кўтариш қудратига эга. Ҳозирги тарихий давр ана шундай инсон қалбини қамраб оладиган асарлар, замонамиз қаҳрамони образини яратишни тақозо қилмоқда. Бу соҳада ҳам Республика Маънавият ва маърифат Кенгашси зиммасига фоят масъулиятли вазифалар юклитилган. Хулиас, жамиятимиздаги маънавий-маърифий ва мағкуравий муҳитни янада согломлаштириш борасида қиласидиган ишларимиз кўп. Уларни уддалашда бизни бундан буён ҳам мамлакатимиз раҳбарияти ва кенг жамоатчилик ҳар томонлама кўллаб-қувватлашинг ишонамиз.

## I бөб

РЕСПУЕЛИКА МАҢНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ  
ВА УНИНГ ТАШКИЛИЙ ГУРУҲИ, РЕСПУБЛИКА  
“МАҢНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ” МАРКАЗИНИНГ  
ТАШКИЛ ЭТИЛИШИГА ОИД ҲУҚУҚИЙ-МЕЬЕРИЙ  
ҲУЖОХАТЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ  
РЕСПУБЛИКА "МАЊНАВИЯТ ВА МАЃРИФАТ"  
ЖАМОАТЧИЛИК МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
ТҮГРИСИДА**

1. Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда, истиқлол йўлида буюк давлат барпо этишда мањнавият ва маѓрифат омилларини ҳисобга олган ҳолда, умуминсоний ва миллий қадриятлар уйғуллигига асосланган фуқаролик жамияти қуриш борасидаги фикр-мулоҳазаларни ва таклифларни эътиборга олиб, Республика "Мањнавият ва маѓрифат" жамоатчилик маркази ташкил этилсин.

2. Марказнинг самарали фаолияти ва ўз мақсади йўлидаги вазифаларни изчил бажариши учун, миллий тафаккурни ривожлантириш, мањнавият ва маѓрифатни янада камол тоғтиришга кўмаклашиб ниятида, унга 6-8 босма табоқ ҳажмида "Тафаккур" номли журнални чоп этиш, ноширлик ишларини юритиш ҳукуқи берилсин.

3. Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Марказни ва унинг жойлардаги таркибий тузилмаларини ташкил этиш бўйича зарур чора-тадбирларни кўрсинар.

4. Молия вазирлиги ва бошқа тегишли ташкилотлар марказни ҳамда журнал таҳририятини асосий фаолияти учун зарур бўлган маблаг, ашё ва жиҳозлар билан таъминласинлар.

5. Вазирлар Маҳкамаси "Мањнавият ва маѓрифат" марказининг ишларига тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида ўз қарорини қабул қиласин.

6. Тошкент шаҳри ҳокимлиги Марказни ва унинг журнали таҳририягини Тошкент шаҳри, Отатурк кўчасидаги 24-бинога жойлаштирун.

Тошкент шаҳри,  
1994 йил 23 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И. Каримов

# **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲҚАМАСИННИГ ҚАРОРИ**

## **РЕСПУБЛИКА "МАЊНАВИЯТ ВА МАЃРИФАТ" ЖАМОАТЧИЛИК МАРКАЗИННИГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТҮГРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика "Мањнавият ва маѓрифат" жамоатчилик марказини ташкил этиш түгрисида" 1994 йил 23 апрелдаги Фармонининг бажарилашини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳқамаси қарор қиласди:

1. Белгилаб кўйилсинки, Республика "Мањнавият ва маѓрифат" жамоатчилик маркази кенг омма билан ҳамкорликда ишловчи, давлат бюджетидан маблағлар билан таъминланниш билан бир қаторда хўжалик ҳисобида ҳам иш юритувчи ижтимоий ташкилотдир.

Республика "Мањнавият ва маѓрифат" жамоатчилик маркази тизимишининг тузилиши ва Марказ Кенгашининг таркиби тасдиқлансин.

Республика "Мањнавият ва маѓрифат" жамоатчилик марказининг Қорагандигистон Республикаси, Ўзбояникар Йи Тошкенг шаҳридаги бўйимлариши молњавий таъминлаш ва улар томонидан барча хигдаги тарбияти-маѓрифий тадбирлар ўтказиш харажатлари тегишлича маҳаллий бюджетлар ва хўжалик фаолиятидан тушган даромадлар ҳисобидан қопланипши қайд қилинсин.

2. Республика "Мањнавият ва маѓрифат" маркази девони ва унинг қуйи бўйимларининг тузилиши ва штатлари жадвали (техник ходимлар бундан мустасно) тасдиқлансин.

Марказга Вазирлар Маҳқамаси томонидан тасдиқланадиган раҳбар бошчилик қилиши белгилаб кўйилсин. Марказ раҳбарига Вазирлар Маҳқамаси тасдиқлайдиган иккита, жумладан, битта жамоатчилик асосида ишлайдиган ўринбосарларга эга бўлишга рухсат берилсин.

Республика "Мањнавият ва маѓрифат" марказининг ходимлари моддий-маиший, тиббий таъминот жиҳатидан республика вазирликларининг тегишли тоифадаги ходимларига тенглаштирилсин.

3. Марказнинг асосий вазифаси ва фаолият йўналишлари куйидагилардан иборатлиги эътиборга олинисин:

- социологик тадқиқотлар, сўровлар ўтказиш орқали ўзбек халқининг бой мањнавий-маданий мероси, шарқона ва

умуминсоний қадриятлар асосида мамлакат, миллият келажагини белгилайдиган илгорғояларни юзага чиқариши ҳамда ҳәётта татбиқ этиш, маънавий-маърифий ишларни ташкил этиши юзасидан тавсиялар ишлаб чиқариш;

- жамиятдаги соғлом кучлар — юксак истеъодод ва тафаккур соҳибларининг ақлий-ижодий салоҳиятини Ватан истиқболи сари йўналтириш;

- миллатлараро дўстлик, ҳамжиҳатликнинг аҳамиятини, юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлашни, минтақамизда яшаётган миллатларнинг маданий, маърифий, маънавий тараққиёт илдизлари муштарақлигини тарғиб қилиш;

- маданий-маърифий, ижтимоий-иктисодий ва хуқуқий тараққиёт йўналишлари билан боғлиқ омилларни, миллий давлатчилик қадриятларини ўрганиш ва тарғиб қилиш;

- жаҳоний, умумбашарий бойликларга эга бўлиш мақсадида мамлакатдаги ва дунёдаги хилма-хил мафкура, эътиқод, гояларни ўрганиш, соғлом дунёқарашни ҳамда сиёсий маданиятни шакллантиришда иштирок этиш;

- жамоат бирлашмалари, илмий, ижодий муассаса ва ташкилотларнинг, оммавий ахборот воситаларининг ўзаро самарали ҳамкорлигига кўмаклашиш;

- маънавий-маърифий масалаларга доир маърузалар, анжуманлар, сұхбатлар ўтказиш.

4. Ўзбекистон зиёлилари илмий-маърифий уюшмаси II навбатдан ташқари қурултойининг мазкур уюшмани тутатилган деб ҳисоблаш, уюшма ҳамда унинг таркибидаги ташкилотлар, корхоналар ва муассасалар ихтиёридаги пул маблаглари, кўчмас мулкларни Марказ изhtiёрига бериш ва Марказни уюшма мол-мулкининг қонуний вориси деб эълон қилиш ҳақидаги қарори маълумот учун қабул қилинсин.

#### 5. Молия вазирлиги:

1994 йилнинг июнь ойидан бошлаб Марказни ҳамда "Тафаккур" журнали таҳририятини уларнинг асосий фаолияти учун зарур бўлган маблаг билан таъминласин ва ҳар йили бюджетни шакллантиришда тегишли маблаг ажратилишини назарда тутсиз;

Марказ жойлашган Отатурк кўчасидаги 24-бинони таъмирлаш харажатларини тақдим қилинган ҳақиқий ҳисоб-китоблар асосида қопласин;

Марказга ва унинг журнали таҳририятига хизмат кўрсатиши учун 3 та енгил автомобиль сақлашга лимит ажратсан.

#### 6. Моддий-техника таъминоти масалаларини зудлик билан

ҳал қилиш ҳамда Марказ ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг нормал фаолияти учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида;

Марказ ҳузурида ўзбек ҳалқи маданий мероси намуналарини тўплаш, илмий таҳлил қилиш ва оммалаштириш билан шугууланадиган хўжалик ҳисобида ишловчи видео-фотостудия тузилсин. Тўпланган видео-аудио, фото материаллар асосида маданий мерос фонди ташкил этилсин.

Фан ва техника давлат қўмитаси 1995 йилдан бошлаб "Маънавият ва маърифат" марказининг социологик тадқиқотлар тематикасини танлов орқали маблаг билан таъминловчи ишлар рўйхатига киритсин;

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ҳалқ таълими вазирлиги ва Фанлар академияси, ўкув юртлари профессор-ўқитувчиларининг ва олимларнинг Марказ ўтказадиган маънавий-маърифий тадбирларда кенг иштирок этишини таъминласишилар;

Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари иккى ой муддат ичидаги Марказнинг жойлардаги бўлимларига белгиланган тартибда саидлари нормаларга мустоғиз; хизмат хоналари, мебори жағозлар ажратсанлар, телевизион берсизлар;

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Тошкент шаҳар, Отатурк кўчасидаги 24-бинони бир ҳафталик муддатда Марказга тўла бўшатиб бериб, шунингдек, уни иккى ой муддат ичидаги таъмирлашни таъминласин.

"Шарқ" концерни Марказнинг бир йилда тўрт марта чиқадиган "Тафаккур" журналини ўз вақтида чоп этиш ва ноширлик фаолиятини юритиши билан боғлиқ барча ишларни бажарсан;

Маданият ишлари вазирлиги Марказ ҳузурида шаҳар кутубхонасининг бўлимини ташкил этисин;

Давлат матбуот қўмитаси Республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик марказини нашр нусхалари мажбурий юбориладиган ташкилотлар рўйхатига киритсан. Ҳар йили Марказ ходимлари тайёрлаган илмий-тадқиқот ишлари, тавсияномаларни нашр этишини нашриётларнинг режасига киритиш чораларини кўрсинг;

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси белгиланган кўрсатувлар ва эшиттиришлар соатлари доирасида Марказ учун алоҳида эфир вақти ажратишни назарда тутсинг;

"Тошсаҳарйўловчitrans" уюшмаси ажратилган лимитга мувофиқ марказга автотранспорт хизмати кўрсатсин;

Алоқа вазирлиги белгиланган тартибда Марказ ва "Тафаккур" журнали учун хизмат телефонлари, шу жумладан, хукумат АТСидан телефон ва бошқа алоқа воситалари ўрнатиб берсин;

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев зиммасига юклатилсин.

Тошкент шаҳри,  
1994 йил 8 июнь

Вазирлар Маҳкамаси Раиси  
И. Каримов

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### "МАЊНАВИЯТ ВА МАЃРИФАТ" ЖАМОАТЧИЛИК МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТҮҒРИСИДА

Жамиятда юксак мањнавий фазилатларни камол топтириш, миллий мағкурани шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг ҳал қилувчи омилидир.

Одамларнинг ўзликларини чуқур англашини, мустақилликнинг қадрини тобора теран тушунишини, миллий тафакурнинг кенгайиши ва такомиллашувини, тарихий ҳурлик, мустақиллик руҳининг уйгонишини таъминлаш мањнавият соҳасидаги сиёсатимизнинг асосий мақсадига айланиши лозим. Аммо ҳануз жойларда мањнавиятнинг моҳиятини, унинг олга силжишимиз, фаровон жамиятта тезроқ етишишимиздаги қимматини чуқур идрок этмаслик ҳоллари мавжуд.

Айrim катта-кичик раҳбарлар эски мустабидлик, зўравонлик мағкурасининг сарқитларидан ҳалигача қутула олмай, бу борада кечириб бўлмайдиган оқсоқлик қилиб, мањнавиятнинг асл моҳиятини тушуниб етмаслик туфайли унга иккинчи даражали иш сифатида қарамоқдалар. Мањнавий-маѓрифий ишларга бўлган

бундай эътиборсизлик келажаги буюк демократик, озод давлат қуришдек эзгу мақсадимиз рўёби учун мутлақо зиддир.

Маънавият соҳасида олиб бораётган ишларимизни янада такомиллаштириши ва самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Маънавий-маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг асосий, устувор йўналиши деб ҳисоблансан.

Жойларда маънавият билан боғлиқ ишларнинг амалга оширилиши учун бутун масъулият шахсан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари, республикамиздаги барча вазирликлар, идоралар, ташкилотлар бирингчи раҳбарларининг зиммасига юклансин.

Республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик марказининг жойлардаги бўлимлари ишни янада яхшилаш мақсадида ҳокимликлар уларни икки ой муддат ичида тегишли бино, замонавий жиҳозлар, транспорт ва техника воситалари билан таъминласилиш.

2. Ёшларимиз онгига она Ватанга, буюк ажоддларимиз мероси ва халқимизнинг бугунги мисли кўриммаган бунёдкорлик ишларига юксак эҳтиром туйғуларини сунгидириши мақсадида уларни дунёни ҳайратга солган қадимий ёдгорликлар ва мустақиллик даврида бунёд этилган улкан ишшоотлар, маърифат масканлари, юртимизнинг гўзал табиати билан мунтазам таништириб бориш учун маҳсус тайиштирув саёҳатлари ташкил этиши барча ҳокимлар зиммасига юклатилиши.

Бу мақсадда ҳокимликлар ва "Маънавият ва маърифат" маркази, Маданият ишлари вазирлиги, "Ўзбектуризм" миллий компанияси, "Камолот" ёшлар жамғармаси тегишли тавсияларини 2 ой муддат ичида ишлаб чиқсин ва амалга оширишга киришсин.

3. Республика "Маънавият ва маърифат" маркази, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимларини истиқлол гояларини, миллий қадриятларни теран англайдиган, фидойи, ташкилотчи, ташаббускор ходимлар билан мустаҳкамлаш учун уларнинг раҳбарлари шу йилниг охирига қадар қайта синовдан ўтказилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, ҳудудий бўлимлар раҳбарлари тегишли ҳокимликлар тавсиясига биноан "Маънавият ва маърифат" маркази томонидан тайинланади.

5. Ёш авлодни буюк анъаналаримизга, юксак маънавий қадриятларимизга содиқлик ва порлоқ келажак эгалари эканликларига қатъий ишонч руҳида тарбиялаш мақсадида 1997

Йилдан бошлаб 1 октябрь "Ўқитувчилар ва мураббийлар куни" деб эълон қилинсин ҳамда дам олиш куни ҳисоблансин.

Бу байрамда ўтказиладиган барча тадбирлар ўқитувчилар, мураббийлар, тарбиячилар, умуман, болалар билан ишлашга, уларнинг соғлигини ҳимоялашга, жисмонан ва руҳан соғлом камол топтиришга ўз ҳаётини бахшида этган инсонларни улуғлашга бағишилансин.

Вазирлар Маҳкамаси бу борада тегишли таклифни Олий Мажлисга киритсин.

6. Республика "Маънавият ва маърифат" маркази нашри "Тафаккур" журналинин жойларда кенг ёйиш учун маҳаллий ҳокимликлар унинг обунасига ҳар томонлама ёрдам кўрсатсанлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат матбуот қўмитаси Марказнинг "Маънавият" нашриётини ташкил этиш, бу нашриётнинг ва "Тафаккур" журналининг муаллифлик қалам ҳақи миқдорларини амалдагидан ошириш масаласини кўриб чиқсан ва ҳал этсин.

8. Республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази, унинг жойлардаги бўлимлари, хўжалик ҳисобидаги корхоналари ҳамда "Тафаккур" журнали низомидаги кўрсатилган мақсадлар ва вазифаларга қатъий мос келадиган фаолият йўналишлари бўйича барча турдаги солиқлардан беш йил муддатта озод этилсин.

9. Тошкент шаҳри ҳокими зиммасига икки ой муддатда Марказнинг асосий биносини миллий услубда таъмирлаш ва замонавий жиҳозлаш юклатилсин.

10. Молия вазирлиги Марказга маҳсус аудио, видео, фото ва бошқа зарур техник ускуналар харид қилиш учун керакли миқдорда маблағ ажратсин.

11. Республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази қошида "Олтин мерос" ҳалқаро хайрия жамғармаси тузилганилиги эътиборга олинсин.

Ушбу Фармонда Марказга берилаётган имтиёзлар унинг "Олтин мерос" жамғармасига ҳам таалуқли эканлиги белгилаб кўйилсин.

Вазирлар Маҳкамаси жамғармани қўллаб-қувватлаш тўғрисида тегишли қарор қабул қиласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун

хужжатларига зарур ўзгартышлар киришиш түғрисидаги таклифларни ишлаб чиқсии.

13. Оммавий ахборот воситаларига "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази, унинг "Олтин мерос" жамғармаси фаолиятини кенг ёритиш, доимий маҳсус руқнлар очиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси Марказ билан ҳамкорликда маҳсус "Маънавият ва маърифат" ижодий гуруҳини ташкил қилсин, мунтазам кўрсатувлар ва эшиттиришларни йўлга қўйисин.

14. Мазкур масалаларни амалга ошириш учун тегишли идоралар вакилларидан иборат маҳсус ишчи гуруҳи ташкил этилганилиги эътиборга олинсин.

Тошкент шаҳри,  
1996 йил 9 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И.Каримов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР  
МАҲКАМАСИНинг  
ҚАРОРИ

Маънавий-маърифий ислоҳотларни япада чуқурлаштириши ва  
унинг самарадорлигини опшириш чора-тадбирлари түғрисида

Мамлакатимизда Ватанига, ҳалқига фидокор, мустақил фикрлайдиган, масалаларни онгли равишда масъулият билан ҳал қила оладиган, изланувчан, янгиликка интигувчи ва истиқболи тоғлиқларни садоқатли авлодни вояга етказишига қаратилган қатор тадбирлар тизими ишлаб чиқилган. Ислоҳотларниң тақдиди ва самараси учун жавобгар, юртимизнинг эртанги куни ва истиқболи учун фидойи шахсларни шакллантириш борасида устувор давлат сиёсати юритилмоқда. Ягона форум — миллий истиқбол мағкураси мавжуд интеллектуал имкониятларни ишга солишига, ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашга, олийжаноблик туйғуларини чуқурлаштиришга, шонли ўтмишга ҳурмат ва порлоқ келажакка ишонч ҳисларини мустаҳкамлашта хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга маънавий-маърифий ислоҳотларниң моҳиятини ҳамон тсрарангламаслик, расмиятчилик,

тадбирбозлиқ ва кампаниябозлиқ иллатларининг мавжудлиги, ташаббускорликнинг етишмаслиги, ёшлиарни ижтимоий-сийёсий жараёнларга жалб этишида қатъиятсизлик, кишилар онгини ўзгартиришнинг халқчил ва таъсирчан усулларидан фойдалана билмаслик ҳоллари кўзга ташланмоқда.

Ана шу нуқсонларни ҳисобга олиб, маънавий-маърифий ишларга дахлдор бўлган тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятларини мувофиқлаштириш ҳамда улар ишининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Маданий-маърифий ишлар билан шуғулланувчи давлат ва жамоат ташкилотлари, хусусан, "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик марказининг маънавий-маърифий ишларини ташкил қилиш, ўтказилаётган кенг кўламли ислоҳотлар моҳиятини тарғиб этиш, миллий истиқлол мафкурасини шакллантирища маъмуриятчилик ва расмийтчилик усулларидан воз кечолмаётганликлари ҳамда сусткашликка йўл кўяётганликлари кўрсатиб ўтилсин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлар вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ижтимоий фанлар билан шуғулланувчи барча муассасалари ҳамда оммавий аҳборот воситаларининг бу борадаги ишлари замон талабларига жавоб бермаётганлиги таъкидлансан.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри ҳокимликларининг жойларда маънавият ва маърифат билан боғлиқ ишларнинг аҳамиятига етарли даражада эътибор бермаётганлиги, истиқлол ғояларини кенг тарғиб қилишда маҳаллий зиёлилар, адабиёт, санъат намояндайлари ва обрў-эътиборли фаолларни жалб этишни изчил йўлга кўймаётганлиги таъкидлансан. Улар ўз фаолиятларини "Нуроний", "Камолот", "Маҳалла", "Наврӯз", "Олтин мерос", "Соғлом авлод учун" жамғармалари ва ижодий уюшмалар билан мувофиқлаштирган ҳолда олиб бормаётганликлари қайд этилсан.

3. Мугасадди давлат идоралари ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган "Маънавий-маърифий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича тадбирлар дастури" маъкуллансан.

4. Ҳокимият ва тегишли давлат тузилмалари, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, алоқадор корхона ва ташкилотлар

мазкур дастурдаги вазифаларнинг аниқ ва тўлиқ бажарилишини таъминлашга қаратилган ўз тадбирлар режасини ишлаб чиқсин.

5. Дастурни амалга оширишни таъминлаш мақсадида мутасадди давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарларидан иборат ишчи гурух таркиби тасдиқлансин.

Ишчи гурухнинг асосий вазифаси Дастурда белгиланган тадбирларни ҳётта татбиқ этишда амалий фаолият кўрсатиш, тегишли ташкилотларниг миллий маънавият, маърифат ва истиқлол мағқурасини кенг тарғиб қилишини ташкил этиш, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш ва таъсирчанлигини ошириш чораларини кўришдан иборат эканлиги қайд этилсин.

Жойларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари раҳбарлигига шундай ишчи гуруҳлар тузилсин.

6. Мавжуд камчиликлар-нуқсоинларни бартараф этиши ҳамда соҳани энг замонавий тушуничалар ва миллий мағкурага эга бўлган, ўз фаолиятида миллий тафаккурга эга бўлган, ўз фаолиятида миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғуналаштира билган, етарли сиёсий ва ташкилотчилик малакасини эгаллаган ёш кадрлар билан таъминлаш мақсадида маъният-маърифий иншарида дарҳодор ташизотларнинг барча бўғишлари раҳбарлари 1998 йилнинг 1 ноябрингача аттестациядан ўтказилсин. Аттестациядан ўтказиш ушбу қарорда белгиланган ишчи гуруҳи зиммасига юклансин.

7. Маънавий-маърифий ишларни мувофиқлаштириб бориш, унинг мазмуни, шакли, мавзу доираси ва савиясини ўз вақтила таҳдил қилиб, ўрганиб, тавсиялар ишлаб чиқиши, тарғибот-ташвиқот ишларининг давомиётгини, узвийлигини ва узлуксиз фаолиятини таъминлаш мақсадида "Мулоқот" жамоатчилик кенгаши тузилсин ва унинг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. "Мулоқот" жамоатчилик кенгаши "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази, унинг жойлардаги бўлимлари, тегишли давлат ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ташқида адабиёт, санъат, фан ва маданият арбоблари иштироқида бевосита аҳоли турар жойларида, маҳаллаларда, ўқув юртларида, корхона, муассасаларда мунтазам равищда оммавий-сиёсий, маънавий ва маърифий, тарғибий-ташвиқий ва маданий тадбирлар ўтказишни йўлга кўйсин.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туманларда ҳозирги замон илгор гояларини эгаллаган,

ислоҳотлар моҳиятини чуқур англаган, миллий истиқбол мафкурасини бутун кўлами билан тушуниб етган зиёлилардан иборат "Фидойилар" клуби тузилсин ва унинг тўла қувват билан ишланиши таъминлансан. Клуб ишини мувофиқлаштириш "Мулоқот" жамоатчилик кенгашлари зиммасига юклатилсин.

9. Давлат матбуот қўмитаси, Ўзтелерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Оммавий ахборот воситалари Дастурда белгиланган тадбирларнинг маънавий-маърифий баркамол жамият ва ҳукуқий-демократик давлат асосларини мустаҳкамлашдаги аҳамиятини, шунингдек, бу тадбирларнинг амалий натижаларини кенг тарғиб этсинлар.

10. Молия вазирлиги дастурда кўзда тутилган тадбирлар учун маблағ ажратиш масаласини ҳал этсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Даъват маслаҳатчиси Т. Алимов ва Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев зиммасига юклатилсин.

Тошкент шаҳри,  
1998 йил 24 июль

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси  
И. КАРИМОВ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### Республика Маъшавият ва маърифат Кешгасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида

Мамлакат ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш жараёнида аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириб борища юксак маънавият ва маърифатли, миллий ва умуминсоний қадриятларни чуқур эгаллаган, демократик тамойиллар ҳамда фуқаролик жамияти асосларини ҳар томонлама ўзлаштирган, шахсий ва умуммиллий манбаатларини ўзаро уйғун кўра оладиган эркин шахс ва онгли авлод тарбиясининг ўта муҳимлигини ҳисобга олиб ҳамда маънавий-маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг асосий устувор йўналиши эканлигини таъкидлаган ҳолда:

1. "Маърифатчилар", "Файласуфлар", "Тарихчилар" жамиятлари, "Соғлом авлод учун", "Маҳалла", "Камолот",

"Нуроний", "Наврўз", "Олтин мерос", Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-кувватлаш жамғармалари, Республика "Маънавият ва маърифат" маркази, Ёзувчилар, Бастакорлар, "Тасвирий ойина" ўюшмалари, Бадиий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, Фанлар академияси, Олий ва ўрта маҳсус, Халқ таълими, Маданият ишлари вазирликлари каби мақсад ва вазифалари маърифий-маънавий тарбия, тарғибот билан боғлиқ қатор давлат ва нодавлат ташкилотларининг Республика Маънавият ва маърифат Кенгашини таъсис этганликлари қўллаб-кувватлансин.

Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туманларда Маънавият ва маърифат Кенгашлари ташкил этилгани инобатта олинсин.

2. Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши таъсис конференциясида Кенгашнинг фаолият дастури, Низоми ва ташкилий тизими тасдиқлангани маълумот учун қабул қилинсин.

3. Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг "Жаҳолатга қарши маърифат" гоясига таъпиган ҳолда Кенгашга аъзо ташкилотлариниң маърифий тарғибот йўнанишидаги ижрои ва салоҳиятларини бирлаштириш, фаолиятларини мувофиқлаштириш ва замонавий талаблар асосида ташкил этишда қўйидагиларни ўзининг бирламчи мақсад ва вазифалари этиб белгилагани маъқуллансин:

- мамлакат аҳли, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод қалби ва тафаккурида мислий! гоя, мислий мафкура ва умумбашарий қадрияларга, демократик тамойилларга асосланган дунёқарашии шакллантириш;

- жамоатчилигимиз онгига истиқлол ғояларига чексиз садоқат, она диёрга меҳр-муҳаббат, озод ва обод Ватан барпо этишдек улуғ ва олийжаноб мақсадга эътиқод, жасурлик ва фидойиллик руҳини янада чуқур сингдириш;

- миллий қадрияларимиз ва улуг мутафаккирларимиз меросидан бутун халқимиз, жумладан, ёшларимизнинг ҳам баҳраманд бўлишига, ислом динининг инсонпарварлик фалсафаси, гоялари ёш авлод қалбидан жой олишига кўмаклашиш;

- ҳар бир фуқарода ўз ҳақ-хукуқи, имконияти ва иродасига таяниш, ўз тақдирининг бунёдкори бўлиш, мамлакатда кечеётган янгиланишлар, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотларининг маъно-моҳияти, мақсадини теран англаған тарзда унинг фаол

иштирокчиси ва курашчисига айланиш тафаккурини камол топтириш;

- маърифий тарғибот ишларининг шаклан ва мазмунан уйғунлиги ва мунтазамлиги, халқчил ва ҳаққонийликка, жамоатчилик фикри ва кучига барча соҳалардаги соглом фикрловчи фуқаролар салоҳияти ва ҳаракатига асосланишини таъминлаш.

4. Республика Маънавият ва маърифат Кенгашига Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Кенгашнинг жойлардаги бўлимларига Қорақалпогистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари раҳбарликка сайланганликлари инобатта олинсин.

5. Республика "Маънавият ва маърифат" маркази Республика Маънавият ва маърифат Кенгаси қарорларини жойларда амалга ошириш ва тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўюштирувчи ташкилий гурӯҳга айлантирилгани, "Олтиш мерос" жамғармаси, "Маънавият" нашриёти, "Тафаккур" ва "Жаҳон адабиёти" журналлари Республика Маънавият ва маърифат Кенгаси хузуридаги ташкилотлар сифатида тасдиқланганидан келиб чиқсан ҳолда мазкур ташкилотларнинг Низом ҳамда меъёрий хужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритилиши тавсия этилсин.

6. Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг ҳамда унинг таркибицаги "Маънавият ва маърифат" марказининг жойлардаги бўлимлари тегишли худуд ҳокимликлари биносида жойлаштирилиши белгилаб қўйилсин.

7. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан тегишли қарор тайёрласин.

8 Ушбу Фармонни амалга оширишни назорат қилиш Президентнинг давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, А. Зиё зиммасига юхлатилсин.

Тошкент шаҳри,  
1999 йил 3 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И. КАРИМОВ

# **РЕСПУБЛИКА МАЬНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИННИГ НИЗОМИ**

## **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши (бундан бўён Кенгани) жамиятимиз аъзолари, айниқса, ёшлар ўртасида миллий гоя ва миллий мағкурага таянган ҳолда миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган демократик тамойилларни қарор топтириш орқали инсон ҳуқуқлари ва қадр-қимматини улуғлашга, жисмонан соглом, ақлан етук, дунёқараши теран ва мустақил фикрловчи фуқароларни камол топтиришга йўналтирилган узоқ муддатли, кеиг кўламли маънавий-маърифий тарбия дастурини амалга оширади.

- Кенгаш муассислари мамлакатда фаолият кўрсатаётган, Низом ва Дастрларида аҳолининг турли қатламлари, тоифалари ва табақаларининг маңбаатларини мужассамлаштирган, маърифий-маънавий тарбия, тарбибот тадбирларини амалга оширишпи ўзларига асосий вазифалардан бирни китоб белтигини дашлат, жамоат ва иодавчот ташкилотлариди.

- Кенгаш Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонувлари ва Ушбу Низомга биноан фаолият кўрсатади.

## **II. КЕНГАШНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ**

Кенгашнинг асосий мақсади — “Жаҳолатта қарши маърифат” гоясига таянган ҳолда халқимиз онги ва қалбигина мустабид ўтмиш асоратлари — маънавий мутелик ва қўрқув, мустақил фикрсизлик, кўр-кўронага саждабозлик, гоявий мувозанатсизлик сингари иллатлардан фориғ этиш, ҳур тафаккур ва эркин турмуш тарзига хос кўникмалар билан кувватлантириш, айни пайтда озодлигимиз, тараққиётимизга таҳдид солувчи ташқи ва ички ғанимларнинг турли ишқобдаги баразли ниятларидан ўз вақтида огоҳлантириб ва муҳофаза этиб, ҳар бир фуқарода ўз иродасига, халқининг куч-куватига, Ватанининг ёрқин келажагига комил ишонч, событ иймон туйғусини камол топтиришдан иборат.

Кенг жамоатчиликнинг, пешқадам зиёлиларнинг тажрибаси, билими, салоҳиятига таянган ҳолда жамият ҳар бир аъзосининг юрт тинчлиги, эл саодатига хизмат қиласидиган интилиш, изланиш ва тапиаббусларини қўллаб-куватлаш орқали кучли

давлатдан кучли жамият яратиш тамойилини мунгазам тарғиб ва ташвиқ этишини уюштириш, рўёбга чиқариш Кенгашнинг бош вазифасидир.

Кенгаш ўз фаолиятининг самарадорлигига эришиш учун куйидаги вазифаларни амалга оширади:

- мамлакат аҳлини истиқбол гояларига чексиз садоқат, она диёрга меҳр-муҳаббат, озод ва обод Ватан барпо этишдек улуғ ва олийжоноб мақсадга эътиқод, жасурлик ва фидойиллик руҳида тарбиялашга мўлжалланган тарғибот-ташвиқот ишларининг стратегиясини белтилаш, ҳаракат услубларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш;

- барча таълим-тарбия муассасалари, аҳоли турар жойлари, ишлаб чиқариш соҳаларида маънавий-руҳий мұхитнинг аҳволини, омманинг кайфиятгини, интилиши ва муддаоларини ҳисобга олган ҳолда ижобий анъана ва ташабbusларни қўллаб-куватлаш, мавжуд муаммоларни, уларнинг ижтимоий-сиёсий мұхитта таъсирини таҳдил қилиш, бартараф этиш чораларини ҳаётта татбиқ этиш;

- маърифий тарғибот ишларининг шаклан ва мазмунан уйғулигини, мунгазамлигини, ҳаққонийликка асосланишини таъминлаш, яъни маъруза, суҳбат, баҳс-мунозаралар, семинарлар ва конференциялар ўтказиши, оммавий аҳборот воситаларида фаол иштирок этиши йўли билан мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотларнинг, қабул қилинаётган фармонлар, қарорлар ва қонунларнинг моҳиятини кенг жамоатчиликка тезкорлик билан етказиш ва кундалик фаолият дастурига айлантиришга раҳбарлик қилиш;

- ўзбек халқининг улуғ мутафаккирлари кутлуг меросидан бутун халқимиз, жумладан, ёшларимизнинг ҳам мунтазам ва тўлақонли баҳраманд бўлишига, уларнинг мана шундай маънавий мұхитда камол тоишига, ислом динининг инсоншарварлик фалсафаси, буюк фоялари ёш авлод юрагидан ҳам жой олишига шароит яратиш;

- миллий мағкуранинг асосий мақсадларини халққа содда, ҳаққоний ва тушунарли тарзда етказиш учун эл-юрт орасида обрў-эътибор қозонган, юксак савияли, кўпни кўрган, жонкуяр, оташин, энг мұхими, ҳаққоний сўзи, ёрқин фикри билан одамлар қалби ва онгига йўл топа оладиган фидойи инсонларни сафарбар этиш;

- мавжуд вазиятни, яқин истиқболимизнинг ривожланиш

тамойилларини, ундаги салбий ҳолатларнинг ижтимоий сабабларини холис ўрганидиган нодавлат, мустақил ташкилотлар фаолиятини такомиллаштиришига кўмаклашиш ва уларнинг имкониятларидан фойдаланиши.

### III. КЕНГАШ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙУНАЛИШЛАРИ

#### 1. Фуқароларнинг маънавий барқомоллигига эрхини мақсадидан:

- ўзбек халқининг бой тарихи, илмий, фалсафий, маданий ва ахлоқий меросига, миллтий ўзлигини таниш орқали юксалиш йўлини босиб ўтган пешинадам давлатларнинг тажрибасига таянган ҳолда миллтий истиқъод юяларини омманинг қалби ва онгита теран сизгидириш, мустақилик мағкурасини умуммийлат мағкурасига — юявий, руҳий ва маънавий куч-кудрат манбаига айлантириш;

- мамлакат аҳли, айниқса, ёш авлодининг дучё ва мамлакат министрлари, сийосиётларнига мустақилик ва сийосиёт муносабатини шакллантириш, фаол фуқаролик ва фидсий ватанипарварлик туѓусини камол топтириш;

- мамлакат озодиганин ҳимоя этиш, босқиччиларга қарши курашцаги булоқ ажоддларнинг ибрати, ўтмиш сабоқлари, мустақилик даврида эришилган зағарлар таҳлили асосида жамиятнинг ҳар бир гъозси қалбида мыслий ғуур тутубишини уйғотиш ега тарбиялаш;

- ҳар бир хонадоонда катталарга иззат-эҳтиром, кичикларга шафқат ва эътибор устувор бўлган соглом маънавий муҳит яратилишига, ўзаро меҳр-оқибат жамиятнинг оммавий ва эзгу фазилатига айланништа кўмаклашиш;

- "Соғлом она — соғлом бола", "Соғлом бола — соглом келажак" тушунчасини ҳар бир оила, ота-онанинг, йигит ва қизларнинг қалбига синғидириш орқали ялпиг оиласи фаровошликка эришиш;

- Кадрлар тайёрлаш Милий дастурида кўзда тутиган асосий мақсадларни, миллтий дастурнинг ҳар бир фуқаро, оила тақдири, келажаги билан чамбарчас боғлиқлитетини кенг тарғиб этиш, унинг амалга оширилиши устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш, эришилган ютуқларни оммага етказиш;

- тарбиянинг "оила - боғча - мактаб - лицей - коллеж - олий ўкув юрти - маҳалла - жамият" тизими тұлақоили ва мунгасам фаолият күрсатышина әріппиши.

## 2. Миллий ва дүнёвий тафаккурек уйғышлантырыш өмірінде:

- жағон фани, маданияти, маърифий мамлакатларниң тажрибасини тарғиб этиш, жамиятда илғор андозаларга интилишни разбатлантырыш орқали миллий фан ва маданиятни замонавий тараққиёт чўққисига кўтаришига ёрдамлашиш;

- хорижий мамлакатларниң ҳаётида рўй бераётган ҳодисаларниң моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, фуқароларниш лоқайд томошибидан фаол мушоҳада ва теран идрок этувчи замон ва макон фарзандита айланышта имкон яратиш;

- Ўзбекистоннинг ташқи ва ички сиёсатда әришаётган ютуқларини, бу ютуқларниш бугун ва келажак учун аҳамиятини англатиши орқали миллий ифтихор туйғусини тарбиялаш.

## 3. Фаол фуқаролик муносабатиши ривожлантырышында:

- барча ижтимоий гурӯҳлар ва табақаларниш ҳуқуқи онгини юксалтириш йўли билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунларига ҳурмат ҳиссини тарбиялаш, айни пайтда ўзининг фуқаролик ҳуқуқи ва бурчни чуқур англаған ҳолда яшиши, жамият ҳаётида фаол иштирок этиши ва ишлashingа кўмаклашиш;

- ижтимоий адолат мезонларининг ҳар қандай шаклда бузилишига, ўтмишдан мерос иллатлар — порахўрлик, ошна-оғайнингарчиллик, уруғчилик, мансабпаратлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, ахлоқсизликка, қонунбузарликларнинг барча кўринишларига қарши жамоатчиликнинг кескин ва муросасиз муносабатиши шакллантириши;

- жамиятда диний мутаассиблик ва ақидапаратликнинг барча кўринишларига, юрганинг тинчлиги, осойишталигига раҳна соладиган, ватандошларимизнинг иймон-эътиқоди ва ишончига шутур етказадиган ҳар қандай фоя, назария ва тушунчаларга нисбатан аёвсиз курашчанлык руҳи ва вазиятини яратиш;

- мамлакатда яшаётган барча миллатларниш ўзига хос жиҳатлари ва муштарак мақсадларини ҳисобга олган ҳолда

миллатлараро ўзаро хурмат, тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш;

- фикрлар хилма-хиллиги заминида пайдо бўлган илгор ижтимоий фикрлар, ташаббусларни оммалаштириш;

- ҳалқнинг тарихий анъаналари, хусусиятлари, миллий онг ва турмуш тарзининг ҳаётий тамойилларига асосланган ҳолда демократик жараёнларни чуқурлаштириш, жамоатчиликнинг таъсир кучини жамият ахлоқий-маънавий ҳаётининг мезонига айлантириш;

- экологик тарбияни ижтимоий-сиёсий, маънавий тарбиянинг узвий ва уйғун таркиби қисми даражасига кўтариш.

#### **IV. РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ**

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши Олий ва ўрта маҳсус таълим, Ҳалқ таълими, Мудофаа ва Ички ишлар ва бошқа вазирликларга қарашли барча ўкув муассасаларида, ҳарбий қисмларда, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларда, қишлоқлар ва маҳаллалар, корхоналар, учуналиклар, барча турдаги давлат, жамоат ва подавлат ташкилотларида олиб бориладиган маънавий-маърифий ва мафкуравий тарғибот ишларининг йўналишларини белгилайди, мувофиқлаштиради.

#### **V. КЕНГАШНИНГ ТУЗИЛИШИ**

1. Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши маънавий, маърифий, тарбиявий йўналишда фаолият кўрсатадиган давлат, жамоат ва подавлат ташкилотлари муассислигига вилоятлар, шаҳар ва туманлар конференцияларида сайлаинган вакилларнинг Республика конференциясида очиқ овоз бериш йўли билан тузилади.

2. Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши таркибига Республика "Маънавият ва маърифат" маркази, Миллий мафкура илмий тарғибот маркази киради ва бевосита Кенгаш раҳбарлигига ишлайди. Республика "Маънавият ва маърифат" марказининг раҳбари Кенгашининг масъул котиби ҳисобланади.

3. "Маънавият" нашриёти, "Олтин мерос" жамгармаси, "Тафаккур" ва "Жаҳон адабиёти" журналлари таҳририяти Республика Кенгаши қошидаги ташкилотлардир.

4. Республика "Маънавият ва маърифат" маркази Кенгаш қарорларини жойларда амалга оширадиган ва тарғибот-ташвиқот тадбирларини уюштирадиган ташкилий гурух бўлиб, куйидаги бешта бўлпимдан иборат таркибда фаолият кўрсатади:

- тарғиботчиларни мувофиқлаштириш ташкилий бўлими;
- маънавий-маърифий тарғибот бўлими;
- ижтимоий-иқтисодий тарғибот бўлими;
- ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий тарғибот бўлими;
- молия-бухгалтерия бўлими;

5. Миллий мафкура илмий тарғибот маркази истиқтол мафкураси ва миллий гоянинг дастурий асослари устида иш олиб боради ва кенг жамоатчиликнинг онгига, қалбига етказишнинг замонавий, таъсирчан восита ва шаклларини яратади.

## VI. КЕНГАШ БОШҚАРУВИ

1. Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг олий органи конференциядир. Конференция узоги билан икки йилда бир марта чақирилади. Шунингдек, Республика Кенгашининг қарори ёки унинг таркибига кирувчи ташкилотлар талаби билан муддатидан олдин ҳам чақирилиши мумкин.

2. Республика Маънавият ва маърифат Кенгashi конференцияси:

- Кенгашнинг иш тартибини белгилайди, раҳбар ва ишчи органларни сайлайди;
- Кенгаш раисини сайлайди;
- Кенгашнинг фаолият Дастури ва Низомини тасдиқлайди, зарур ҳолатда ўзгартиришлар, қўшимчалар ва аниқликлар киригади.

3. Республика Маънавият ва маърифат Кенгashi:

Конференциялар оралиғида Республика Кенгashi юқори раҳбар орган ҳисобланади. Кенгаш икки йил муддатта сайланади. Кенгаш:

- конференциялар оралиғида мамлакат миқёсида олиб бориладиган маънавий, маърифий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий йўналишлардаги тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этади;
- Республика Кенгashi раисининг ўринbosарлари, Кенгаш масъуль котибини сайлайди;

- қуйи кенгашилар раҳбарларининг ҳисоботларини тинглайди, улар юзасидан кўпчилик овоз билан қарорлар қабул қиласди;

- Кенгашта аъзо давлат, жамоат ва подавлат ташкилотларининг, қуийи кенгашиларнинг шу йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

- Республика "Маънавият ва маърифат" маркази тавсиясига биноан жамоатчи тарғиботчилар рўйхатини тасдиқлайди, уларни зарур қўлланмалар ва тавсиялар билан таъминлаш ишини ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этади;

- Республика "Маънавият ва маърифат" маркази, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, шаҳар ва туман бўлимларининг ишига бевосита раҳбарлик қиласди, уларни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-кувватлайди;

- Республика илмий, маданий ва маърифий марказлари, олимлар, адиллар, зиёлилар билан ҳамкорликда тарғибот-ташвиқот ишларининг стратегиясини белгилайди, уни амалга оширишининг замонавий ва таъсирчан усусларини тавсия этади;

- йишлик, ярим йишлик ва қисқа муддатта мўлжалланган дастурлар, режаларни белгилайди, тасдиқлайди ва амалга ошириши чорагарини кўради;

- оммавий аҳборот воситалари билан доимий ҳамкорликда иш олиб боради, мақсад ва вазифаларнинг, ўтказилаётган тадбирлар, илгор тажрибаларнинг телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар, газета ва журналлар орқали мунтазам ёритиб борилишига эришиди;

- Кенгаш ўз оммавий аҳборот воситаларини таъсис этади ва бошқа оммавий нашрларга ҳам муассислик қиласди;

- Кенгаш йигилиши узоги билан ҳар икки ойда бир марта ўтказилади.

#### 4. Кенгаш раиси 2 йил муддатта сайланади.

Кенгаш раиси:

- Кенгаш ишига раислик қиласди;

- ўринбосарлари, Кенгаш аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди, ижро интизомини таъминлайди;

- Кенгаш таркибидаги ҳамда республикадаги бошқа давлат, жамоат ва подавлат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга кўяди;

- Республика "Маънавият ва маърифат" марказининг ишини ташкил этиш, фаолиятининг йўналишини белгилаш, кўйилган вазифаларнинг ўз вақтида амалга оширилишини назорат қиласди;

5. Кенгаш раисининг ўринбосарлари 2 йил муддатга сайланади.

Кенгаш раисининг ўринбосарлари Кенгашнинг қарорлари ҳамда раиснинг тошириқларини бажаради, вазият тақозосига кўра, Кенгаш раисининг ваколатини бажариши мумкин.

6. Кенгаш масъул котиби 2 йил муддатга сайланади.

Кенгашнинг масъул котиби бир вақтнинг ўзида Республика "Маънавият ва маърифат" марказининг раҳбари ҳисобланади ва:

- Кенгаш қарорларши жойларда амалга ошириш ва тарғибот-ташвиқот тадбирларини уюштирувчи тизим — Республика "Маънавият ва маърифат" маркази фаолиятини ташкиллаштиради;

- Марказ бўлимларининг ишларини мувофиқлаштиради;

- давлат, жамоат, нодавлат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни йўлга қўяди;

- маънавий, маърифий, тарбиявий йўналишлардаги тарғибот ишларининг аҳволи, таъсирчанлиги ва натижасини Марказ бўлимлари орқали таҳдил этиш, Кенгашга тавсиялар тайёрлаш ишига бевосита раҳбарлик қиласди;

- Марказнинг молиявий-хўжалик масалалари билан шуғулланади, хўжалик ҳисоби билан кўшимча маблағлар тошишни йўлга қўяди;

- жамоатчи тарғиботчиларни танлаш, Кенгаш томонидан белтиланган вазифаларни амалга ошириш жараёнига жалб этиш, қўлланмалар билан таъминлаш, маънавий ва моддий рағбатлантириш масалаларини ҳал этади.

## VII. КЕНГАШ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА ВАЗИФАЛАРИ

1. Кенгашга республикада фаолият кўрсатаётган, Низом ва Дастурларда маърифий-маънавий тарбия, тарғибот тадбирларини амалга оширишни ўзларига асосий вазифаларидан бири қилиб белгилаган давлат, жамоат ва нодавлат ташкилотларининг вакиллари, Қорақалпогистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят кенгашлари раислари 2 йил муддатта сайланадилар.

2. Кенгаш аъзолари:

- Кенгашнинг ишчи органларига сайлаш ва сайланиш;

- қабул қилинадиган қарорлар муҳокамасида иштирок этиш, таклифлар киритиш, тавсиялар бериш ҳуқуқига эга.

3. Кенгаш атзолари Кенгашнинг Низом ва фаолият Дастири талабларини, қабул қилинган қарорларда белпиланган вазифаларни амалга оширадилар.

## VIII. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ КЕНГАШЛАРИ

1. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят кенгашлари (бундан бўён — вилоят кенгаси) муассис ташкилотлар ва жамоатчилик вакиллари иштирокидаги конференцияларда очиқ овоз бериш йўли билан тузилади.

2. Вилоят кенгашининг раиси вилоят конференциясида, раис ўринbosари, масъул котиби вилоят кенгashiда очиқ овоз бериш йўли билан сайланади.

3. Вилоят кенгаси таркибига Республика "Маънавият ва маърифат" марказининг вилоят бўлими киради. Бўлим раҳбари кенгашнинг масъул котиби ҳисобланади.

4. "Маънавият ва маърифат" марказининг вилоят бўлими кенгаш қарорларини жойларда амалга ошириш ва тарғибот-ташвиқот тадбирларини уюштирувчи ташкилий груп бўлиб, қўйичаги тўртга йўналишча фаолият кўрсатади:

- тарғиботчиларни мувофиқлаштириш ташкилий групни;
- маънавий-маърифий, хукукий тарғибот групни;
- ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тарғибот групни;
- молия-бухгалтерия групни.

5. Вилоят кенгаси бевосита Республика Кенгаси раҳбарлигида ва Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг фаолият Дастири ва Низоми асосида фаолият кўрсатади.

## IX. ШАҲАР ВА ТУМАН КЕНГАШЛАРИ

1. Шаҳар ва туман кенгашлари (бундан бўён — туман кенгаси) муассис ташкилотлар ва жамоатчилик вакиллари иштирокидаги конференцияларда очиқ овоз бериш йўли билан тузилади.

2. Туман кенгашининг раиси туман конференциясида, раис ўринbosари, масъул котиби туман кенгashiда очиқ овоз бериш йўли билан сайланади.

3. Туман кенгаси таркибига Республика "Маънавият ва маърифат" марказининг туман бўлими киради. Бўлим раҳбари кенгашнинг масъул котиби ҳисобланади.

4. "Маънавият ва маърифат" марказининг туман бўлими жойларда кенгаш қарорларини амалга оширади, тарбибот - ташвиқот тадбирларини уюштиради ва унинг таркибида тарбиботчиларни мувофиқлаштириш ташкилий гуруҳи фаолият кўрсатади.

5. Туман кенгашси бевосита вилоят кенгашси раҳбарлигига ва Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг фаолият Дастури ва Низоми асосида фаолият кўрсатади.

## X. КЕНГАШНИНГ МОЛИЯВИЙ МАБЛАГЛАРИ

1. "Маънавият ва маърифат" маркази ҳамда Кенгаш қошидаги ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси қонунлари доирасида хўжалик ва ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланиш хукуқига эгадир.

2. Жамоатчи тарбиботчиларнинг сафар харажатлари, маърузалар ҳақи тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлари, муассасалар билан тузилган шартнома асосида шаклантирилади.

## XI. КЕНГАШНИНГ ТУГАТИЛИШ ТАРТИБИ

1. Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши фаолияти конференция қарорига биноан тутатилади.


2. Кенгаш фаолияти суд қарорига биноан ҳам тутатилиши мумкин.

3. Кенгаш фаолияти тутатилганда унинг маблаглари Кенгашининг асосий мақсад ва вазифалари йўлида сарфланади.

## XII КЕНГАШНИНГ ҚАРОРГОҲИ

Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг қароргоҳи Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 6 - уйда жойлашган.


# МАҢНАВИЙ-МАҢРИФИЙ ТАРГИБОТ ИШЛАРИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ТИЗИМИ



# ВИЛОЯТЛАРДА МАҢАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАРГИБОТ ИШЛАРИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ТИЗИМИ



# **ШАҲАР ВА ТУМАНЛАРДА МАҶНАВИЙ-МАҶРИФИЙ ТАРГИБОТ ИШЛАРИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ТИЗИМИ**



**РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ  
ВА РЕСПУБЛИКА "МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ"  
МАРКАЗИНИНГ НАМУНАВИЙ ИШ РЕЖАЛАРИ**

**"ТАСДИҚЛАЙМАН"**

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари,

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши Раиси

Р. С. ҚОСИМОВ

2004 йил "\_\_\_" декабрь

Намуна

**Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг 2005 йилга  
мўлжаллапган йигилишлари**

**РЕЖАСИ**

Т/р	Кенгаш йигилиши мұҳомасиға қўйиладиган масалалар	Йигилиш муддати	Маъруза учун масульлор
1.	a) "Сиҳат-саломатлик йили" Давлат дастуришниг ижроени таъминлашса Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг вазифалари; б) Қашқадарё вилояти Маънавият ва маърифат Кенгаши фаолияти таҳлили; в) Ички ишлар вазирлигига маънавий-маърифий тарбибот ишларининг таҳлили.	Февраль	Қ. Аззамов F. Шодиков M. Рахимов С. Олимов
2.	a) Жамиятимизга қарши қаратилган турли мәғкурларий таҳдидлар ва уларга қарши курашниг аҳамияти, тажриблари, муммомотири; б) Қарақалпогистон Республикаси Митназият ва маърифат Кенгаши фаолияти таҳлили; в) Божхона қўмитасида маънавий-маърифий тарбибот ишларининг таҳлили	Апрель	Қ. Аззамов A. Абдуллов U. Xўжинматов A. Ахмалов
3.	a) Бозор иқтисодиётин шароитига зўй маънавияти; б) Бухоро вилояти Маънавият ва маърифат Кенгаши фаолияти таҳлили; в) Солик қўмитасида маънавий-маъриfий тарбибот ишларининг таҳлили.	Июнь	Қ. Аззамов, С. Иномота С. Олимов Ш. Баротов A. Ахмалов
4.	a) Одамлар оигига соғлом турмуш тарзи тушунгасини шакллантириш, такомиллаштириш, уларни оммавий спорт турларига кенг жалб этиш муаммолари тўргисида; б) Самарқанд вилояти Маънавият ва маърифат Кенгаши фаолияти таҳлили; в) "Ўзмевасабозвотхолдинг" компаниясида маънавий-маъриfий тарбибот ишларининг таҳлили.	Август	Қ. Аззамов З. Фаффорова Й. Суюнов A. Ахмалов
5.	a) Ёшлиар маънавиятини турли радикал оқимлар тасдиридан муҳофаза қилиши, уларни миллий қадрлиятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда мустақили фикрлари ва яшаш кўник- маларини такомиллаштириш муаммолари таҳлили; б) Андижон вилояти Маънавият ва маъриfат Кенгаши фаолияти таҳлили; в) Соғликий сақлаш вазирлигига маънавий- маъриfий тарбибот ишларининг таҳлили.	Октябрь	F. Шодиков A. Нурматов З. Фаффорова С. Олимов

<p>6. а) Республика Мънавият ва маърифат Кенгашининг 2006 йилги иш режаси лойиҳаси муҳокамаси;</p> <p>б) Сурхондарё вилояти Мънавият ва маърифат Кенгаши фаолияти таҳлили;</p> <p>в) "Ватаниарвар" ташкилотида мънавий- маърифий тарбибот ишларининг таҳлили.</p>	<p>Декабрь</p>	<p>С. Олимов F. Шодисв Ж. Чоршанбиз А. Акмалов</p>
---	----------------	--

Республика Мънавият ва маърифат  
Кенгаши масъул котиби

К. АЪЗАМОВ

**"ТАСДИКЛАЙМАН"**

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши  
масъул котиби — Республика "Маънавият  
ва маърифат" маркази раҳбари

**К. АЪЗАМОВ**

**2004 йил "\_\_\_" декабрь**

**Республика "Маънавият ва маърифат" марказининг 2005 йил  
И Ш Р Е Ж А С И**

T/р	Тадбир номи	Муддати	Масъул ташкілтлар
1.	Президент Ислом Каримов асарлари, Фармон, Фармоийш ва Қарорлари, иутқ ва маърузаларида белгиланган вазифалар, кўрсатмалардан келиб чиқсан ҳолда ўзбек милий давлатчилиги тарихи, унинг тараққиёт босқичлари, плмий-назарий масалаларини, шунингдек, "Миллий истиқдол гояси: асосий тунутича эк тармоқлар" рисоласи мазмун-моҳияти, Ўзбекистон Республика Конституцияси аҳамияти, мустақиллик йилларида эришилган ютуқларни маҳаллалар, қишлоқлар, овуллар, ўқув юртлари, ҳарбий қисмларда тарғиботчилар турархларини Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга мунтазам равишда жўнатиб туриш	Йил давомидз	Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши (РММК), Миллий мағкура илмий тарғибот маркази (ММИТМ), "Маънавиятнинг", "Тарихчилар", "Сайласуфлар", жамийатлари, "Камолот" йўнислар Ижтимоий Ҳаракати (ЕИХ), Ёзувчилар уюшмаси (ЕУ), "Маҳалла", "Соғлом аводуд учун", "Нуроний", "Олтин мерос" жамғармалари, Олдӣ ва ўрга маҳсус таълим разирлиги (ОУМТВ), Халқ таълими разирлиги (ХТВ), Маданият ва спорт ишлари разирлиги (МСИВ), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Маънавият ва маърифат Кенгашлари

2.	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилаётган янги қонунлар, халқ мұхокамаси учун матбуотда эълон қилинаёттан қонун лойпұлары мөхиятнин кенг омма ўртасыда пачыл тарғиб этиш	Йил давомида	РММК, ОҮМТВ, Адриа вазирлиги (АВ), "Ватаниарвар" ташкілоти (ВТ), ММИТМ
3.	Ахоли, хусусан, ёшлар ўртасыда ватаниарварлық түйгүсінің күчайтириш, армиямиз мустақильтігімизнінг, тиңч ва осойшыла ҳәёттімизнінг мустақжамақтастырылғанда аскарлардың түшүнтириш, ҳарбий хизметтегі қызырлыктың қамда аскарлар ўртасыда, турлы ўқув жүргіларда шу мақсадларға қаратылған маънавий-маърифий тадбирлердің үтказыш	Йил давомида	РММК, ОҮМТВ, Мудофаа вазирлиги (МВ), ВТ, ММИТМ
4.	Президент Ислом Каримовнинг иккинчи қақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн түрткінчи сессиясында маърузасыда белгилаб берилген вазифаларни амалга ошириш бўйича амалий-маърифий тадбирлар мажмунин үтказиш	Йил давомида	РММК, ММИТМ, Ўзбекистон файласуфлари миilliй жамияти, ОҮМТВ
5.	"Сиҳат-саломатлик йили" Давлат дастурида Республика Маънавият ва маърифат Кенгашынга юқлатылган вазифалар пижросини таъминлаш ва бу борада пачыл мониторинг олиб бориш	Йил давомида	Республика "Маънавият ва маърифат" маркази (РМММ), ММИТМ
6.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 йилшыгига бағишиланған тантанада сўзлаган нутқидаги "Сиҳат-саломатлик йили" билан боғлиқ фикрларини, "Сиҳат-саломатлик йили" Давлат дастурини шакллантириш борасидаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармойиш мөхиятнини, халқымиз мероси асосида сиҳат-саломатлик ҳамда унинг ҳосиласи бўлган узоқ умр кўриш ҳақицаги	I чорак	РММК, ММИТМ, Марказий банк (МБ), "Экосан" халқаро жамғармаси, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси (ЎМК)

	қарашларни таҳлил қилишга багиши-ланган „Жондан сени күп севар-мен...“ кітабиниң, шуннанға дей, „Сиҳат-саломатлык йылы“ мұносабаты билан „Шарқ донишмандлари сиҳат-саломатлык ҳақида“, „Сиҳат-саломатлык йылы: мазмұн ва мақсат“ рессолалариниң тайёрлаб, чөп этиш		
7.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Сиҳат-саломатлык йылы" Давлат дастуриниң шакллантырылған борасидаги ташкилий чоратадбирлар түрлесінде"ғи Фармомышыда күзда тутилған атроф-мухиттің муҳофаза қылыш, экология мельерлериниң табиқ этиш, ҳар бир ахолиң пүнктиниң сифаттың ичимдік суви билан таъминлаш, ичимдік суви ресурслардан тежамлыш ва оқылона фойдаланишда хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда ахолининг масъулиятыниң оширилгана хизмат қыладанан "Сув қўзғалик" ресоласиниң тайёрлаб, чөп этиш	Июль давомыда	РММК, ММИТМ, ҮМК
8.	"Маънавият ва маърифат иши", "Маънавият. Маърифат. Мағкура", "Жамияттимизниң маънавий-маърифий, мағкуравий манзараси", "Кийиниш маданияти", "Ёшлилар маънавияти" амалий-услубий кўлланмалариниң тайёрлаб, чөп этиш	I чорак	РММК, "Тасвирий ойна" уюшмаси, Матбуот ва ахборот агентлиги (МАА), ЁУ, "Махалла" жамғармаси, "Маънавият" нашрпёти
9.	"Сиҳат-саломатлык йылы" мавзуда плакатлар туркуминиң тайёрлаб, нашр этиш	Июль давомыда	РМММ, Журналистлар уюшмаси (ЖУ), "Ўзтелерадио" компанияси
10.	Матбуотда, радио ва телевидениеда сиҳат-саломатликнинг аҳамияти, соғликни асраш маданияти, ўртача умр кўриш даражаси юқори бўлган мамлакатлар халқлари ҳамда ўзимизда яшаб, 100 ёндан ошган кексаларимиз тажрибаларини ўрганиш ва тарғиб этиш	Июль давомыда	РММК, ММИТМ, Соғликни сақлаш вазирлиги (ССВ) "Ўзтелерадио" компанияси

11.	2005 йилнинг "Сиҳат-саломатлик йили" деб аталиши замонидан ётган асл моҳиятни, "Сиҳат-саломатлик йили" Давлат дастурининг асосий мазмунини, бундан кўзда тутилган туб мақсадларни ҳалқ ўргасида кенг тарғиб-ташвиқ этиш, жойларда турли маънавий-маърифий тадбир, учрашув ва сұхбатлар ўтказиш	Май, ноябрь	РММК, ММИТМ, Фан ва технологиялар маркази (ФТМ)
12.	"Аҳолининг таълим билан қамраб олиймаган қатламлари орасида миллий истиқбол гояси тарғиби: назария ва амалиёт", "Маънавий, маърифий ва мағфуравий тарғибот шашларини ташкил этиш: ютуқ ва муаммолар" мавзуларида илмий-амалий анжуманлар ўтказиш	Март, ноябрь	РМММ, МСИВ, "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари, Хотин-қизлар қўмитаси (ХҚҚ), "Тасвирий ойина" ИУ
13.	Наврӯз ва Конституция куни байрамлари муносабати билан югуриш бўйича Республика умуммиллий марафонини ташкил қилиб, голибларга совринглар топширини жорий этиш, бу жараённи оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш	Май	РММК, ССВ, МСИВ, ХҚҚ, "Оила" илмий-амалий маркази, "Камолот" ЁИҲ, "Маҳалла" жамғармаси
14.	"Жисмоний ва маънавий жиҳатдан энг соглом оила" Республика кўрик-танловини ўтказиш	Апрель	РМММ, ММИТМ, "Оила" илмий-амалий маркази
15.	"Соглом турмуш тарзи — узоқ умр кўришининг асосий шарти" мавзууда илмий-амалий семинар ўтказиш, унинг материалларини олдиндан нашр этиш	Июль	РМММ, "Ўзтелерадио" компанияси, мутасадди ташкилот ва муассасалар
16.	Ўзбекистон телевидениесининг "Муносабат" кўрсатуви орқали куннинг долзарб маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, гоявий-мағфуравий мавзуларида давра сұхбатлари ўтказиб, эфирга узатиш	Йил давомида	РМММ, "Ўзтелерадио" компанияси

17.	Алишер Навоий таваллудининг 564 йиллиги мунисабати билан навоий-хойлик ойлигини уюштириши	Февраль	РМММ ва унинг минтақавий бўлимлари, ЁУ
18.	Анъанавий "Бобурхойлик" ҳафталигини ўтказиш	Февраль	РМММ, ЁУ, ФА, "Маърифатпарварлар", Бобурномид халқаро жамгарма
19.	Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 100 йиллигига бағишилаб маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиши	Февраль, март	РМММ ва унинг минтақавий бўлимлари, ОЎМТВ, Ташқи пишлар вазирлиги (ТИВ)
20.	Ўзбекистон Республикасининг БМТга аъзо бўлганига 13 йил тўлиши мунисабати билан жойларда, хусусан, таълим муассасаларида "Жаҳон ва Ўзбекистон" мавзуди маънавий-маърифий анижумаллар ўтказиш	Март	РМММ ва унинг минтақавий бўлимлари, ХҚҚ
21.	8 Марг – Хотин-қизлар кунининг моҳияти, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий аҳамиятини тушунтиришига қаратилган тадбирлар ўтказиш	Март	РМММ, "Наврӯз", "Маҳалла" ва "Нуроний" жамгармалари, "Ўзтелерадио" компанияси
22.	Наврӯз умумхалқ байрамини кенг ишонлаш, унинг тарихий ва замонавий мазмун-моҳиятини тарғиб этишига қаратилган маънавий-маърифий тадбирлар мажмумани амалга ошириш	Март, апрель	РМММ, Тошкент Давлат юридик институти, Темурпойлар тарихи давлат музейи
23.	"Амир Темур даври тамаддуни" мавзудида маънавий-маърифий анижуман ўтказиш, республика бўйлаб Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, тарғиб этишига бағишиланган маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиши	II чорак	РММК, "Маънавият" нашриёти

24.	Ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги мустақил Ўзбекистонимизнинг амалдаги байрамлари таҳлилига багишланган "Байрамларимиз" китобини чоп этиш	Июль давомида	РМММ, ХТВ, "Маҳалла" жамғармаси
25.	Ҳар бир шаҳеда қонунга ҳурмат туғусини шакллантиришга қаратилган илмий-амалий анжуманлар, семинарлар, учрашувлар, давра сұхбатлари, маъruzалар ташкил қылыш	Май	РМММ, "Маҳалла" жамғармаси, Аддия вазирлігі (АВ)
26.	"9 май - Хотира ва қадрлаш куни" байрами муносабати билан түрли учрашувлар, давра сұхбатлари, маъruzалар, мұлоқотлар ўтказиш	Май	РМММ, "Нуроний", "Маҳалла", "Шаҳнұлдар хотирасы" хайрия жамғармалари, "Камолот" ЕИХ
27.	Жойларда халқаро терроризм ва диний экстремизмнинг олдини олишга қаратылған маънавий-маърифий тәдбірлар уюштырыш	Йил давомида	РМММ ва уннинг минтақавий бўлимлари, Ўзбекистон мусулмонлари ңдораси (ҮМИ)
28.	Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қылған куннинг 13 йиллигини кенг нишонлаш	Июнь, июль	РМММ ва уннинг минтақавий бўлимлари, "Камолот" ЕИХ
29.	Мустақилликнинг 14 йиллиги муносабати билан республика мәкәсіда "Мустақиллик ва маънавият" мавзуда давра сұхбатлари, маънавий-маърифий тәдбірлар мажмунини ўтказиш	Йил давомида	РММК, Бадий академия (БА), "Камолот" ЕИХ, "Тасвирий ойина" ижодий уошмаси
30.	"Қатағон қурбонларини хотирлаш куни" муносабати билан жойларда турлш маънавий-маърифий тәдбірлар мажмунини ташкил этиш	Август	РМММ ва уннинг минтақавий бўлимлари, "Шаҳнұлдар хотираси" хайрия жамғармаси

31.	Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватаниарвар" ташкилоти Марказий Кенгашинда ташкил этилган "Миллий мафкура университети" ишини давом этиши	Ийл давомида	РММК, ММИТМ, "Ватаниарвар" ташкилоти
32.	"1 Октябрь - Ўқитувчилар ва мураббийлар куни" байрами муносабати билан маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш	Сентябрь, октябрь	РММК, ХТВ, ОўМТВ, "Ўзтелерадио" компанияси
33.	"Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилинганининг 16 йиллиги муносабати билан "Тил, миллат, тараққиёт" мавзууда илмий-амалий ажуман, шунингдек, жойларда турли учрашув, сұхбат, давра сұхбати, маъруза ва адабий-мушонра кечалари уюштириш	Октябрь	РМММ, ФА, ЁУ
34.	Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кунининг 14 йиллигига бағишлиланган "Давлатимиз рамзлари – Ватан тімсолдари" Мажзуда маънавий-мәърифий ажуман ўтказиш	Ноябрь	РМММ, ХТВ, ОўМТВ, АВ, "Маҳалла" жамгармаси
35.	Вазирлик, қўмита, корпорация, концерни, банк, корхона, уюшма, муассаса ва ташкилотларда, "Миллий истиқолол гояси: асосий тұтуулаша ва тамойыллар" рисоласи юзасидан ва бошқа долзарб пәжитмоний-спөсий, ҳукуқий, пәжитмоний-иктисодий, маънавий-маърифий, мафкуравий мавзулар асосида доимий семинарлар ташкил этиш	Ийл давомида	РМММ, ММИТМ, тегшили вазирлик, ташкилот ва муассасалар
36.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиши түркисида"ғи Фармойишининг ижросига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 13 йиллигини ишшонлашты қаратылган маънавий-маърифий тадбирлар мажмунини ўтказиш	Ноябрь, декабрь	РМММ ва унион миңтақавий бўлимлари, "Камолот" ЁИХ, "Маҳалла" жамгармаси, ОўМТВ

37.	Ўзбекистон Республикаси Давлат маддияси қабул қилинган кунининг 13 йиллигини кенг ишшонлаш	Декабрь	РМММ ва унинг минтақавий бўлимлари, МСИВ, ЁУ, "Ўзтелерадио" компанияси
38.	Республика "Маънавият ва маърифат" марказининг "Интернет"да очилган маҳсус сайти орқали Ўзбекистонда маънавий-маърифий ислоҳотлар юзасидан амалга оширилган ишларни кенг ёритиш	Йил дзвомидза	РМММ ва унинг минтақавий бўлимлари
39.	Таълим тизими билан қамраб олинимаган аҳоли ўртасида "Миллӣ истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" рисоласи юзасидан ва бошқа долзарб мавзулар бўйича мавзулар рўйхати берилган ва муддатлари кўрсатилган ҳолда тузилган маҳсус режа асосида маънавий-маърифий ҳафталиклар ўтказиш	Ҳар ойда бир ҳафта	РММК, тегиншли вазирлик, ташкилот ва муассасалар
40.	Кўшиллатли турар-жойлар, маҳаллаларда мамлакатимизда амалга оширилаётган миллатлараро муносабатлар ва диний бағрикенглик сиёсатининг маъно-мазмунини очиб бериш мақсадида сұхбатлар ўюнтириш	Доимий	РМММ, Республика Байналмидал миллӣ-маданий маркази, "Маҳалла" жамгармаси, ХҚҚ, "Нуроний" жамгармаси, "Камолот" ЁИХ
41.	Маҳалла оқсоқолларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилари ўртасида "Дин ва маънавият", "Ақидалар ва хурофотга қарши куташда аёлларнинг ўрини" ва бошқа мажзууларда сұхбатлар, учрашувлар ташкии этиш	Доимий	РМММ, ХҚҚ, "Маҳалла" жамгармаси, "Оила" илмий амалий маркази, Республика Байналмидал миллӣ-маданий маркази

42.	<p>Республика "Маънавият ва маърифат" маркази қошидаги "Маънавият тарғиботчиси" ўкув курси фаолиятини давом эттириш, кучайтириш, самарадорлшгани ошириш, унга мамлакатимиздаги барча вазирлик, қўмита, корпорация, концерн, банк, корхона, уюзма, муассаса ва ташкилотларда маънавий-маърифий ишларга мутасадди ходимлар, шунингдек, Республика "Маънавият ва маърифат" маркази минтақавий бўлимларида меҳнат қиласиган мутахассислар, жамоатчи тарғиботчиларин жалб этиш</p>	Доимий	РМММ ва унинг минтақавий бўлимлари, барча вазирлик, ташкилот ва муассасалар
-----	---	--------	---

### III

**МАЬНАВИЯТ ВА МАЬРИФАТ ХОНАЛАРИ  
(МАСКАНЛАРИ) ҲАМДА  
УЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ВА ЖИҲОЗЛАШГА ОИД  
УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР**

## **1. Маънавият ва маърифат хопалари ҳамда масканларини қапдай помлаган маъкул?**

Мустақиллик туфайли сиёсий, ижтимоий-иктисодий, ҳукуқий, маънавий-маърифий, мағқуравий соҳаларда муҳим ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, олий ўкув юртлари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари, барча вазирликлар, давлат қўмиталари, уюшмалар, корпорациялар, концернлар, компанииялар, бирлашмалар, банклар, муассаса ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарида янги бир "Маънавият хоналари", "Маърифат хоналари", "Маънавият маскани", "Маънавият мажмуаси", "Маънавият маркази" ва ҳоказо номлар билан юритилувчи маънавий-маърифий масканлар пайдо бўлмоқда.

Шунни таъқидлаб ўтиши жоизки, ушбу ташкил этилаётган мажмуалар кимнилгидир кўрсатмаси ёки буйруғи билан вужудга келаёттани йўқ, аксинча, ҳар бир жамоанинг хоҳиш-истаги, иродаси, иятишлари билан пайдо бўлмоқда. Бу куонарли ҳол, албатта. Чутикӣ узубу яптиллик мустақиллик йилларида амалга оинтирилган маънавий-маърифий ислоҳотларининг мевасинири. Демак, ҳозирги даврда пайдо бўлаётган бундай масканлар жамиятнинг маъиавий эҳтиёжи зарурати, десак, асло янгилишмаймиз.

Модомики шундай экан, ташкил бўлаётган бундай масканлар қандай номланиши керак?

Ҳозирча бундай масканларни баъзилар "Маърифат хонаси", яна кимлардир "Маънавият ва маърифат маркази", бошқа бирорвлар "Маънавият бурчаги", "Маънавият маркази" сингари номлашмоқда. Бизнинг фикримизча, ташкил этилаётган бундай масканларни "марказ" ёки "бурчак" — деб номлаш тўғри эмас.

"Марказ" деганда, авваламбор барчанинг кўз олдида ўз ҳисоб рақами ва низомига эга, Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган жамоатчилик ташкилоти гавдаланади. Иккинчидан, "Маънавият бурчаги" деб номлаш ҳам мантиқан унчалик тўғри эмас. Масалан, мактабларда ташкил қилинаётган хоналарни аксарият жойларда "Маърифат хонаси" деб юритилмоқда. Ахир, мактабнинг ўзи аслида маърифат маскани-ку. Маърифат масканнада яна "Маърифат хонаси" ташкил этиш мантиққа тўғри келадими? Шунинг учун ҳозирги вақтда бундай жойларни ташкил қилишдан аввал унинг вазифаси нимадан иборат

эканлигини яхшилаб аниқлаб олишимиз керак. Ана шу мақсад ва вазифалар моҳиятидан унинг номи ҳам келиб чиқади. Ташкил этилаётган бундай жойларнинг энг асосий мақсади инсонни маънавий баркамол қилиб тарбиялаш экан, уларни "Маънавият маскани" деб атасак, мақсадга мувофиқ бўлади.

## 2. Ягона андоза керакми?

Олий ўқув юртлари, академик лицейлар, касб-ҳунар колледжлари, ўрга умумталим мактаблари ва ишлаб чиқариш корхоналарида ташкил этилаётган "Маънавият маскани" шунчаки хўжакўрсинга ёки кўз-кўз қилиш учун эмас, балки соф маънавий-маърифий ишлар натижаси ўлароқ вужудга келиши керак. Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, "Маънавият маскани"да фақатгина айрим тадбир ва ѹигилишлар ўтказилиб, бошқа пайтлар ёпиб кўйилмоқда. Албатта, "Маънавият маскани"ни бундай ташкил этиш тўғри эмас. Фикримизча, "Маънавият маскани" ҳар бир жамоанинг юзи бўлиши ва жамоанинг ҳар бир аъзоси у ердан маънавий озиқ ола билиши лозим.

"Маънавият маскани"ни ташкил этиш учун бутун мамлакатимизда ягона андоза бўлиши керакми?

"Маънавият маскани"ни ташкил этиши нуқтаи назаридан олиб қараганда, ягона андоза жуда ҳам керак. Лекин мазмуни жиҳатидан ёндашилса ягона андоза бўлиши шарт эмас. Чунки ҳар бир мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежи ва олий ўқув юрти ёки муассаса ёки ташкилот ўз имконияти, касбий йўналишидан келиб чиқиб мазмунан ранг-баранг "Маънавият масканлари" ташкил этишлари мақсадга мувофиқ.

Шунга қарамасдан, ҳар қандай "Маънавият маскани" умумий талабларга жавоб бериши керак.

## 3. "Маънавият маскани"ни ташкил этиш учун жой ташлаш

Албатта, ушбу масала ҳар бир жамоанинг ихтиёридаги иш. Аммо кўпгина жамоаларда жой масаласи муаммо бўлиши ҳам мумкин. Шу нуқтаи назардан биз ўз тавсияларимизни беришни маъкул топдик:

1. Олий ўқув юртлари, академик лицей, касб-ҳунар колледжлари ва мактабларда "Маънавият маскани" кутубхонанинг қироатхонаси (ўкув зали) ёки маъруза залларининг бирида

кенг ва ёруғ бўлишига алоҳида эътибор бериш керак.

2. Барча вазирликлар, Давлат қўмиталари, уюшмалар, корпорациялар, концернлар, компаниялар, бирлашмалар, банклар, муассасалар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг мажлислар залида ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

#### 4."Маънавият масканни"ни жиҳозлаш

"Маънавият масканлари"ни жиҳозлашда, асосан, қўйидагиларга эътибор бериш лозим:

- Ўзбекистон Республикасининг Давлат рамзлари (Байроқ, Герб, Мадҳия) ва уларнинг тўлиқ таснифи;
- сиёсий-хукуқий қадриятларимиз (мамлакатимиз харитаси, Конституциямиз ҳамда миллий валютамизни ифодаловчи лавҳалар);
- маънавий-маърифий ислоҳотларга оид фармонлар, фармойишлар, Конунлар ва Қарорлар жамланмаси;
- мустақиллик, маънавий-маърифий ислоҳотларга оид Президент Ислом Каримовнинг асарлари ҳамда уларнинг қисқача аннотацияси;
- миллий маънавиятимизнинг ҳабардаст бакалиари сиймолари акс эттирилган суратлар ҳамда уларнинг таъсиридан фикрларидан намуналар;
- ҳалқимизнинг маданий мероси, анъаналари, удумларини акс эттирувчи кўргазмалар;
- Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши нашрлари, "Тафаккур" ва "Жаҳон адабиёти" журналларининг барча сонлари;
- "Маънавият" нашриётида чоп этилган асосий китоблар;
- "Миллий истиқлол юяси: асосий тушунча ва тамойиллар" рисоласи, шу фан ҳамда "Маънавият асослари", "Одобнома"га доир дарслик ва қўлланмалар, асосий газета ва журнallар тахламлари;
- Диний - ахлоқий китоблар, улардаги маънавий камолотта ундовчи фикрлардан намуналар.

Шунингдек, бу ишда ўта мұхим бўлган иккита янгиликни жорий этиш тавсия этилади:

Биринчиси, элшунос олим, тарих фанлари номзоди Билол Аминов томонидан ёзилган "Ҳикмат - ибрат" рисоласида келтирилган "Тилло қушчалар парвози" номли ҳикматлар йўриқномасига биноан "Маънавият масканни"нинг бир қисмида

деворнинг катта ва кичик сатҳи лойиҳа асосида ишланиб, "Доно бўлай десантиз" ёки "Олим бўлай десантиз" каби сўзлар заруриятга кўра турли тилларда ёзиб қўйилади. Бу катта ёзувлар остига нақши ҳошияларда ҳикматли сўзлардан 15 - 20 таси чиройли қилиб ёзилади. Ҳошиялар атрофида чиройли қушчалар нарвози, дараҳтларда ўтирган ҳолатлари гул ёки дараҳтда сайраётган қушлар тасвири берилади.

Остига 8-10 қутича ўрнатилади. Уларга ҳафтада икки ёки уч марта "визитка" шаклидаги турли ҳикматлар ёзилган "тилло қушчалар" макети солиб қўйилади, уларнинг сони кишилар сонига қараб кўпайтирилиши мумкин. Чиройли нақши "визитка"да 2 тадан ҳикмат ёзилган бўлади. "Тилло қушчалар" номини олган бу "визитка"ларни ўкувчи талаба ёки ходимлар ўз ихтиёrlари билан олишлари ва келгусида давомини сабрсизлик билан кутишлари керак.

Матнлар муассаса, корхона ва ташкилотларнинг маънавият ва маърифат бўлимида тайёрланади ва ксерокс ашваратида кўпайтирилади.

Дастлаб ҳафтада бир марта, кейинчалик икки-уч марта сеанслар ташкил этиш мумкин. Сеансларни катта танаффус вақтида ёки машғулотлардан сўнг ўтказса бўлади. Сеансларда бериладиган маънавий озиқ табиий равишда эҳтиёжга айланиб кетиши ва ёшлар эътиборини тортиши учун "чакиравчи хабар сигналлари"дан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Масалан, сунъий дараҳт ёки катта тувакдаги манзарали дараҳт ва гулларга, маълум вақтларда улар орасига усталик билан жойлаштирилган товуш чиқиравчи карнайча орқали магнитофондан сайроқи қушлар овози бериб борилади. Буни шундай ташкил этиш керакки, қун сайраши ўрнига Турғун Алиматов танбурда ижро этган мумтоз куйлардан бериб бориш ҳам мумкин. Бу оний лаҳзаларда кишилар ҳам маданий, ҳам маънавий озиқ олишига ишончимиз комил. Ушбу янгиликни жойларда мутахассислар соддалаштириб ёки жонлантириб ташкил этишлари ҳам мумкин. Масалан, ҳикматларни нафақат "визитка" шаклида, балки, кўргазмали плакатлар ёки техник воситалар ёрдамида ҳам бериш мумкин. Жалб қилиш борасида мумтоз ўзбек куйларидан ҳам фойдаланилса, айни муддао бўлур эди.

Иккинчи янгилик — бу жуда содда, лекин гоятда масъулиятли иш, миллий маърифат тизимидағи муҳим ўзгаришлар. Халқимизнинг маданий мероси, урф-одатлари, анъаналари ва

Халқимизнинг маданий мероси, урф-одатлари, анъаналари ва қадриялари туширилган видеожамланма ташкил этилади. "Минг бор эшиттандан, бир бор кўрган афзал", — дейди доно халқимиз.

"Одабнома" ҳамда "Миллий истиқбол гояси ва маънавият асослари" дарсларида, "Маънавият кун" лари ҳар доим оғзаки баён қилиш услубидан фойдаланавермай, видеожамланма воситасида дарслар ташкил этиш жуда катта самара берган бўлур эди. Тўғри, ушбу янгилик академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юргларида молиявий маблағ талаб этиди. Бундай муаммони ҳомийлар ва ўзига бақувват ишлаб чиқариш корхоналари ёрдамида ҳал этиши мумкин. Маданий мерос, урф-одат, анъана ва қадрияларимизни ифода этувчи видеотасмалар "Маънавият ва маърифат" маркази, "Олтин мерос", "Маҳалла" жамгармаларининг жойлардаги бўлимлари ҳамда туман халқ таълими методистлари билан ҳамкорликда тайёрланса, мақсадга мувофиқ бўлади. "Маънавият маскани"да видеожамланмани ташкил этиши ёш авлоднинг маънавий камолотида замонавийликка мос восита усули бўлар эди.

Умуман, ёшлиарининг замонавий дунёқарашини ҳисобга олиб, юқорида көлтирилган ишни янгиликни имкони борича жорий этиши самара бериши шак-шубҳасиз.

### **5."Маънавият маскани"нинг олд қисмини жіхозлашта оңд тавсиялар**

"Маънавият маскани"нинг олд қисми энг юқорисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг қўидаги сўzlари ёзилади:

**"Маънавият ишонга она сути, ота памуласп, аждодлар ўтити билан бирга сингади"** (Ислом Каримов).

Бундан сўнг:

**"Ўзбекистон — келажаги буюк давлат!"** шиори ёзилади.

Ушбу ёзувларнинг юқоридан чап қисмида Ўзбекистон давлатининг раигли сиёсий харитаси жойлаштирилади.

Хаританинг пастки қисмида қўидагилар ёзилади:

**Давлат тузуми — Республика**

**Қонун чиқарувчи олий органи — Олпий Мажлис.**  
**Парламентимиз Сенат ва Қопуичилик палатасидан иборат.**

**Давлатни — Президент бошқаради.**

**Маъмурий ва ҳудудий тузилиши: Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва 12 вилоятдан иборат.**

**Ҳудуди — 447,7 минг кв.км. Пойтахти — Тошкент шаҳри.**

Хаританинг ёнидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иортгети ҳамда пастки қисмида қисқача таржима ҳоли берилади.

Хозирги кунгача мавжуд бўлган "Маънавият маскани"ларида Давлат рамзларини тўғри ўрнатиш ёки жиҳозлаш масалаларида турли хил қарашлар мавжуд эди. Шу сабабли бу йўналишларда ўз тасвияларимизни беришни маъкул топдик.

Юқорида келтирилган давлат рамзлари ва сиёсий харитага тенг ҳажмда китоб тасвири туширилиб, унинг тепа қисмида "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси" деб ёзилади. Пастки қисмидан эса "Ўзбекистон — мустақил, демократик республика", "Ўзбекистон Республикаси" ва "Ўзбекистон" деган номлар бир маънони англатади", "Демократия — Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий тараққиётининг бош йўли" ва "Бизнинг Конституциямиз якка партиявийлик, синфий иллатлардан холидир",— деб ёзилади.

Давлатчилигимиз тарихининг қайси бир даврини олиб қарамайлик, Ватан тимсоллари азиз ва муқаддас саналган. Ҳар бир даврда ҳам давлат рамзлари, тимсоллари шунчаки сиёсатни амалга ошириш воситаси бўлибгина қолмай, балки жуда катта ижтимоий-маънавий аҳамият ҳам касб этган. Ҳалқимизнинг мустақил ва мустаҳкам давлат барно этиши foяси, салоҳияти ва умуминсоний қадриятларга содиқлиги, энг аввало, давлат рамзлари ва тимсолларида ўз ифодасини топган.

Шунинг учун бўлса керак, ажоддларимиз ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида рамзлар ва тимсолларни жуда эъзозлаган. Ҳалқимиз вакиллари давлат тимсоллари учун, ҳатто, ўз жонларини ҳам фидо этган. Жангу жадалларда байроқнинг қулаши ёки душман қўлига ўтиши маглубият билан баробар турган. Бу борада тарихимиздан жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Масалан, 1221 йилнинг кузидаги мўғул босқинчилари олти ойлик қамалдан сўнг Хоразм пойтахти Гурганжга ёпирилиб кирганида, миллатимизнинг буюк қаҳрамонларидан бири Шайх Нажмиддин Кубро шаҳар мудофаасига раҳнамолик қилиб, тенгиз курашда ўз кўксини душман наизасига қалқон қиласди, юрт озодлиги йўлида шаҳид бўлади. Айтишларича, Шайх ўлими олдидан мўғул яловбардоридан душман байроғини тортиб олиб,

убилан ерга қулайди. Ёвга нисбатан нафрат шу қадар кучли эдики, мўгуллар кейинчалик Шайхнинг жонсиз қўлидан байроқларини тортиб ололмаган ва унинг пањжаларини кесиб, ўз байроқларини олган. Шайх Нажмиддин Кубронинг юрт озодлиги йўлидаги бу жасорати қарийб саккиз юз йилдирки, барча авлодларга ибрат бўлиб келмоқда.

Соҳибқирон Амир Темур даврида ҳам давлат байроғи жуда катта аҳамият касб этган. Шу сабабли жангу жадалларда давлат байробини Амир Темурнинг энг ишонган баҳодир сипоҳийлари қўриқлаган. Амир Темур “Тузуклар”ида таъкидланишича, душман устидан шижаот ва мардлик кўрсатиб ғалаба қозонган амирлар ва сипоҳийлар Темур давлатининг тимсоллари — туг, ноғора билан мукофотланган. Бу ҳам Соҳибқирон салтанатида давлат рамзлари нечоғли баланд турганлигидан далолатдир.

Шонли тарихимиздан буига ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Хўш, бутунги кунда мустақил давлатимиз рамзлари, хусусан, миллият фурури бўлган байробимизга муносабат қандай?

Келажаги буйёк давлат барпо этиш ғояси мустақиллижимизнинг илик кунларида ёз қабул қилинган давлатимиз рамзи ва тимсолларида ҳам ўз ифодасини топган. 1991 йилнинг 18 нояброда қабул қилинган байробимизда ҳам халқимизнинг хоҳиш-иродаси, ақл-салоҳияти, асрлар давомида сўнмаган фурури, кайфияти акс этган.

Давлатимиз байробида ифода этилган янги чиқиб келаётган ярим ой, юлдузлар, мовий, оқ, яшил ранғлар ҳамда қизил ҳошия чизиқлар халқимиз фурури ва келажакка бўлган иштоғчилик ифодасидир. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ байробимиз халқимизнинг фурури манбаига айланди. Республикаимиз миқёсида ўтказиладиган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тадбирлар Давлат байробини тантанали суратда кўтариш, мадҳиямизни куйлаш билан бошланади. Халқимизнинг мустақиллик туфайли қаддини тиклаган маънавияти, фурури 1992 йилнинг 2 марта БМТга аъзо мамлакатлар сафида Ўзбекистон байробининг ҳилпираши билан бир неча бор ўстанилиги ҳеч кимга сир эмас.

Давлат байробининг хукуқий асоси 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги Конун билан мустаҳкамланиб, бу ҳужжатда байробимизнинг шакл-шамоҳили, ундан фойдаланишининг йўл-

болалар боғчалари, мактаблар, академик лицейлар ва касб-хунар колледжларида душанба кунги сабоқлар Давлат байробининг тантанали суратда кўтарилиши, болаларимизнинг ўнг кўлларини кўксига қўйиб мадҳиямизни куйлашидан бошланиши фарзандларимиз қалбида Ватанга, унинг рамзларига нисбатан муҳаббат ва садоқатнинг пайдо бўлишига олиб келди. Зеро ватанпарварман деган ҳар бир инсон, энг аввало, бебаҳо ижтимоий-сиёсий қадриятларимиз бўлган Давлат рамзларини билиши, хурмат қилиши шарт.

Давлат рамзларига бўлган муносабатларимизни, энг аввало, Давлат рамзлари тўғрисидаги қонунларни ўрганишдан бошлашимиз керак. "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроби тўғрисида"ги Конун муқаддас байробимизни ўрганишда муҳим омил бўлиб хизмат қиласи.

Хўш, бугун Давлат рамзлари тўғрисидаги билимларимиз етарлими?

Бу борада, юқорида таъкидлаганимиздек, болалар боғчалари, мактаблар, академик лицейлар, касб-хунар колледжлари, олий ўқув юртларидаги аҳвол ёмон эмас. Аммо ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилот ва муассасаларда Давлат рамзларини ўрнатиш, жиҳозлаш масалаларида бир оз эътиборсизликка йўл қўйилмоқда. Айрим корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбар ходимлари иш хоналарида байроқни дастасига ўраб бир бурчакка суюб кўйишларини қандай тушуниш мумкин? Ёки шу корхона, ташкилот, муассасаларнинг мажлислар залларида Давлат рамзлари тўғри ўрнатилганими? Шунингдек, айрим ташкилот, корхона ва муассасаларнинг ҳудудлари деворларида байроқ тасвири чала чизилаётгани ўша ташкилот, корхона, муассасалар мутасаддиларининг Давлат рамзлари тўғрисидаги билимлари ўта саёз эканидан далолат беради.

Улар "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроби тўғрисида"ги Конуннинг 10-моддасидаги "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроби ва унинг тасвири, катта-кичикилгидан қатъи назар, ҳамма вақт ушбу Конунга илова қилинаётган рангли ва схематик тасвирга аниқ мос бўлиши керак"лигини ҳеч ўқиб кўрганмикинлар?

Шунингдек, Конунда: Ўзбекистон Республикаси Давлат байробини давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар биноларида кўтариш чоғида ушбу Конунда баён этилган талабларга риоя қилиниши

чоғида ушбу Қонунда баён этилган талабларга риоя қилиниши учун масъулият уларнинг раҳбарлари зиммасига, байроқ туаржой биноларида кўтарилиган вақтда эса уларнинг эгалари ёки улардан фойдаланишни ташкил этиш топширилган мансабдор шахслар зиммасига юклатилганини (11-модда) ҳақида аниқ ёзиб кўйилган.

Бу билан биз корхона, ташкилот, муассаса раҳбарларини айбламоқчи эмасмиз. Биз қураётган янги жамият кўпроқ тушунтириш ишларини олиб боришни тақозо этади. Худди шу йўналишида Республика "Маънавият ва маърифат" маркази ва унинг худудий бўлимлари мунтазам тарбибот ишларини йўлга кўйган. Давлат рамзларини амалдаги Қонунлар асосида тўғри ўрнатиш йўналишида ўз тавсияларини бериб бормоқда. Яна бир бор ўз тавсияларимизни баёп этамиз:

- биноларининг пештоқларида байроқни тўғри ўрнатиш, Күёш иури, ёмғир, чанг-тўзондан ранги ўчиб, эскириб қолган байроқ халқимизнинг руҳияти, кайфиятига асло мос келмаслигини ҳисобга олиб, эскирган, ранги ўтган байроқни янгилаб туриш;
- биноларининг олд томонида (очик майдонла) боини давлатларининг байроқлари билан биргаликда ўрнатилгандан Ўзбекистон Республикасининг байроби (биноининг олд томонига қараб турганда) ўнг томондан, бошқа давлатларнинг байроқлари чап томондан ўзбек алифбоси асосида ва бир хил баландликда жойлаштирилши;
- байроқнинг тасвири тушрилаётганда Қонун асосида белгиланган схематик ва рангли тасвирга қатъий амал қилиш;
- байроқнинг рамзий маънолари тарбибида қабул қилинган тасниф асосида тўғри талқин этиши керак.

Буларнинг барчаси кишиларнинг сиёсий-маънавий кайфиятига ижобий таъсир этишини унугласлигимиз лозим. Давлат рамзлари ва тимсоллари худди она Ватан каби азиз ва муқаддас. Уларни севиб, ардоқлайлик.

Хоналарда ёки биноларининг ички қисмида Давлат рамзларини ўрнататётганимизда ҳар доим олд қисмда ўрнатиш мақсадга мувофиқ. Давлат байроби, герби, мадҳияси билан жиҳозлашда ҳар доим рамзий тасниф билан бирга бериш жуда катта самара берган бўлур эди.

## **6. "Маънавият мақапи"ниң ўиг қисмиши жиҳозлашга оид тавсиялар**

Юқорида чапдан ажоддларимиздан бизгача етиб келган энг қадимий ёзма маънавий меросимиз бўлган "Авесто" ва унинг бутунги кундаги тарбиявий аҳамияти ўз ифодасини топиши керак. Юқорида "Авесто маънавий зиёси" деб ёзилгандан сўнг 1-жиҳоз остига китоб сурати чизилиб, устига "Авесто" деб ёзилади. Китобнинг пастки қисмida "Авесто"нинг "Ардвисуряшт" деб номланган қисмидан олинган ушбу парча ёзib қўйилади:

**Мен Парушаен зурриёди ўшал Зардуштким,  
Мудом сабоқ бермоқчимап.  
Иймон билап фикр айласпи,  
Иймон билап сўз сўйласпи  
Ва иймонга амал қиласпи.**

Ундан кейин "Эзгу пият, эзгу сўз, эзгу амал" сўzlари ёки "Авесто"да олдинга сурилган яна бир муҳим маънавий даъватлардан бири — "Опа табнатта меҳр-муҳаббатли бўл, ер, сув, оловни эъзозла, яратувчилик меҳнатини улугла", — сўzlари ёзилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

1-жиҳознинг ёнидан эни ва бўйи унга тенг равища 2-жиҳоз "Туркӣ қавмлар маънавияти" жой олади. Ушбу руқнида милий қаҳрамонларимиз Алп Эр Тўнга (Афросиёб), Широқ, Тўмарис, Спитаменларнинг Ватан озодлаги йўлидаги қаҳрамонликларидан лавҳа ва намуналар келтириш мумкин.

Масалан:

**Ёз кўркинита шашомма,  
Сувлар уза таяпма,  
Ёмошлика отлашма,  
Тилдан чиқар эзгу сўз.  
(Алп Эр Тўнга жангномасидан.)**

Ёки шу руқнининг ўзида энг қадимги туркӣ ёзувлар, битиктошлардаги ҳозирги давр учун ибратли бўлган ҳикматлардан намуналар бериш мумкин. Шундан сўнг туркӣ адабий тилнинг шаклланишига муҳим таъсир кўрсатган буюк алломалар Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад

китоб устига "Девону лугатит турк", иккингчи китоб устига "Хибат ул-хақойиқ", учинчи китоб устига "Кутадғу билиг" деб ёзилади ва ушбу асарлардан ҳикматли байтлар келтирилади. Масалан:

Бири тұғриликка таяңч — Адолат,  
Бири Даулат әрүр, у күтли гоят.  
Учиңчи — улуғлық Ақл ҳам Зако,  
Тұртыңчи — Қапоат әрүр бебаҳо.

*Юсуф Хос Ҳожисиб*

Билимни буюк бил, уқувини улуг,  
Шу иккөн улуғлар кишини түлиқ.

*Юсуф Хос Ҳожисиб*

Махмуд Қошгарий, Ахмад Юғнакийларнинг юқорида таъкидланған асарларидан ҳам ҳикмат намуналарини келтириш мумкін.

З-хикъес "Ислом нури зиһен" деб жоритіліб, муқашас "Куръон" тасвири берилади ва қуйидаги оят ёзіб қуїнлади.

"Иғраъ са Роббұқа акрам, аллази аллама бил қалам. Аллама-л-писопа ма лам яълам". ("Үқи! Сеппиг ўта қарамли Парвардигорнің қалам восітаси билап таълим берди. Иисопта у билмаган нарасаларни ўргатды"). Ушбу оятнинг пастки қисміда китоб тасвири тушириліб, унинг устига "Ал-жоміп ас-саҳіх" деб ёзилади ва Имом Бухорий ҳазратларининг китобидан қуидаги ҳадислар келтирилади.

Масалан:

"Кимки илм олган бўлса, пайғамбар алайҳиссаломдан тўлиқ мерос олибди. Кимки илм истаб қадам кўйса, Оллоҳ таоло унга жапишат йўлпип осоп қилгайдир".

Тагидан буюк муҳаддис олимлар — Имом Бухорий, Имом Термизий ҳамда буюк мутасаввуф шайхлар — Абдулхолиқ Фиждувоний, Ахмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд номлари ёзилиб, "Ватанин севмоқ иймондандир", "Бешикдан қабргача илм изла" каби ва бошқа ҳадислар "Дилинг Оллоҳда, кўлинг меҳнатда бўлсин" сингари ҳикматлар келтирилса, боболаримиз даъватларини замондошларимизга етказиб, уларда илмга иштиёқ ҳамда буюк аждодларимиздан

етказиб, уларда илмга иштиёқ ҳамда буюк аждодларимиздан фахрланиш түйгүсини ўйғоттан бўламиз.

4-жихоз "Қомусий маърифат ёғдуси" деб номланиб, бутун башариятга дахлдор, Ўрта Осиёда яшаб ижод этган буюк алломалар Мусо Хоразмий, Абу Наср Форобий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Синоларинг суратлари ҳамда таржимаи ҳоллари берилади.

Ҳар бир аллома суратининг остиқ қисмида китоб тасвири туширилиб, китобда ҳар бирининг ёзган асарлари рўйхати берилиши мумкин. Бундан ташқари, буюк қомусий олимларимизнинг таъсирчан фикрлари, ҳикматлари, байтлари берилса ёки улар яратган оламшумул ихтиrolар саналса ҳам ўкувчилар маънавиятини янада оширади.

5-жихоз "Темурийлар даври маънавияти" деб номланиб, диққат бевосита Соҳибқирон Амир Темур шахси, унинг ҳукмронлиги йилларида фан ва маданиятнинг гуллаб-яшнаганлиги, ҳокимиятни идора этиш усуслари сингари миллий қадриятларга қаратилиши керак. Бу руқнда Амир Темурнинг портрети ва унинг дастури бўлмиш "Куч — адолатда. Адолат раҳбаригиз ва дастуригиз бўлсин" шиори берилади. Шу руқннинг ўзида Соҳибқирон томонидан бунёд этилган тарихий обидалар ва унга вобаста равишда мустақишик йиллари қурилган "Темурийлар тарихи Давлат музейи" ҳамда Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз шаҳарларида ўринатилган Амир Темурнинг ҳайкалларидан бири тасвирланади. Шунингдек, қомусий олим, темурийлар даврининг буюк арбоби Мирзо Улугбек портрети, унинг қисқача таржимаи ҳоли, ёзган асарлари келтирилади. Буюк шоир, темурийлар даврининг энг забардаст вакилларидан бири бўлмиш ҳазрат Алишер Навоийнинг ҳам мўътабар сиймоси, унинг ҳаёти ва ижод йўли, асарларидан намуналар берилади.

Масалан:

Ҳақ йўлища ким сенга бир ҳарф ўқитмиси рапж ила,  
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз гапж ила.

Яна бир темурийзода Заҳирилдин Муҳаммад Бобурнинг ҳам сиймоси, таржимаи ҳоли, ёзган асарларидан намуналар келтириш мумкин.

Булардан ташқари, ушбу руқнда темурийлар даврида жуда ривожланган хаттотлик, миниатюра мусаввирлиги, наққошлиқ, мусиқа, зардўзлик, кулолчилик санъатидан айрим намуналар

келтирилса, янада яхши бўлади. Айниқса, миниатюра мусавирилиги мактаб.нинг асосчиси Камолиддин Беҳзод сиймоси ва унинг асарларидан намуналар берилса, нур устига нур бўлар эди.

6-жіҳоз "ХХ аср маънавий инқирози ва ютуқлари" деб номланиб, собиқ шўро тузуми даврида миллий қадриятларимизга нисбатан олиб борилган сиёsat ҳамда унинг маънавий инқирозга олиб келганилиги тўғрисидаги фикрлар ўз ифодасини топиши керак. Хусусан, тил, урф-одатларимиз, анъаналаримиз, қадриятларимиз, миллий маънавий меросимиз толталганигини ифода этувчи кўргазмалар, лавҳалар ўз ифодасини топса, кўргазма таъсиричанилиги ошади. Шунингдек, миллий истиқбол гоясини илгари сурган, куйлаган улуғ алломалар, шоир ва ёзувчилар портретлари, уларнинг мўътабар асарлари, ҳикматли сўзлари фикрларидан намуналар келтириши мумкин. Масалан, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори, Чўлпон, Фитрат кабиларнинг асарлари, шеърларидан намуналар бериш керак:

"Тарбия бизлар учун ё ҳаёт — ё мамот, ё пажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё масаласиғут".

Абдулла Авлоний  
"Миллий тилин йўқотмақ — меллатнинг руҳини йўқотмақдир"  
Абдулла Авлоний

Туркистон — шопимиз, турошли узвонимиз,  
Ватап — бизим жопимиз, фидо ўлсии қонимиз!

Абдулҳамид Чўлпон

## 7. "Маънавият маскаллари"нинг чар қисми жиҳозлашга оид тавсиялар

Масканнинг бу қисми "Мустақиллик ва маънавият" деб номланиб, ушбу рукида "Маънавият" нашриёти чор этган кўргазмали плакатлар, мустақилликка эришганимиздан сўнг тикланган урф-одатларимиз, қадриятларимиз ва маънавий меросимизга оид ҳамда умумхалқ байрамларини ифодаловчи лавҳалар, шунингдек буюк алломалар, давлат ва жамоат арбоблари таваллуди тўйларини ўtkазиш тўғрисидаги Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек, мустақиллик даврида қад кўтарган иншоотлар, маданий-маърифий биноларнинг тасвиirlари аксини топиши керак.

Шунингдек, масканнинг ушбу қисмида "Маънавият" нашриётининг нашрлари, газета ва журнallар тахламлари, Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши муассислигига чоп этилаётган барча нашрлар, хусусан "Тафаккур" ва "Жаҳон адабиёти" журнallари, маънавий таълимга оид дастурлар, дарслик ва қўлланмалар ҳамда "Маънавият масканi"га оид ҳужжатлар жам бўлиши керак.

### "Маънавият масканлари"да юритиладиган ҳужжатлар:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг маънавий-маърифий соҳага оид фармонлари, қарорлари:

ПФ № 842. 23.04.1994 й.

ПФ № 1559. 09.09.1996 й.

ПФ № 2385. 03.09.1999 й.

ВМҚ № 288. 08.06.1994 й.

ВМҚ № 311. 24.07.1998 й.

Ушбу фармонлар, қарорлар асосида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режалари;

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши ҳамда ҳудудий Кенгашлар қарорлари жамланмаси;

- йилилик иш режалари;
- баённомалари;
- келган, чиқсан хатлар, ҳужжатлар, кўрсатмалар, фармойишлар;
- ўтказилган тадбирлар, давра суҳбатлари, учрашувларниң ҳужжатлари;
- ОАВда эълон қилинган тавсиялар, мақолалар ва бошқа материаллар;
- мазкур соҳага оид шартномалар;
- Кенгаш аъзолари, ишчи гуруҳи аъзолари рўйхати;
- тарғиботчилар рўйхати;
- ишлар, вазифалар таҳсимоти йўриқномалари;
- Давлат дастурлари ижроси ҳужжатлари;
- маърузалар, ҳисоботлар, ахборотлар жамланмалари;
- таклиф ва мулоҳазаларни қайд этиш дафтари ва ҳоказолар.

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ  
КЕНГАШИНИНГ УМУМХАЛҚ БАЙРАМЛАРИ ВА  
ТАРИХИЙ САНАЛАРНИ МУНОСИБ НИШОНЛАШ  
ТҮГРИСИДАГИ ТАВСИЯЛАРИ

# УМУМХАЛҚ БАЙРАМЛАРИНИ НИШОНЛАШ ЙОЗАСИДАН ТАВСИЯЛАР

## 1. "Мустақиллик куни" умумхалқ байрамини нишонлаш йозасидан тавсиялар

1 сентябрь — Ўзбекистон давлати, Ўзбекистон халқи учун энг улуғ, энг азиз байрам. Биз мустақилликка шунчаки осонгина эришганимиз йўқ. Мустақил давлат тузиш онларига етиб келганимиз, авваламбор, асрлар давомида буюк истиқлоннинг машаққатли йўлида халқимизнинг асл фарзандлари тинимсиз олиб борган курашлар натижасидир. Биз мустақилликни миллатларимизнинг гули бўлган не-не асл ўғлонларнинг тўккан муқаддас қони, неча асрлик машаққатли курашлари эвазига қўлга киритдик. Халқимиз ҳеч қачон ўзга юртлардан келган босқинчилар олдида бош эгмаган. Бунинг учун Александр Македонскийга қарши курашган Спитаменни, араб босқинчилари билан олишган Муқанини, дунёнинг ярмини истило қилган мўғул босқинчиларига қарши сўнгти нафасигача жанг қилган Жалолиддин Мангубердини, мўғулларни юртимиздан ҳайдаб чиқариб, дунё халқларини бу зулмдан кутқариб қолган буок бобоимиз Амир Темурни эслашнинг ўзи кифоя.

Истилочиларга қарши кураш яқин ўтмишда ҳам тўхтамади. Жадидлар ҳам шу йўлда шаҳид кетдилар. Ҳатто, шуролар тузумининг охирги ҳамласи бўлган саксонинчи йиллардаги қатағон иайтида ҳам миллат шаъни учун курашган ватандошларимиз кўп бўлди.

Бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири ёш авлодга ўша аждодларимизнинг жасур сиймоларини кўрсатиб бериш, оталар қалбидаги жасорат туйгуларини уларнинг руҳига ҳам сингдиришдан иборат. Зотан, мамлакатнинг қудрати унинг

Мустақиллик ўзбек халқига ўз юртида қадр қимматни, бўй-бастини, ўз маданиятни ва айланаларини, дину эътиодилини, тилди ва маънавийтини қайта тиклаб олишга, миллӣ гурур ва миллӣ тафаккур, Ватанга мудаббат туйгуларини камол топтиришга замин тутдирди.

*Ислом Каримов*

иқтисодий салоҳияти, ҳарбий кучи, аҳолисининг сони билангина ўлчаммайди. Мамлакатнинг қуввати халқининг руҳи, миллатининг эътиқоддаги сабитлиги билан ҳам белтиланади.

Мустақиллик бир кунлик байрам эмас. Йил давомида мамлакатимизда яшовчи барча кишиларга бу байрамнинг мазмун - моҳияти ҳақида таъсирчан усул ва воситалар ёрдамида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш зарур.

Мустақиллик байрамига бағищлаб ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирларнииг асосий тамойиллари қўйидагилардан иборат:

Биринчидаи, мустақиллик миллатимизга, халқимизга кимдир томонидан ҳадя этилган иеъмат эмас. Уни халқимиз ўз эркесвар фарзаандларининг қони эвазига кўлга киритганини янада яхшироқ тушунтириб беришимиш даркор. Истиқдол — шубҳасиз, буок иеъмат. Уига барчамиз муносиб бўлишимиш ва уни кўз қорачиғидек асраримиз, ҳимоя қилишимиш керак.

Иккинчидаи, кишилик тарихида ўз истиқдолининг қадрига етмаган халқлар, элатлар ва миллатлар кўп бўлган. Истиқдолини сақлаб қололмаганилар тарих саҳифаларидан бутунлай ўшиб кетганини, сркнии асрлаб қолиан мизнозлар эса ишлар ва ишвакатда тенгизиз юксакликларга кўтарилганини ибратли мисоллар воситасида халқимизга стказишишиз зарур.

Учинчидаи, миллий давлатчилигимиз, тараққиёт ва эрк учун кураштаги фарзаандларини халқимиз янада яхшироқ билиши лозим. Улар ҳақида теран мақолалар ёзишиши, китоблар чон этилиши, кўрсатув ва эшпичтиришлар тайёrlаипши мухим вазифа ҳисобланади. Буцай буок аждодларимизни фарзаандларимизга яхшироқ танитишинииг янги йўлларини излашимиз керак. Токи ўқитувчи: "Мана, болалар, боболаримиз қаандай буок инсонлар бўлишган!", — деб фахр билан айтса олсини.

Тўртичидан, "Мустақиллик Ватанимизга цымалар берди?", "Халқимиз учун қаандай янги имкониятлар очди?" каби саволларнинг жавобини аниқ ва тушуниарли кўрсатиб беришимиш даркор. Мустақиллик туфайли мамлакатимизда эришилган бекиёс ютуқларни тарғиб-ташвиқ қилини шундай воситаларидан биридир. Айни чогда, биз фақат мустақиллик туфайлигина ўз заминимизга, эркимизга, муқаддас динимизга қайта эга бўлдик. Қолаверса, бизни фақат мустақилликдан кейингила дунё таниди, тўла тан олди.

Бешинчидаан, "Мустақиллигимизга бугун кимлар ва нималар таҳдид соляпти?" деган саволнинг жавобини ҳам тўла англаб олишимиз керак. Зотан, асосий, кўзга кўринмас хавф ўзимизнинг ичимида эканини аксарият ҳолларда сезмаймиз. Унинг номи маҳаллийчилик, қариндош-урұғчилик, баъзан бирорванинг ютуқларини кўролмаслик каби иллатлардир. Самарқанду Хоразмнинг бетакрор ёдгорликларини, Нурота тогларида куйлаётган бахшиларни, Сурхоннинг ажаб шаршараларини, Фаргона водийсию Тошкент боғларини, Корақалпоқ ўланларини Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси: "Шуларининг ҳаммаси — бизники!" деб фахр билан айтга оладиган даражага етганимиздагина бир бугун ва енгилмас миллат, халқ бўлдик, деб айтга оламиз.

Олтинчидаан, миллий ғуур, миллий ифтихор туйғуларини одамлар қалбига сингдиришнинг янгича йўли ва усусларини, тарғибот механизмини топиш лозим. Куруқ расмиятчилик билан энг эзгу ғояларни ҳам обрўсизлантириб қўйишмиз, кутилган натижага эмас, унинг аксига эга бўлишмиз мумкин.

## 2. "Ўқитувчилар ва мураббийлар куни"ни (1996 йил 1 октябрь) мупосиб ишошлиш чора-тадбирлари юзасидан тавсиялар

Ушбу умуммиллий байрам Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомилластириш ва самародорлигини ошириш тўғрисида"ги 1996 йил 9 сентябрда қабул қилинган 1559-Фармони асосида жорий этилган.

Тадбирга узоқ вақт таълим соҳасида фаолият кўрсатган, ҳозирги кунда кексалик гаштини сураётган ўқитувчи, мураббийлар, мактабни битириб, халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият юритаётган раҳбарлар, давлат арбоблари, фахрий унвонлар соҳиби бўлган педагоглар, ҳозирги вақтда фаолият кўрсатаётган, шу йили педагогик фаолиятини бошлаётган ёш ўқитувчилар таклиф этилади.

Боланинг  
саломати ва саодати  
учун яхши тарбия  
климак — таниппи пок  
тутмак, ёш вақтидан  
маслакини тузатмак,  
яхши хулкларини  
ўргатмак, ёмон  
хулклардан асраб  
ўсдурмақдур.

Абдулла Алоний

Байрамни нишонлашда күйидагиларга амал қилиш керак:

1. Барча таълим муассасалари, марказлар, жамоат ташкилотларида, халқ таълими туман бўлими, вилоят бошқармалари, МФЙда йигилиши ўтказилиб, ўқитувчи ва мураббийлар куни расман нишонланади.

2. Байрам тадбири ўтказиладиган жойлар устоз ва мураббийларни улуглайдиган, уларнинг меҳнатини қадрлашга ундаидиган, таълим олаёттан ёшларга, таълим ислоҳотига бағишланган, шунингдек, Президентнинг устозлар шаънига билдирган сўзлари ёзилган шиорлар билан жиҳозланади.

3. Мажлис бошида Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди, қатнашчилар, қонунига биноан, тик туриб оммавий тарзда унга жўр бўлади. Тадбир ўтказиладиган зал ёки майданда Ўзбекистон Республикаси Давлат байрони кўтарилади.

4. Байрам тадбирини бошлаб бораёттан киши шарафли касб эгаларининг меҳнати, ёш авлодни вояга етказишдаги ўрни, мустақиллик даврида ўқитувчи ва мураббийларга муносабат тўғрисида қисқача сўзлаб, кейин махсус тайёrlапган нотиқقا наебат беради.

5. Нотиқ 1 октябрь — Ўзбекистонлар ва мураббийлар кунининг умумхалқ байрами сифатида жорий этилиши тарихига қисқача тўхталади. Мамлакатда ўқитувчи ва мураббийларнинг ўрни, аҳамияти, шарафли касб эгаларининг залворли меҳнати, республикамизда мустақиллик даврларида таълим соҳасида эришилган ютуқлар, ўкув дарслекларидағи ўзгаришлар ҳақида сўзлаб беради.

6. Тадбирга нафакада бўлган ўқитувчилар, мураббийлар таклиф қилиниб, ўз ҳаёт йўллари, малакалари билан йигилганиларни таништиради. Тадбирда иштирок этиш имконияти бўлмаган ўқитувчи ва мураббийларнинг ҳолидан хабар олиш ташкил қилинади.

7. 1 октябрь куни вилоят, туман марказларида Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан байрам тадбири ташкил қилиниб, фахрий ўқитувчилар, мураббийлар таклиф этилади. Таълим соҳасида улкан ютуқларга эришган ўқитувчи ва мураббийлар тақдирланади.

Билимга чашқои,  
истеъододли ёшларни  
топиб, уларни Ватан-  
га фидойи қилиб  
тарбиялаш муқаддас  
вазифадир.

*Ислом Каримов*

8. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида қайд этилган: "Бу байрамда ўтказиладиган барча тадбирлар ўқитувчилар, мураббийлар, тарбиячилар, умуман, болалар билан ишлашга, уларнинг соғлигини химоялашга, жисмонан ва руҳан соғлом авлодни камол топтиришга ўз ҳаётини баҳшида этган инсонларни улуғлашга бағишлансан", - деган тамойилдан келиб чиқиб, мактаб иши, жамоатчилик манфаати, Ватанга муҳаббат, келажак авлод тарбиясига ҳурмат руҳида ўтказилиши зарур.


### **3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилишгани куниши (1992 йил 8 декабрь) таңгашали тарзда нишонлаш юзасидан тавсиялар**

1. Барча таълим муассасаларида, малака ошириш йўналишидаги ўқув курсларида биринчи даре машгулоти бошланиши билан, барча вазирлик, қўмита, корпорация, концерн, уюшма, банк, компания, бирлашма, агентлик, марказлар, жамоат ташкилотлари, муассаса ва корхоналарда 8 декабрдан олдинги иш кунида иш бошланиши билан йиғилиш ўтказилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун расман нишонланиши мақсадга мувофиқ.

2. Мажлис бошида Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди, қатнашчилар, қонунга биноан, тик туриб оммавий тарзда унга жўр бўлади.

3. Мажлис раиси қисқача кириш сўзи сўзлаб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунни нишонлап мақсадида тўпланилганини айтади, маҳсус тайёргарлик кўрган бир нотиқقا сўз беради.

4. Нотиқ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилиниши тарихига қисқача тўхталади. Конституциянинг моҳиятини, унинг ҳаётимиизда амал қилиш тамойиллари, механизмларини тушунтиради. Мажлис иштирокчилари соҳасидан келиб чиқсан ҳолда Конституциянинг айrim моддаларини ўқиб, шарҳлаб беради. Илгор давлатлар конституциялари билан қиёслайди.



5. Тадбир тантанавор руҳда, одамларнинг сиёсий онгини ўстирадиган, шунингдек, уларда қонунга итоат қилиш ҳиссини уйғотиш руҳида ўтказилиши мақсадга мувофиқдир.

#### 4. 21 март — Наврӯз байрамини таитапали тарзда ишопланаш өзасидан тавсиялар

Анъаналар, урф-одатлар, расм-руслар ишсоният тараққиётида муҳим ўрин тутади. Улар ҳаётин зарурат туфайли пайдо бўлган ва халқларнинг турмуш тарзи, руҳияти, маънавий дунёси, орзуистакларини ифода этиб, жамиятнинг маънавий - ахлоқий ривожлашига катта таъсир қилган. Анъаналар мазмунан ҳар бир миллатни, халқни, элатни эзгуликка, ишонпарварликка, яхшилини чортайди. Улар даври табаби билан ҳам шанссан, ҳам мазмунан янгиланиб боради. Баъзи бир анъаналар ўзининг ижобий таъсирига, умрбоқијлигига кўра маънавий қадрият даражасига кўтарилади.

Шарқ халқларининг ана шундай умрбоқий маънавий қадрияtlаридан бири —Наврӯз. Бу байрам бир неча минг йиллик тарихга эга.

Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, "Наврӯз ҳаёт абадијлигининг, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саҳоватининг, шу билан бирга, неча минг йиллик миљий қиёфамизининг, урф-одатларимизининг мангулик ифодаси, тасдиғидир".

Наврӯз — жуда қадимий байрам. Унинг қадимији ва навқирон айём эканлигини буюк мутафаккир алломаларимиз ўз асарларида асослаб берган. Дарҳақиқат, Абу Райхон Берунийнинг "Қадимти халқлардан қолган ёдгорликлар", Умар Ҳайёмининг "Наврӯзнома", Абулқосим Фирдавсийнинг "Шоҳнома", Хожа Али Термизийнинг "Наврӯзнома", Алишер Навоийнинг "Тарихи мулук Ажам" асарлари Наврӯз ва унинг пайдо бўлиш тарихи, у билан боғлиқ урф - одатлар, расм - руслар ҳақида муҳим маълумотларни берувчи қимматли манбалар ҳиеобланади.

Наврӯз ҳамма даврларда табиат ва жамиятнинг уйғониши,

Ўз халқига, унинг айланаларига, тили ва маданиятiga муҳаббат ва хурматни тарбияламасдин турбি, ўз халқини миллатларини бутуг жаҳон ҳам-жамиятида тенглардан бири сифатиди идрок қутиувчи ҳақиқий ишсони, ўз Ватанининг жонкуярини тарбиялаш мумкин эмас.

Ислом Каримов

яшнаш ва яшариш байрами, Янги йил, мучал ва дәхқон меҳнати бошланадиган кун сифатида шоду хуррамлик билан нишонлаб келинган. Халқнинг ахлоқий-маънавий қадриятлари мужассам бўлган, эзгу ниятлар билан тантана қилинадиган инсонпарварлик, баҳт ва баҳор байрами Наврӯз қанча - қанча замон бўхронларидан омон ўтди. Ватанимиз мустақилигидан сўнг Наврӯз умухалқ байрами сифатида кенг нишонлана бошлади.

Наврӯз — меҳр-муруват, инсонпарварлик, инсонларни руҳан бирлаштирувчи байрамдир. Барча замонларда Наврӯз орқали халқнинг маънавий дунёси намойиш этилган, турмуш тарзи, орзу-умидлари, гўзалликка, нафосатга бўлган муносабатлари ифодаланган. Ушбу хосиятли байрамни нишонлашнинг ўзига хос томонлари мавжуд ва улар давр ўтиши билан мазмунан бойиб, такомиллашиб келмоқда.

Наврӯз байрами муносабати билан мамлакатлараро урушжанжаллар тўхтатилган, ота-она, қариндош-уруглар, кексалар, касалмандлар совға-салом билан йўқланган, янги кийимлар кийилган, турли-туман Наврӯз таомлари тайёрланган, уй, ҳовли, кўчалар супурилиб-сидирилган, катта-катта майдонларда сайиллар, ўйин-култи, асқиябозлик, кўчкор, хўрор уриштириш, кураш, кўпкари ўтказилган, театр намойишлари ташкил этишган. Одамлар бир-бирларини кига меҳмондорчилликка боришган.

Хуллас, Наврӯз байрами миллий умумхалқ байрами сифатида жуда катта тайёргарлик ва шоду хуррамлик билан ўтказиб келинган. Унинг мазмунида ким Наврӯзни шоду хуррамлик билан кутиб олса ва ўтказса, келгуси йили Наврӯз келгунча унинг ҳаёти хурсандчилликларга бой бўлади, деган гоя ётади.

Наврӯз — меҳнат байрами. Бу кун дәхқон ер чопиб, экин экиб, дәхқончилик фаолиятини бошлайди.

Наврӯз — меҳр-оқибат, инсонпарварлик байрами. Бу кун мархумларнинг қабрлари зиёрат қилинади, кекса, ногирон, ёлғиз қариялар, ота-оналар йўқланади, байрам дастурхони ёзилиб, меҳмон кутилиб, кишилар бир-бирларига совға-салом улашиб, ширинликлар ҳадя этишади.

Наврӯз — муҳаббат, севги, садоқат байрами. Бу байрам муносабати билан никоҳ тўйлар ўтказилган, йигит-қизлар бир-бирлари билан аҳду паймон қилишган, гуллар ҳадя этишган. Янги тушган келин кўлидан чой ичиш мақсадида "келин кўрди"га борилган.

Наврӯз — дўстлик, биродарлик байрами. У нафақат Шарқ

ұалқлари байрами, балқы миллиати, дини, эътиқодидан қатын назар, ундан барча манбаатдор бўлади.

Ўзбек — қадим-қадимдан тинчликсевар ҳалқ. У барча даврларда ҳалқлар, миллиатларнинг ўзаро тинч-тотув, осойишта, дўст-биродар бўлиб яшашларининг тарафдори бўлиб келган. Шунинг учун ҳам бу байрам бизда умуминсоний қадрият ҳисобланади.

Наврӯз ёшлиарни комил инсон қилиб тарбиялаш восигаси бўлиб, у ўзига хос тарбия мактаби. Наврӯз — хотин-қизларга алоҳида кўрк берувчи байрам. Улар байрам муносабати билан қўлларига хина, қошларига ўсма кўяди. Арғимчоқда учишшиб, яллалар айтади, гурунг қилиади.

Наврӯз — тансиҳатлик байрами. Чунки байрам дастурхони, таомлар инсон учун шифо манбаидир.

Наврӯз муносабати билан инсонлар бир-бирларига баҳтсаодат, соғлик-саломатлик, оиласига файзу барака, эл-юртига тинчлик, осойишталик тилайди, кейинги Наврӯз байрамигача барчанинг соғ-омон етиб боришини, йилнинг тўй-томошаларига бой бўлишини иштади ва шунга интишиб яшайди.

Айнан иш Наврӯз қадриятлари мустақилик ишларидан қайгадан тиклаиди, мазмунан бойитилди.

Наврӯзини ишонлаш бўйича тавсиялар қўйидагилардан иборат:

1. Наврӯз байрами ҳар йили 19 мартаң бопслаб 1 апрелгача ишонлашими мақсадга мувофиқ. Бу байрам аввалдан маҳалла миқёсида ишонлашиб келган. Шунинг учун бу байрамни маҳалла миқёсида ишонлаш ўринилди.

2. Байрамни ишонлаш учун шаҳар шароитида замонавий усулда курилган кенг, муҳташам бино ёки спорт саройлари, қишлоқ жойларда эса кенг адирлик ташлангани маъқул. Баърам дастурхони тузатилади. Бу дастурхонга одамлар ўз уйларидан пишириб келган баҳорий таомлар, пишириқлар, сумалак ва ҳалим тортилиши мақсадга мувофиқ.

3. Турли хил ҳалқ ўйинлари: кураш, кўпкари, чиллак, шунингдек, замонавий спорт мусоабақалари ҳам ташкил қилиниши мумкин. Спортнинг замонавий турларидан футбол, волейбол, шахмат, шашка бўйича мусобақалар уюппириш шулар жумласидан.

4. Ҳалқ ҳаётидан олинган турли театрлашган саҳналар намойиш этиши. Бунда лапарлар, фольклор ижодиётидан

намуналар ижро этилиши керак. Бундай саҳналарда Дехқон бобо образи иштирок этиши мақсадга мувофиқ.

5. Вайрамни нишонлашда оммавийликка эътибор бериш, бева-бечоралар, ногиронлар, қариялар ҳолидан хабар олиш алоҳида аҳамият касб этади.

### 5. 9 май — "Хотира ва қадрлаш куни"ни пишоплаш юзасидан тавсиялар

"Биз ғалабага шопли ҳисса кўшиб, иисопиатни фашизм балосидан халос этиш йўлида жонини қурбон қилган ота-боболаримизнинг муқаддас хотиралари олдида бош эгиб таъзим қиласиз"

*Ислом Каримов*

Халқимиз қадим-қадимдан ўттан авлодларни муносиб хотирлаб келган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 3 мартағи Фармонига биноан 9 май "Хотира ва қадрлаш куни" сифатида нишонланадиган бўлди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини агадийлаштириш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.

Аждодларимиз азал-азалдан вафот этган яқинлари, қариндошлирии эслаб, қабристонларга боришган, қабрларни тозалаб, атрофига тол, терак, гулирайхонлар эккан, яхши фазилатларни хотирлашган. Ислом кириб келиши билан "Курбон ҳайити", "Рамазон ҳайити" арафаларида марҳумлар эсланиб, уларнинг руҳига дуо фотиҳа ўқилган, тонг билан қабристонга борилиб, қариндош-урӯф эсга олинган.

Ўзбекистоннинг 338 нафар шависатли фароанди Қаҳрамон уйвонига сазовор бўлди, 53 жангчи эса ҳар учала даражадаги "Шуҳрат" ордени билан тақдирланди.

Ўзбекистон фронт худудларидан кўччириб келинган 1 миллиондан ортиқ аёллар, кексалар ва етни болаларни ўз бағрига олди.

Уруш қатнашчилари ва фронт ортида фидойилик кўрсатган ҳаморулларнининг 111 минг 959 нафари "Жасорат", 171 минг 856 нафари эса "Шуҳрат" медаллари билан тақдирланди.

Узоқ муддат собиқ мустабид тузум даврида бундай маросимлар қоралаб келинди. Истиқбол йилларида улар қайта тикланди. Эндиликда ўтган аждодларимизни хотирлаш ва мұльтабар замондошларимиз хурматини жойига қўйишда "Хотира ва қадрлаш куни"нинг нишонланиши катта аҳамият касб этмоқда.

"Хотира ва қадрлаш куни" ўз моҳияти билан бошқа байрам ва айъаналаримиздан фарқ қиласди. У оламдан ўтган аждодларни эслашгина эмас, асрлар мобайнида Ватан учун курашда ҳалок бўлганилар хотирасини хурматлаш ҳамдир.

Ҳозир юртимизда "Хотира ва қадрлаш куни"ни нишонлаш борасида талаӣ яхши ишлар қилинмоқда. "Хотира ва қадрлаш куни" аждод-авлодларни бир-бири билан боғлаш, юртдошларимизда меҳр-шафқат, муруват, ўзлигини англаш, ҳаётнинг қадрига етиш ҳиссини камол топтиришда муҳим аҳамият касб этаверали.

Аждодларимиз хотирасини эъзозлаш борасидаги ана шундай олий жаноб ишларга Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигидаги Тошкент шаҳри марказида барпо қилинган "Хотира майдони", Бўзсув канали бўйнда бунёд этилган "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик маъмуни яққол мисол бўла олади.

Ҳар бир хонадони, маҳалла, туман, вилоятда хурмат-эъзозга муносиб кишилар кўп ўтган. Баъзиларини кейинги авлод эсламайди, билмайди. Бинубарин, фақат машҳурларини эмас, номсиз-нишонисиз кетган оддий кишиларнинг ҳам иномини тиклаш ҳозирги даврда ҳар бир мактаб, маҳаллашпиг вазифасидир. Шунингдек, машъум урунда ҳалок бўлган боболаримиз ва оталаримиз, урушдан омон қайтган ва кундан-кун сийраклашиб бораётган фахрийларининг, мамлакат ичкарисида меҳнат қилган табаррук қарияларимизнинг ҳолидаи хабар олиб туриш ёш авлод зинмасидаги фарз ва қарзdir. Токи, Хотира ва қадрлаш куни бу аждод-авлодларининг ўзаро боғлиқлик риштасини мустаҳкамлайдиган анъанавий қадриятимизга айлансии.

Бу байрамни қуйидаги тарзда нишонлаган маъқул:

1. "Хотира ва қадрлаш куни" ҳам маҳалла, барча вазирликлар, Давлат қўмиталари, уюшмалар, корпорациялар, концернлар, компаниялар, бирлашмалар, банклар миқёсида нишонланиши

Иккичун жадон урушида Ўзбекистонхоя 1 миллион 433 минг 230 изфир одам интироқ этди.

604 минг 52 изфир ҳамкоримиз уруш майдонларидан ногирсан бўлиб қайти, 450 мингдан ортик етталандиган эса қолни жангларда қажаралашмаларга ҳалок бўлди.

керак. Маҳалла гузарларида уруш ва меҳнат фахрийлари учун мос келадиган концерт дастури ва бадиий-адабий кечалар ташкил этиш лозим.

2. Маҳалла худудидаги ўкув масканларида ёки маҳалла гузарларида уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда ёшлар ўртасида учрашувлар, давра сухбатлари уюштирилиши зарур.

3. Маҳалла фуқаролар йигинлари фаоллари иштирокида маҳалла худудидаги ногиронлар, ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олинишини ташкил этиш керак.

4. Маҳалла ёшларининг хотира хиёбонларига зиёратларини уюштириш мақсадга мувофиқ.

## ТАРИХИЙ САНАЛАРНИ НИШОНЛАШ ЮЗАСИДАН ТАВСИЯЛАР

### 1. 14 январь — "Ватан ҳимоячилари куни"ни (1992 йил) тантанали тарзда нишонлаш юзасидан тавсиялар

1992 йил 14 январида мамлакатимиз худудидаги ҳарбий қисм ва бўлинмалар давлатимиз тасарруфига ўтказилган эди. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 29 декабридаги қонунига биноан, 14 январь юртимида Ватан ҳимоячилари куни деб эълон қилинди. Айнан шу кундан бошлаб мамлакатимизда ҳарбий хизматчиilar, армия сафларида ўз хизмат бурчини ўтаб қайтган кишилар ва эртага ҳарбий хизматга борадиган бутун мамлакатимиз аҳолиси ўртасида катта шодиёна сифатида нишонланиб келмоқда.

Аммо ҳамон бу қутлуғ сана мазмун-моҳиятини тушунмай, шунчаки оддий бир кун сифатида ёки 23 феврални, яъни собиқ совет армияси ташкил топган кунни байрам сифатида эслаб, нишонлаb турувчиilar ҳам мавжуд. Бундай кимсалар ва ташкилотлар миллий армиямиз ташкил топган санани ва армиямизнинг бугунги кундаги салоҳиятини тўлиқ тушуниб етган эмаслар ва мана шу тушунмовчилик таъсирида ҳамон ўзгалар байрамларини нишонлаb келмоқдалар.

Ватанни изтиқодлини янада мустаҳкамли, уни ҳимоя қилиш, юртимиш шамия-мамлакатимиш юксалтириш, адолат, инсоф ва динётат ҳуқумот бўлгагэ эркни жашшат, меҳнат-клих ҳалқимизга муносаб фармон ҳёт куриш базанинг ишоний ва фуқаролик бурчмиздир.

Ислом Каримов

Бунинг бошқа сабаблари ҳам бор. Президент Ислом Каримов "Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир" рисоласида шундай ёзди: "Кўпчилик ёши улуғ одамлар эсласа керак, шўро даврида мамлакатдаги барча эркакларнинг маҳсус байрами сифатида нишонланадиган бу кун 8 март — Хотин-қизлар байрамига гёй жавоб тариқасида таъсис этилгандек таассурот қолдирад эди. Бу кун худдики одамларнинг хаёт-мамотини ҳал қиласидиган ўта муҳим воқеа сифатида талқин этилар, совет мағкурачилари томонидан "Тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёзиладиган унтилмас сана" деб таърифланар эди... Шўро давридаги барча байрамларнинг маъноси шу империя кўл остидаги ҳамма ҳалқларни, шу жумладан, ўзбек ҳалқини ҳам совет ҳалқининг ажralмас бир қисми деб кўрсатишга, шундай тадбирлар орқали иттифоқдаги республикаларда яшайдиган миллатларнинг гүёки бирлигини, уларинг марказга бўйсуниши ва садоқатини намойиш этишига қаратилиган эди".

14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини тарихий сана сифатида мамлакатимизда кенг ишончлаш бўйича Республика Маънавият ва маърифат Конгражининг тасвишлари:

- Мустақиллик йилларида жорий этилган байрамларниң мазмун-моҳиятини кенг ҳалқ оммаси орасида тарғиб ва ташвиқ этиши.

- Оммавий ахборот воситалари ходимлари, маънавият ва маърифат фидойиларининг Ватан ҳимоячилари куни эркани ва озод ҳалқининг янги, муқаддас байрами эканини таъсирчан воситалар орқали тарғиб-ташвиқ этишига эришиш.

- Куролли кучларимизнинг тамал тошини қўйган инсонлар, Ватан озодлиги ва миллий мустақиллик учун жон фидо эттан ватанинварварлар, чегараларимиз дахлсизлигини ҳимоя қилишда иштирок этган миллий қаҳрамонларимиз тўгрисида оммабоп рисолалар, буклетлар, мақолалар чоп этиши, матбуот нашрлари, радио ва телевидениеда руқиilar ташкил этиши.

- "Куролли кучларимиз — мустақиллигимиз кафолати" мавзууда кўргазмали (аудио, видео, кипо ва фото маҳсулотлар, плакатлар, тасвирий санъат намуналаридан унумли фойдаланган ҳолда) тарғибот ишларини ташкил этиши.

- Одамлар онг-тафаккурини совет байрамларининг инерцияси таъсиридан муҳофаза қилиш чора-тадбирларини кўриш.

## **2. Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган куни (1992 йил 2 июль) мурасиб пешоплаш тўғрисида тавсиялар**

1. Йилнинг 2 июли куни эрталаб ўкув ишлари давом этаётган (таътил бошланмаган) барча таълим муассасаларида, болалар оромгоҳларида, малака ошириш йўналишидаги ўкув курсларида биринчи дарс машғулоти бошланши билан, барча вазирлик, қўмита, корпорация, концерн, уюшма, банк, компания, бирлашма, агентлик, марказлар, жамоат ташкилотлари, ҳар қандай муассаса ва корхонада йигилиш ўтказилиб, Давлат герби қабул қилинган кун расман нишонланади.

**Биз – озод Ўзбекистон фуқаролари учун мустақилликниш мұқаддас рамзлари – Давлат герби, Давлат байроби, Давлат мадҳияси азиздир.**

*Ислом Каримов*

2. Мажлис бошида Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди, қатнашчилар, қонунга биноан, тик туриб оммавий тарзда унга жўр бўлади.

3. Мажлис очилади, Давлат герби қабул қилинган кунни нишонлаш мақсадида тўйланилгани айтилади, маҳсус тайёргарлик кўрилган нотиқقا сўз берилади.

4. Нотиқ Давлат герби қабул қилиниши тарихига қисқача тўхталади, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида"ти қонуни моҳиятини тушунтиради, унинг муҳим моддаларини ўқиб, шарҳлаб беради.

5. Тадбир ўтказилаётган зал ё майдонда, албатта, Давлат гербининг тасвири бўлиши шарт. Тушунтиришлар бевосита герб мисолида – кўргазмали асосда олиб борилиши лозим.

6. Тадбирни ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда Республика "Маънавият ва маърифат" марказида тайёрланиб, 2002 йил "Маънавият" наприётида чоп этилган С. Олим, Ш. Жумаевнинг "Давлатимиз рамзлари" рисоласидан фойдаланиш тавсия этилади.

7. Тадбир "Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида"ти қонуннинг 8-моддасида қайд этилган: "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда турган

шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербини ҳурмат қилишлари шарт" деган тамойилга амал қилган ҳолда, одамларнинг сиёсий онгини ўстирадиган, уларда Ватанга муҳаббат туйғуларини жўш урдирадиган оҳангда ўтказилиши зарур.

### 3. "Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилингани кунини (1989 йил 21 октябрь) ишоплаш юзасидан тавсиялар

1. Барча вазирликлар, давлат қўмиталари, уюшмалар, корпорациялар, концернлар, бирлашмалар, банклар ва ишлаб чиқариш корхоналари "Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилингани кунни нишонлашни 21 октябрдан олдинроқ бошлиши керак. Бу кунни нишонлаш камиди ўн кун мобайнида жойларда турли маънавий-маърифий тадбирлар мажмуи тарзида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Тилга эътибор – элга  
эътибор.  
*Алишер Насоий*

2. Бу тадбирларда "Давлат тили ҳақида"ги қонунининг қабул қилинини жараёни, унинг амалда мамлакат мустақиллиги сари ташланган муҳим ва жиддий қадам экани ёритилиши, ўтган йиллардаги тажрибалар умумташтирилиши, қонун қабул қилинганидан бўён, хусусан, мустақилик йилларида давлат тилининг мавқеи ниҳоят даражада ошгани, бу тида давлат сиёсати олиб борилаёттапи кўплаб ёрқин мисоллар билан тушунтириб берилади.

3. "Давлат тили ҳақида"ги қонунининг амалда фақат ўзбек тилининг эмас, мамлакатимизда яшаётган бошқа миллат ва элатлар тилларининг эмин-эркин ривожланиши учун йўл очганини алоҳида таъкидлаш шарт. Масалан, ҳозирги пайтда Ўзбекистонда ўзбек ва қорақалпоқ тилларидан ташқари, рус, қозоқ, тоҷик, қирғиз ва туркман тилларида таълим берадиган мактаблар ишлаб турибди ва уларга дарсликлар ҳам мамлакатимизнинг ўзида чиқариляпти. Рус, тоҷик ва қозоқ тилларида газеталар ҳам чоп этилади. Рус тоҷик, қозоқ, крим-татар, уйғур тилларида радиоэшиттириш ва телекурсатувлар олиб борилади. Мамлакатимизда Байналмилал маданият маркази ишлаб турибди. Унга бир неча миллий маданий марказлар

уюшган. Бу марказлар атрофида бириккан миллат ва элатлар ўз миллий маданиятлари ривожи учун ҳаракат қилиб келяпти, улар ўз тилларида байрамлар, турли тадбирлар, тўй-тантаналар ўтказади, ўз тилларида қўшиқлар кўйлайди.

4. Жойларда давлат тилига муносабат, бу борадаги муаммолар, саводхонликни оширишга хизмат қиласидиган саъй-ҳаракатларнинг самараси ва аҳамияти ҳақида сўзлаш керак.

5. 1995 йил декабрида "Давлат тили ҳақида"ти қонунга ўзгартериш ва қўшимчалар киритилди. Бунинг зарурати ва аҳамиятини тушунтириш лозим. Лотин ёзувига асосланган янги алифбомизнинг устунилик ва фазилатларини, ўзига хос жиҳатларини ёритиш, янги алифбони ўрганиш билан боғлиқ муаммоларни изчил таҳдил қилиб, одамларда уни тезроқ ўрганишга иштиёқ уйғотиш зарур (услубий материал сифатида С. Олимнинг "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", "Моҳият" газеталарининг 2001 йил 21 октябрь саналарида босилган. "Биз нега лотинга ўтгапмиз?" мақоласидан фойдаланиш мумкин).

6. Бу байрамни нишонлаш тадбирларида тилимиз усталари — қалам аҳли, актёрлар, қизиқчилар, ҳофизлар, ўзбек тили ва адабиёти муаллимлари ва бошқаларнинг фаол иштирокига эришиш шарт.

7. Давлат тили муҳокамасига бағищланган тадбирларда турли корхона ва ташкилотлар мутасаддиларининг ишхонада давлат тилини жорий этиш, бу билан боғлиқ муаммоларни счиш бўйича тўплаган тажрибаларидан сўзлаб бериши фойдаладан холи эмас.

8. Тадбирларда ўзбек тилида яратилган энг сара асарларнинг ифодали ижроси, саҳна кўринишлари, чиройли қўшиқлар куйланишига эришиш керак.

9. Тадбир таҳдилга бой тарзда, давлат тилига меҳр уйғотадиган даражада ўтиб, қатнашчиларда ўзбек тилини ўрганишга иштиёқни кучайтиришга хизмат қилиши зарур.

#### **4. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кунни (1991 йил 18 ноябрь) тантанали тарзда шашошлиш юзасидан тавсиялар**

Давлат рамзлари қабул қилинган кунларни оммавий равища нишонлашимиз керак.

Давлатимиз байроғи қабул қилинган кунни тантанали, оммавий тарзда нишонлаш юзасидан тавсияларимиз:

1. Йилнинг 18 ноябри куни эрталаб барча таълим муассасаларида, малака ошириш йўналишидаги ўкув курсларида бириичи дарс машғулоти бошланишида, барча вазирлик, қўмита, корпорация, концерн, ўюшма, банк, компания, биржанига, агентлик, марказлар, жамоат ташкилотлари, ҳар қандай муассасаса ва корхонада иш бошланиши билан йиғилиш ўтказилади, Давлат байроғи қабул қилинган кунни тантанали нишонлашда оммавийликка алоҳида эътибор беришимиз лозим.

2. Тадбир бошида Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди, қатнашчилар қонунга биноан, тик туриб оммавий тарзда унга жўр бўлади.

3. Тадбир бошловчиси қисқача кириш сўзи сўзлаб, Давлат байроғи қабул қилинган кунни нишонлаш мақсадида тўпланилганини айтади, маҳсус тайёргарлик кўрган нотиққа сўз беради.

4. Нотиқ Давлат байроғи қабул қилиниши тарихига қисқача тўхталади, Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган Давлат байроғи тўғрисида "ги қонун моҳиятини тушунтиради, унинг муҳим моддаларини ўқиб, шарҳлаб беради.

5. Тадбир ўтказилаётган зал ёки майдонда, албатта, Давлат байроғи бўлиши шарт. Тушунтиришлар бевоеита байроқ мисолида — кўргазмали асосда олиб борилиши лозим.

6. Тадбирни ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси

Давлатимиз рамзлари – байроқ, тамга, маддия Узбекистон халқларининг шоп-шарафи, гурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзизда мужассамлаштиради. Маша шу рамзларни ўзозозлаш – ўзининг қадр-қимматиши, ўз имаматига ва шахссан ўзига бўлган ишончи мустаҳкамлани демонстрир. Ўз мажлислари билан фарҳангадаги ишсон жуда кўп нарсаларга қодарлар. Бу эса оиласиган ҳам, ўз Ватанининг ҳам шоп-шукретиган сипидари.

Ислом Каримов

ҳамда Республика "Маънавият ва маърифат" марказида тайёрланиб, 2002 йили "Маънавият" нашриётида чоп этилган С. Олим, Ш. Жумаевнинг "Давлатимиз рамзлари" рисоласидан фойдаланиш тавсия этилади.

7. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида"ги қонуннинг 13-моддасида қайд этилган "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда турган бошқа шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини хурмат қилишлари шарт", — деган тамоийилга амал қилган ҳолда, одамларнинг сиёсий онгини ўстирадиган, уларда Ватанга муҳаббат туйғуларини жўш урдирадиган оҳангда ўтказилиши зарур.

Давлат байроғини амалдаги қонунлар асосида тўғри ўрнатиш йўлида тавсияларимиз кўйидагилардан иборат:

- биноларнинг пештоқларида байроқни тўғри ўрнатиш, Куёш нури, ёмғир, чанг-тўзондан ранги ўчиб, эскириб қолган байроқ халқимизнинг руҳияти, кайфиятига мос келмаслигини ҳисобга олиб, кўп исплатилган байроқни янгилаб туриш;

- хизмат хоналарда (кабинетларда) ўрнатилаётганда маҳсус мослама тагликда раҳбарнинг чап томонидан тик ҳолда туришига эришиш;

- биноларнинг асосий кириш жойларида кўтарилиганда байроқнинг дастасини бинонинг олд томонига нисбатан кўпи билан 45 градусли бурчак ҳосил қиласидаган даражада кўтариши;

- очиқ майдонда ўрнатилаётган байроқнинг матоси ердан камида 2,5 метр баландликда бўлишига эришиш;

- биноларнинг олд томонида (очиқ майдонда) бошқа давлатларнинг байроқлари билан ўрнатилганда, Ўзбекистон Республикасининг байроғини (бинонинг олд томонига қараб турганда) ўнг томондан алоҳида, бошқа давлатларнинг байроқини чап томондан янги ўзбек алифбосидаги тартиб асосида, бир хил баландликда жойлаштириш;

- байроқнинг тасвири туширилаётганда ёки чизилаётганда қонунда белгиланган схематик ва рангли тасвирга қатъий амал қилиш;

- байроқ ёки рамз ва тимсоллар таснифи тарғибида, қабул қилинган тасниф асосида тўғри талқин этиш;

- хоналар, синф хоналари, аудиториялар, мажлис заллари, "Маънавият маскани"да Давлат рамзлари ҳамиша олд томонда ўрнатилиши мақсаддаг мувофиқ.

## **5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинган куни (1992 йил 10 декабрь) таңтапали тарзда пишопланизасида тавсиялар**

Йилнинг 10 декабрь куни эрталаб барча таълим муассасаларида, малака ошириш йўналишидаги ўкув курсларида биринчи дарс машгулоти бошланиши билан, барча вазирлик, қўмита, корпорация, концерн, уюшма, банк, компания, бирлашма, агентлик, марказлар, жамоат ташкилотлари, муассаса ва корхонада иш бошланиши билан йигилиш ўтказилиб, Давлат мадҳияси қабул қилинган кун расман нишонланиши мақсадга мувофиқ.

2. Мажлис бошида Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди, қатниашчилар, қонуига биноан, тик туриб оммавий тарзда унга жўр бўлади.

3. Мажлис раиси қисқача кириши сўзи сўзлаб, Давлат мадҳияси қабул қилинган кунини нишонлаш мақсадида тўпланилганини айтади, маҳсус тайёргарлик кўрган нотиққа сўз беради.

4. Нотиқ Давлат мадҳияси қабул қилипипи тарихига қисқача тұжылди, 1992 йил 9 декабрьда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида"ги қонуни моҳиятини тушунтиради, унииг муҳим-муҳим моддаларини ўқиб, шарҳлаб беради, мадҳия муаллифлари ҳақида тўлиқ маълумот беради, мадҳия матнини мисрама-мисра таҳдид этиади (Нотиқ учун намуниавий нутқ матни — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда Республика "Маънавият ва маърифат" марказида тайёрланиб, 2002 йили "Маънавият" нашриётида чои этилган С. Олим, Ш. Жумаевпининг "Давлатимиз рамзлари" рисоласидаги давлатимиз мадҳияси таҳдид этилган бобда ўз акенин топган).

5. Тадбир ўтказилаёттан зал ё майдонда, албатта, Давлат мадҳиясининг плакатдаги матни бўлиши шарт. Тушунтиришлар бевосита мадҳия матни мисолида — кўргазмали асосда олиб борилиши лозим.

6. Тадбир тантанавор руҳда, одамларининг сиёсий онгини ўстирадиган, улар қалбида Ватанга муҳаббат туйғуларини жўшурдирадиган оҳангда ўтказилиши зарур.

РЕСПУБЛИКА "МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ"  
МАРКАЗИНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ,  
ВИЛОЯТ, ШАҲДАР ВА ТУМАН БЎЛIMЛАРИ,  
ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚўМИТАЛАРИ, БАНКЛАР,  
КОРПОРАЦИЯЛАР, КОНЦЕРНЛАР, УЮШМАЛАР,  
КОМПАНИЯЛАР, БИРЛАШМАЛАР, АГЕНТЛИКЛАР ВА  
БОШҚА МУАССАСА; ТАШКИЛОТЛАРНИНГ  
МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ БЎЛIMЛАРИДА  
ЮРИТИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг маънавий-маърифий соҳага оид фармонлари, қарорлари:

ПФ № 842. 23.04.1994 й.

ПФ № 1559. 09.09.1996 й.

ПФ № 2385. 03.09.1999 й.

ВМҚ № 288. 08.06.1994 й.

ВМҚ № 311. 24.07.1998 й.

Ушбу фармонлар, қарорлар асосида ишлаб чиқилган чоратадбирлар режалари;

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши ҳамда ҳудудий Кенгашлар қарорлари жамланмаси;

- Йилик иш режалари;

- баённомалари;

- келган, чиқсан хатлар, ҳужжатлар, кўрсатмалар, фармойишлар;

- ўтказилган тадбирлар, давра сұхбатлари, учрашувларниңг ҳужжатлари;

- ОАВда эълон қўлинган таеснилар, мақолалар ва бўнига мутерислар;

- мазкур соҳага оид шартномалар;

- Кенгаш аъзолари, ишчи гуруҳи аъзолари рўйхати;

- тарғиботчилар рўйхати;

- ишлар, вазифалар тақсимиоти йўриқномалари;

- Давлат дастурлари ижроси ҳужжатлари;

- маърузалар, ҳисоботлар, ахборотлар жамланмалари;

- таклиф ва мулоҳазаларни қайд этиш дафтари ва ҳоказолар.

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ, КОРХОНА ВА  
ТАШКИЛОТЛАР, КЎЧАЛАР, ХИЁБОНЛАР, ИСТИРОҲАТ  
БОҒЛАРИ ВА БОЗОРЛАРДА ЁЗИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН  
ШИОРЛАР, ҲИҚМАТЛАР ЎЗАСИДАН ТАВСИЯЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов  
асарларида олипиган шиор, чақириқ ва ҳикматлар**

1. Озод бўлсанг — озод бўл! Эркин бўлсанг — эркин бўл!  
Мустақил бўлсанг — мустақил бўл! Ҳақиқий мустақил бўл!

\* \* \*

2. Биз ўзимизни ҳамиша мустақил миллат — ўзбек халқи  
сифатида ҳис этиб келганимиз ва бу билан фаҳранамиз.

\* \* \*

3. Ўзликни англай тарихни билдишдан бошланади.

\* \* \*

4. Жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан  
кутқариб қоладиган ягона куч — маърифатdir.

\* \* \*

5. Фоята қарши фақат гоя, фикрга қарши фақат фикр,  
жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш,  
олишиш мумкин.

\* \* \*

6. Миллий ғуурини, миллий тафаккурни уйғотадиган, халиқни  
холиқ, миллатни миллат иҷтимоий мустақилийдир.

\* \* \*

7. Томиррида миллий ғуур, Ватан ишқи жўш урмаган одамдан  
жасорат кутиб бўлмайди.

\* \* \*

8. Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир фуқаронинг мақсади — озод  
Ватандан яшаш.

\* \* \*

9. Бизнииг энг улуғ мақсадимиз, энг улуғ ғоямиз, энг улуғ  
шиюримиз шуки, Ўзбекистоннинг битта йўли бор:  
мустақилликни мустаҳкамлаб, истиқтолни мустаҳкамлаб олға  
юриш.

\* \* \*

10. Ички ва ташқи сиёсатимизниг асосий йўналиши ва  
асосий мазмуни битта — чинакам мустақил Ўзбекистон  
давлатини барпо этиш.

\* \* \*

11. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард  
мақсадимиз.

---

<sup>\*</sup>Бу ёзувлар остида "Ислом Каримов" деб ёзиб қўйиш шарт.

- \* \* \*
12. Юксак маънавияти бўлмаган халқнинг келажаги ҳам йўқдир.
- \* \* \*
13. Авлодларга озод ва обод Ватан қолдирайлик.
- \* \* \*
14. Ислоҳот — аввало, одамлар онгидаги ўзгаришидир.
- \* \* \*
15. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби.
- \* \* \*
16. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир.
- \* \* \*
17. Ўзбекистон — келажаги буюк давлат.
- \* \* \*
18. Мустақил ўзбек давлати — халқимизнинг тарихий ютуғидир.
- \* \* \*
19. Мустақил Ўзбекистоннинг куч-кудрати манбай -  
халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир.
- \* \* \*
20. Ўз мамлакати билан фаҳрланадиган инсон жуда кўп  
нарсаларга қодирдир.
- \* \* \*
21. Ўзбекистоннинг меҳмондўст, меҳнатсевар халқи унинг  
чинакам бойлигидир.
- \* \* \*
22. Конуннинг устуворлиги — ҳуқуқий давлатнинг асосий  
принципидир.
- \* \* \*
23. Она заминимиз — бойлигимизнинг, мустақиллигимизнинг  
ва гўзал келажакка ишончимизнинг асосий манбаидир.
- \* \* \*
24. Биз озод Ўзбекистон фуқаролари учун мустақилликнинг  
муқаддас рамзлари — Давлат герби, Давлат байроғи, Давлат  
мадхияси азиздир.
- \* \* \*
25. Фақат маънавий соғлом, кучли жамиятгина ислоҳотларга  
тайёр бўлиши мумкин.
- \* \* \*
26. Барқарорлик, тинчлик, тотувлик — булар  
давлатчилигимизнинг янги биноси барпо қилинадиган  
пойдевордир.

\* \* \*

27. Хотин-қызларга муносабат жамиятимизнинг маънавий, ахлоқий етуклигининг ўлчови бўлиб хизмат қилиши керак.

\* \* \*

28. Она тўғрисида, унинг фарзанди тўғрисида ғамхўрлик қилиш давлатимизнинг муқаддас бурчидир.

\* \* \*

29. Демократик жамият бу, — энг аввало, фуқаролик жамиятидир.

\* \* \*

30. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатни демократик йўлдан ривожлантиришининг ҳукуқий кафолатидир.

\* \* \*

31. Юксак даражада ахлоқли фуқарони вояга етказиш — ҳар бир иносоннинг бурчидир.

\* \* \*

32. Қонуннинг устунылиги бизнинг ислоҳотлар моделимиздаги етакчи тамойиллар.

\* \* \*

33. Фақаттина чинакам маъриғатли! одам иносон қадрини, миллат қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркни ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб, обрўли ўрин эталлаши учун фидойилик билан курашиши мумкин.

\* \* \*

34. Бизнинг аждодларимиз ҳамиша узоқни кўзлаб яшаган. Миллат, Ватан, халқ истиқболи деган муқаддас тушунчалар ҳамма вақт калбимизнинг тўридан жой олиб, ҳар биримизнинг хаёлимизда, онгимизда чарх уриб туриши даркор.

\* \* \*

35. Чинакам халқ бўлсак, чинакам миллат бўлсақ, улкан, қудратли дарёга айланайлик, фарзандларимизга ўзгалар ҳавас қиласидиган озод ва обод Ватан қолдирайлик.

\* \* \*

36. Милий мафкура воситасида элу юрт бирлашади, ўз олдига буюк мақсадлар қўяди ва уларни адo этишга қодир бўлади.

\* \* \*

37. Куч — билим ва тафаккурда.

\* \* \*

38. Маънавий ва ахлоқинй покланиш, иймон, инсоф, диённат, ор-номус, меҳр-оқибат ва шу каби чинакам инсоний фазилатлар ўз-ўзидан келмайди. Ҳаммасининг заминида тарбия ётади.

\* \* \*

39. Илм — зиё салоҳияти, бу — халқнинг, Ватаннинг улкан бойлиги, келажак пойдеворидир.

\* \* \*

40. Улуғ мақсадларга этишиш, янги жамият, фаровон турмуш куриш, инсон зотига муносаб гўзал ҳаёт барпо этиш, аввало, шу жамият аъзолари бўлган комил одамларга, келажак баркамол авлодга боғлиқдир.

\* \* \*

41. Агар иқтисодий ўсиш, тараққиёт жамиятимизнинг танаси бўлса, маънавият, маърифат ва сиёсий онг етуклиги — унинг руҳи, ақли ва жонидир.

\* \* \*

42. Илм ва тафаккур одамлар қалбига нур, онтига зиё, хонадонига файз-барака келтирадиган буюк мўъжизадир.

\* \* \*

43. Биз ўз истеъодли, фидойи болаларимизга, фарзандларимизга билим ва қасб чўққиларини забт этиши учун қанот беришимиш керак.

\* \* \*

44. Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади.

\* \* \*

45. Тарихий хотираси бор инсон — иродали инсон.

\* \* \*

46. Маърифатга интилиш — халқимизнинг азалий фазилатларидан биридир.

\* \* \*

47. Миллатимиз урф-одатларидағи, қонидаги маърифат тушунчаси, илм ва билимга интилиш хислати бир неча минг йиллар давомида шаклланган, сайджал топган.

\* \* \*

48. Келажакда Ўзбекистон юксак даражада тараққий этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан етук фарзандлари билан ҳам жаҳонни қойил қилиши лозим.

\* \* \*

49. Ҳар қандай миллатнинг равнақи, умумбашарият тарихида туттан ўрни, мавқеи ва шуҳрати бевосита ўз фарзандларининг ақлий ва жисмоний етуклигига боғлиқдир.

\* \* \*

50. Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият маърифатли инсоннинг икки қанотидир.

\* \* \*

51. Келажаги буюк давлат, энг биринчи навбатда, бўлажак фуқароларининг маданияти, маълумоти ва маънавияти ҳақида камхўрлик қўлмоғи зарур.

\* \* \*

52. Билимга чаңқоқ, истеъододли ёшларни топиб, уларни Ватанга фидойи қилиб тарбиялаш муқаддас вазифадир.

\* \* \*

53. Талимининг яни моддерни жамиятда мустақаби фикрловчи эркани шахснинг шакланишига олиб келади. Ўзининг қадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз.

\* \* \*

54. Замон талабига мос мугахассис тайёрламоқчи эканмиз, биринчи навбатда, ўқув юртларининг шакли, қиёфаси ва таркиби, моддий базаси ҳам замонавий бўлиши шарт.

\* \* \*

55. Маърифат — халқимиз, миллатимиз қонидадир.

\* \* \*

56. Ёшларга миллий ватанпарварлик руҳида таълим-тарбия бериш бугутиги кунининг жиҳдий вазифаларидан ҳисобланади.

\* \* \*

57. Ҳар қандай инсоннинг энг мўътабар орзузи, астойдил интилган асосий мақсади — соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, ҳар томонлама комил инсонни вояга етказищдан иборат.

\* \* \*

58. Ҳеч бир халқнинг курдати, машҳурлиги, халқаро обрў-эътибори унданаги тўпларнинг ёки бошқа қурол-ярогларнинг сони билан ўлчамнайти, уларни, авваламбор, миллатнинг соғломлиги, маънавий ва моддий салоҳияти ва кучи билан ўлчамоқ керак.

\* \* \*

59. Биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайгуришимиз, курашмогимиз зарур.

\* \* \*

60. Соғлом деганда биз фақатгина жисман бақувват фарзандларимизни эмас, балки маънавий бой авлодни ҳам кўзда тутганмиз. Чунки ҳар тарафлама соғлом авлодга эга бўлган халқни ҳеч қачон енгигб бўлмайди.

\* \* \*

61. Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб, ўз истиқболини тасаввур эта олмайди.

\* \* \*

62. Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз.

\* \* \*

63. Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англаш, таъbir жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараённида гоят муҳим ўрин тутади.

\* \* \*

64. Маънавий қадриятларнинг тикланиши уларнинг ҳозирги дунё ва ахборот цивилизацияси қадриятларига мослашишини ҳам англатади.

\* \* \*

65. Бизнинг анъанавий қадриятларимизни ҳозирги демократик жамиятнинг қадриятлари билан уйғунлаштириш келажақда янада равнақ топишмизнинг, жамиятимиз жаҳон ҳамжамиятига қўшилишининг гаровидир.

\* \* \*

66. Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва

ривожлантириш — Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир.

\* \* \*

67. Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чукур билиши ва тушуниб етишга суюнгандагина курдатли кучга айланади.

\* \* \*

68. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди.

\* \* \*

69. Маънавият инсонга ҳаводек, сувдек зарур.

\* \* \*

70. Маънавият—инсоннинг, халқпинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-кудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон баҳтсаодат бўлмайди.

\* \* \*

71. Маънавиятни мустаҳкамлаш учун меҳнат ва маблагни аяш ўз келажагига болта уриш демакдир.

\* \* \*

72. Дағлатимиш рамзлари — байроқ, тамқа, мадҳиҳи Ўзбекистон халқпиниг шон-шарафи, фурури, тарихий хотираси ва иштилишларини ўзида мужассамлаштиради. Мана шу рамзларни эъзозлаш — ўзининг қадр-қымматини, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишоигини мустаҳкамлаш демакдир. Ўз мамлакати билан фаҳранадиган инсон жуда кўп нарсаларга қодирдир. Бу эса оиласининг ҳам, ўз Ватанининг ҳам шон-шуҳратини оширади.

\* \* \*

73. Ватанга содиқлик, ватанпарварлик ўзининг курдатли илдизлари билан ўз оиласининг, авлод-аждодларнинг номусорига, чукур эҳтиромга, инсоннинг шахсий вижданига, бурчга ва ўз сўзига содиқликка бориб тақалади.

\* \* \*

74. Ўзбек халқпиниг юксак миллий қадр-қыммати, ор-номуси ва шон-шарафи унишиг ўта меҳрибонлиги ва соф вижданлилигига асослангандир.

\* \* \*

75. Ўз халқига, унинг айваналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурматни тарбияламасдан туриб, ўз халқини

миллатларнинг бугун жаҳон ҳамжамиятидан тенглардан бири сифатида идрок қилувчи ҳақиқий инсонни, ўз Ватанининг жонкуярини тарбиялаш мумкин эмас.

\* \* \*

76. Ўзбекистоннинг куч-кудрати манбаи — ҳалқимизнинг умуминсоний қадрияларга содиклиги, утуг аждодларимиздан авлодларга ўтаётган маънавий мероснинг қучлилигига, фуқароларимизнинг эл-юртта, она заминга битмас-туганмас меҳрида, миллий фуруримида.

\* \* \*

77. Ҳалқ учун, Ватан учун, она диёр равнақи йўлида қилинаётган барча хайрли ишларингизда толе ёр бўлсин!

\* \* \*

78. Ватан озодлиги ва фаровон ҳаёт — ҳар бир инсоннинг олий мақсади.

\* \* \*

79. Инсон иймонсиз яшай олмайди.

\* \* \*

80. Ўз кучи ва келажагига ишонган ҳалқинг бағри кенг бўлади.

\* \* \*

81. Истиқболдаги Ўзбекистон Ватан озодлиги насиб этмаган боболаримизга улутвор ҳайкал бўлажак!

\* \* \*

82. Ҳалқимизнинг таянчи — аждодларимиз қолдирган маънавий мероснинг ўзи бир катта хазина.

\* \* \*

83. Миллий истиқтол мафкураси ҳалқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, дилига, руҳиятига асоссланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдириши лозим.

\* \* \*

84. Ватанимиз истиқтолини янада мустаҳкамлаш, уни ҳимоя қилиш, юртимиз шаъни-шавкатини юксалтириш, адолат, инсоф ва диёнат ҳукмрон бўлган эркин жамият, меҳнаткаш ҳалқимизга муносаб фаровон ҳаёт қуриш бизнинг инсоний ва фуқаролик бурчимиздир.

\* \* \*

85. Ҳам ташқи, ҳам ички сиёсатимиз, ҳаракатларимизнинг

асосий мақсади — халқимиз манфаатларини ўйлаїдиган, унга фаровонлик ва эркинлик ато этадиган адолатли демократик жамиятни барпю этишдир.

\* \* \*

86. Замон олдида, халқ олдида, жамият олдида масъул эканимизни ҳар дақиқа теран ҳис этиб турмасак бўлмайди.

\* \* \*

87. Буюк келажагимизга эришиш учун оқил, маърифатли, айни пайтда ўзининг ўтмиши, улуғ қадриятлари, миллати билан фахрланадиган ва келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялашмиз керак.

\* \* \*

88. Кишилик жамияти эл-юргита, Ватанига садоқатли, иймон-эътиқоди бутун, мард ва жасур, малакаси етук, маънавияти юксак инсонлар билан ҳақли равишда фахрланади.

\* \* \*

89. Дунёга келиб муносиб фарзанд кўриш, иморат қуриш, ниҳол экиб, боғ яратиш — ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб қолган эзгу тилак ва кутлуг ишонини бурчдир.

\* \* \*

90. Аждодларимиз ўз наслларини умумбашарий туйгулар, ўлмас Шарқ фалсафаси, миллий қадриятларимиз руҳида тарбия қилиб келгандар.

\* \* \*

91. Соғлом авлодни тарбиялаш - келажаги буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир.

\* \* \*

92. Кўпмиллатли мамлакатда ҳар бир миллат ва элат равнақини таъминлаш, миллий анъаналар, урф-одатлар ва маданиятларни ривожлантириш демократик ҳукуқий давлатнинг бебаҳо фазилатидир.

\* \* \*

93. Биз учун мустақиллик — Оллоҳнинг ўзи эл-юртимизга инъом этган табиий бойликларга эгалик қилиш, халқимиз қудрати, салоҳияти, ақду заковатига таяниб, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила учун муносиб ҳаёт қуриш, келажак авлодлар учун озод ва обод Ватан қолдиришдир.

\* \* \*

94. Биз учун истиқбол — давлатчилигимизни мустаҳкамлаш,

буюк келажагимизнинг пойдеворини қуриш, миллий онгимиз ва фахримизни юксалтириш, жаҳон ҳамжамиятида муносаб ўрнимизни эгаллашдир.

\* \* \*

95. Она юртимиз учун, унинг порлоқ келажаги учун барча эзгу ниятларимизни баҳшида этайлик!

\* \* \*

96. Азиз Ватанимизни асраб-авайлайлик, улуғлайлик!

\* \* \*

97. Ватанимиз олдида ўз инсоний ва фуқаролик бурчимизни сидқидилдан бажо келтирайлик!

\* \* \*

98. Мустақиллигимиз боқий бўлсин!

\* \* \*

99. Истиқлонни ҳимоялаш, уни қадрлаш, улуғлаш ва унга хизмат қилиш миллий онгимизга, ақидамизга айлансангина бизни танлаган йўлимидан ҳеч қандай куч қайтара олмайди, қаддимизни буқолмайди!

\* \* \*

100. Ўзбекистон халқи ва давлатининг йўли битта — озодлик ва эркинлик, мустақиллик ва туб ислоҳотларни амалга ошириш!

\* \* \*

101. Мустақиллик ўзбек халқига ўз юртида қадр-қимматни, бўй-бастини, ўз маданияти ва анъаналарини, дину эътиқодини, тили ва маънавиятини қайта тиклаб олишга, миллий фурур ва миллий тафаккур, Ватанга муҳаббат туйғуларини камол топтиришга замин туғдирди.

\* \* \*

102. Амир Темур — халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий кудратимиз рамзиdir.

\* \* \*

103. Миллий мафкура — миллатни бирлаштирувчи байроқdir.

\* \* \*

104. Мафкурасиз одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотади.

\* \* \*

105. Маънавиятимиз кўлимиизда енгилмас кучга айлансин!

\* \* \*

106. Мафкура полигонлари ядро полигонларидан кучлироқdir.

\* \* \*

107. Мафкура — ўтмиш ва келажак ўртасидаги кўприкдир.

\* \* \*

108. Онгли турмуш — жамият ҳаётининг бош мезони.

\* \* \*

109. Мақсадимиз — эркин шахсни тарбиялаш.

\* \* \*

110. Юргимизнинг хавфсизлиги - сиёсатимизнинг бош йўналиши.

\* \* \*

111. Кучли давлатдан — кучли жамият сари.

\* \* \*

112. Энг олий мақсадим — халқимнинг омонилиги.

\* \* \*

113. Жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч — маърифатдир.

\* \* \*

114. Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади,

\* \* \*

115. Маънавиятт, маърифатни тарғиб қўлини ҳар бир зиёлтишиниг виждан ишишилди.

\* \* \*

116. Фақат баҳс, мунозара, таҳлил меваси бўлган хуносаларгина бизга тўғри йўл кўрсатади.

\* \* \*

117. Инсон учун тарихидан жудо бўлшиш — ҳаётдап жудо бўлиши демакдир.

\* \* \*

118. Тарихий хотираси бор инсон — иродали инсон. Тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади.

\* \* \*

119. Ўзбек том маънода бунёдкордир.

\* \* \*

120. Биз халқни маданияти, маънавияти орқали биламиз.

\* \* \*

121. Ўзбек халқининг илиги тўқ, бақувват. Биз ўзбеклигимиздан фаҳрланамиз, фуурланамиз.

\* \* \*

122. Тарих — халқ маънавиятининг асосидир.

\* \* \*

123. Биз Берунийларга, Бухорийларга, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Мирзо Бобурларга ворисмиз.

\* \* \*

124. Фан — жамият тараққиётини олға силжитувчи күч, восигадир.

\* \* \*

125. Ҳар бир халқ үз тарихини ҳар хил таъсир ва тажовузлардан асраши керак.

## МАЬНАВИЙ ҲИКМАТЛАР

Беш тоифа кишиларни савдога аралаштириш ҳаромдир. Булар: балоғатта етмаган болалар, кўзи ожизлар, куллар, ҳаромхўр талончилар ва девоналар. Агар оталари бозорга юборган бўлса ҳам, ёш болалар билан муомала қилиш ҳаромдир.

*Имом Газзалий*

Яхшилил мурод-мақсадларнинг калитидир.

*Ҳикмат*

Эл-юрт учун фидойилик қилиш яхшиликларнинг гултожи ҳисобланади.

*Ҳикмат*

Ҳалол сўз, ҳалол иш, ҳалол ош, ҳалол муомала баҳт-саодатта йўл очади.

*Ҳикмат*

Ҳар кимки илм-ҳикматни ўрганаман деса, уни ёшлигидан бошласин, саломатлигига яхши бўлсин, хушахлоқ ва оғобури бўлсин, сўзининг устидан чиқсанчи, ёмон ишлардан сакчаниадиган, хиёнат ва макр-ҳийладан узоқ бўлсин.

*Абу Наср Форобий*

Дунёда инсонга эиг азиз неъматнинг бири тинчлик бўлса, иккинчиси — соғлик.

*Ҳикмат*

Руҳ қалъасини сақлаб қолиш учун жисм қалъасини мустаҳкамлаш зарур.

*Виктор Пого*

Имкон борича болага яхши таълим-тарбия беришга интилиш лозим, токи у изжобий хусусиятларни ўзлаштирсив ва ярамас ҳаракатлардан ўзини муҳофаза қилсин.

*Ҳусайн Вонз Кошифий*

Тўрт нарса тўрт нарсани келтиради: сукут — саломатликни; яхшилил — тинчликни; саховат — буюкликни; қаноат - зиёдаликни.

*Ҳикмат*

Тўғри ва ҳақ йўлдан юрган кишининг юриши арслон юришидан ҳам маҳобатлироқдир.

*Махмуд Замахшарий*

Боланинг саломатлиги ва саодати учун яхши тарбия қилмак — танини пок тутмак, ёш вақтидан маслакини тузатмак, яхши хулқларни ўргатмак, ёмон хулқлардан асраб ўсдурмакдур.

*Абдулла Авлоний*

Инсон маънавий камолотга эришиши йўлида ҳаракат қилганидек, дунёни билишга ҳам уринса, ҳеч шубҳасиз, ўзи интилаётган сўнгти даражадаги баҳт-саодатга эришади.

*Абу Наср Форобий*

Нафъинг агар халққа бешак дуур,  
Билки, бу нафъ ўзингга кўпрак дуур.

*Алишер Навоий*

Ҳар кишида мулойимлик, хушмуомалалик бор бўлса, файз, камол топишидан ўзга эҳтимол йўқдир. Ҳар киши бадфеъл бўлса, беобрў бўлишдан бошқа чора йўқдир. Хушфеъллик, мулойимлик ҳамма неъматларнинг яхшироғидир.

*Хусайн Вонз Кошифий*

Дунёдаги барча каашфиётлар ичида энг гўзали мукаммал тарбия олган инсондир.

*Эпиктет*

Мен қолдириб кетаётган зўр табибларимнинг бири — тозалик, иккинчиси — парҳез, учинчиси — бадантарбия, қолганлари — мизож билан кайфиятдир.

*Ибн Сино*

Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир.

*Амир Темур*

Билим, маърифат яхши ахлоқ билан безанмоги лозим.

*Абу Наср Форобий*

Баданнинг саломат ва қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли

нарсадир. Чунки ўқимоқ ва ўргатмоқ учун инсонга күчли, касалсиз жасад лозимдур.

*Абдулла Авлоний*

Маломат кийимини кийишдан кўра, саломатлик либосини кийиш яхшироқдир.

*Махмуд Замахаирий*

Дарс ила тарбия орасида бир оз фарқ бўлса ҳам, иккиси бир-биридан айрилмайдурғон, бирининг вужуди бирига бойланган жон ила тан кабидур.

*Абдулла Авлоний*

Болаларни баркамол қилиб вояга етказиш учун унипг тарбиясига оиласига жавобгар бўлмасдан, бутун жамият аъзолари жавобгардиrlар, чунки ёшлар ҳар томонлама етук инсон бўлиб тарбияланса, жамиятнинг келгуси тараққиётида катта аҳамиятта эга бўлади.

*Абдурауф Фитрат*

Адл ила олам юзин обод қил,  
Хулқ ила одам элини шод қил.

*Алишер Навоий*

Кимки жаҳон аҳлида инсон эрур,  
Билки, нишона анга иймон эрур.

*Алишер Навоий*

Атласу юнгдан либос эрмас одамнинг шавкати,  
Бу матолар аксарият от-уловнинг зийнати.

*Абдулқодир Бедил*

Ҳалол ишлаб топсанг гар арпа донин —  
Яхшидир егаидан бирор оқ нонин.

*Ҳусрав Деклавий*

Ҳеч кимга ялинмас ҳунарли инсон,  
Ризқин ўз боғидан топади боғбон.

*Сайидо Насафиий*

Үз мәхнатидан нон еган киши  
Хотам миннатидан озод ёз-киши.

*Саъдий Шерозий*

Ҳар тирик жон агар қылса ҳаракат,  
Ҳаракатта қараб топар баракат.

*Комилийдин Биноий*

Кишига фақат ҳунар иқбол эшигин очар.

*Абдулқодир Бедил*

Үз нафсин мағлуб этолған марддир,  
Фийбатлардан узоқ кетолған марддир.

*Абу Абдулло Рудакий*

Яхшилиқдан күзинг равшандир,  
Яхшилик балодан сақлар қалқондир.

*Абу Шукур Балхий*

Ёлғон, эгрилиқка ўрганма асло,  
Жаҳон тұғрилиқдан бұлғандир барпо.

*Абу Шукур Балхий*

Сахийлик — баҳт-саодатдан далилдир,  
Саховатсиз — саодатсиз, баҳилдир.

*Носир Ҳисрав*

## ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

Бир кун жаңжал бұлған жойдан қирқ күп барака кетар.

\* \* \*

Бирники — мингта, мингники — туманга\*.

\* \* \*

Бор бұлса — ошма, йўқ бұлса — шошма.

\* \* \*

Гилам сотсанг, құшнинта сот — бир чеккасида ўзинг ўтирасан.

\* \* \*

Дардинг бұлса бұлсин, қарзинг бұлмасин.

\* \* \*

Даромадға қараб буромад.

\* \* \*

Зар қадрини заргар билар.

\* \* \*

Иисоф сари - барака.

\* \* \*

Карвон күп, ризқи бошқа.

\* \* \*

Мол-дунё топилар, олам топтимас.

\* \* \*

Моллиг сара бұлғунча бозоринг сара бұлсип.

\* \* \*

Нимани хор қылсанг, шунга зор бұласан.

\* \* \*

Обод қылган — обод бұлади.

\* \* \*

Сотиши — хунар эмас, олиши — хунар.

\* \* \*

Омонат, омонатта қылма хиёнат.

\* \* \*

Савдогар, моли тоза бұлса, очиқ сотади.

\* \* \*

Хисобини билмаган ҳамёнидан айрилар.

\* \* \*

Тилинг билан дилингни бир тут.

\* \* \*

Элдан ошма, элдан қолищма.

\* \* \*

Заргар фирибгар бұлса, олтин ҳам занглайди.

---

\* Туман - ўп минг.

**МУСТАҚИЛЛИК ВА МАЬНАВИЯТ**  
**(Маънавий-маърифий, маданий-ташкилний ишлар солномаси)**

1. Мамлакаттимизда 1991 йил "Алишер Навоий йили" деб эълон қилинди.

2. 31 август — Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинди.

3. 1 сентябрь — "Мустақиллик куни" деб эълон қилинди.

4. 20 сентябрь - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Фанлар академияси Адабиёт институтига Алишер Навоий Навоий номини бериш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.\*

5. 25 сентябр — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси Алишер Навоий номидаги Давлат мукофотини бериш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.

6. 26-27 сентябрь — буюк ўзбек шоири ва муғафаккири Алишер Навоий тавалтудининг 550 йиллиги халқаро миқёсда байрам қилинди.

1. 20 январь — Ўзбекистон Миллӣ Олимпия қўмитаси тузилди.

2. 30 январь — Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Миллӣ авваликкомпаниясини ташкил қилиш тўғрисида"ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Миллӣ гвардиясини тузни тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

3. 5 февраль — Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Ахборот агентлиги (ЎзТАГ)ни Ўзбекистон Миллӣ ахборот агентлиги (ЎзА)га айлантириш тўғрисида" Фармони эълон қилинди.

4. 2 март — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси Ўзбекистон Республикасини БМТ аъзолигига қабул қилди.

5. 25 март — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси "Ўзбекистон Республикаси халқаро маданий-маърифий алоқалар миллӣ уюшмасини ташкил қилиш тўғрисида" қарор қабул қилди. Уюшма чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий

алоқалар Ўзбекистон жамияти ҳамда хориждаги ватандошлар билан алоқалар "Ватан" жамияти негизида тузилди.

6. 27 март — Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рамазон ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.

7. 31 март — Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Олий Аттестация комиссияси (Ўзбекистон Республикаси ОАК)ни ташкил қилиш тўғрисида" Фармони эълон қилинди.

8. 12 май — Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Давлат жаҳон тилилари университетини ташкил қилиш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.

9. 22 август — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ҳар йили 1 сентябрда "Ўзбекистон ўқув юртларида Мустақиллик кунини ўтказиш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.

10. 3 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси "Баҳовуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигини нишонлашча тайёргарлик кўриш тўғрисида" қарор қабул қилди.

## 1993

1. 2 март — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Наврӯз - умумхалқ байрамини нишонлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

2. 4 март — "Софлом авлод учун" ордени таъсис этилди.

3. 23 апрель — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йилда ўрта асрларинг буюк олимни "Муҳаммад Тарагай Улугбекнинг 600 йиллик юбилейини ўтказиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

4. 23 апрель — ҳукуматта қарашли бўлмаган "Софлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ташкил қилинди

